



Tadqiqot uz

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Хуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



Crossref



No16

2 июнь

conferences.uz

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 16-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
5-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
16-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-5**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
16-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-5**

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2020]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 16-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 апрел 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. - 102б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Маъсул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шоҳида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6. Журналистика

Тошбоева Барноҳон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазилидин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазилидин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)

22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпلامга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

1. Madina Muhammadiyeva SIYOSIY PARTIYALAR - MAMLAKATIMIZDAGI MUHIM JARAYONLARNING ISHTIROKCHISI SIFATIDA.....	8
2. Кадирова Умида Султонмурадовна ЁШЛАР ТАРБИЯСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	11
3. Ташшўлат Матибаев КОРРУПЦИЯ - ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА САЛБИЙ ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛ.....	14
4. Муротов Акбар Жамолович ТОШКЕНТ ШАҲРИДА "АҚЛЛИ ТРАНСПОРТ" ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	20
5. Насруллаев Икромжон Эркинович ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪМУРИЙ ИСЛОҲОТЛАР ДОИРАСИДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛИ РЕИНЖИНИРИНГ АМАЛИЁТЛАРИ.....	26
6. Temirova Muhabbat Xusanovna HUSNIYATGA O'RGATISH MUHIMMI?.....	32
7. Шахноза Азимбаева РОЛЬ ОРГАНОВ МЕСТНОГО САМОУПРАВЛЕНИЯ В РАЗВИТИИ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА В ВЕЛИКОБРИТАНИИ.....	36
8. Алимухамедов Б.Б., Юлдашев Н.Н. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДЕМОГРАФИК РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	38
9. Неъматов Рустам Абдуваид ўғли ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИДА ХХР НИНГ ЎРНИ.....	40
10. Юсупов Камолиддин Маматкулович ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ЯНГИЧА ПРАЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР.....	45
11. Рахимов Илхомжон Азимжонович, Нишонбоев Маратжон Ёдгорович "МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВАЗИРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ".....	49
12. Холисова Обида Рахимовна ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР БУЮК БОБОМИЗНИНГ - БУЮК ФАЗИЛАТИ.....	51
13. Амонов Шохрух Қурбонович ҲУДУДЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР.....	54
14. Базаров Фарид Уралович ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА БЛОГЕРЛАР ҲАМКОРЛИГИ - АХБОРОТЛАШГАН ДАВР ТАЛАБИ.....	59
15. Жўраев Феруз Идиевич РАҲБАР БОШҚАРУВ УСЛУБИНИНГ ЖАМОАДАГИ ПСИХОЛОГИК МУҲИТ ВА МЕҲНАТ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ.....	63
16. Қудриддинова Наргис Дехконовна, Туланбаев Низомиддин Шавкатбекович ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИДА ИШ ЮРИТИШДА ДАВЛАТ ТИЛИГА БЎЛГАН ЭЪТИБОР ОШМОҚДА.....	70
17. Arabboyeva Munajat, Rustamova Maftuna BESH TASHABBUS - BESH IMKONIYAT.....	74
18. Бегимова Дилшода Комилжоновна ЎЗБЕКИСТОНДА КЛАСТЕРЛАР ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ.....	76

19.Кичкилов Шерхон Хамзаевич ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА РАҲБАР КАДРЛАР ТАЙИНЛАШ МЕЗОНЛАРИ ВА МЕХАНИЗМИ.....	78
20.Тўйчиева Раъно Алмаматовна ОСИЁДА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ВА ИШОНЧ ЧОРАЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШНИНГ МИНТАҚА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ РОЛИ.....	83
21.Шакаров Акмал Исматович МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИЎИНЛАРИ РАИСЛАРИДА РАҲБАРЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	89
22.Доцент Жамолов Марат Жамолович ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИНГ ЁШ АВЛОДНИ ЎҚИТИШДА АҲАМИЯТИ.....	94
23.Доцент Жамолов Марат Жамолович ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИНГ ЁШ АВЛОДНИ ЎҚИТИШДА АҲАМИЯТИ.....	98



ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ

СИЙOSIY PARTIYALAR - MAMLAKATIMIZDAGI MUHIM JARAYONLARNING ISHTIROKCHISI SIFATIDA

Madina Muhammadiyeva

**O'zbekiston Jurnalistika va ommaviy kommunikatsiyalar
universiteti magistranti.**

madina.mukhammadiyeva@mail.ru

Annotatsiya. Maqolada siyosiy partiyalarning mamlakatimizdagi muhim jarayonlarda ishtirokchi sifatida qanday ahamiyatga ega ekanligi tahlil qilindi. Partiyalar haqida nazariy ma'lumotlar, O'zbekistonda ilk partiyalarning tashkil etilishi atroflicha o'rganildi. Siyosatchi olimlarning siyosiy partiyalar haqidagi fikrlari tahlil qilindi. Siyosiy jarayonlar jadal tus olgan davrda siyosiy partiyalarning faoliyatidagi tub burilishlar, xalqqa yaqinlashish, ularning manfaatlarini himoya qilish uchun amalga oshirilayotgan tashabbuslardan misollar keltirib o'tildi.

Kalit so'zlar: fuqarolik jamiyati, demokratiya, institutsionalizatsiya darajasi, semi-prezidential tizim, yashash minimumi, virtual sayohat;

Fuqarolik jamiyatining eng muhim institutlaridan biri - siyosiy partiyalardir. Siyosiy partiyalar fuqarolik jamiyatining siyosiy tizim bilan o'zaro aloqalarning doimiyligini ta'minlaydi, davlat hokimiyatining jamiyatga bog'liqligi va uning jamiyat tomonidan nazorat qilinishi ko'p hollarda siyosiy partiyalar orqali amalga oshiriladi.

Partiyalar demokratik jamiyatning ajralmas qismi hisoblanadi. Biroq ularning soni, institutsionalizatsiya darajasi va strukturasi jihatdan turli mamlakatlarda turlicha farqlanadi. Markaziy Osiyoda ilk siyosiy uyushmalar XIX asrning oxiri XX asrning boshlarida tuzilgan bo'lib, ular "Milliy ittihad", "Yosh buxoroliklar", "Yosh xivaliklar" deb nomlangan va qatag'onga uchragan. Sho'rolar davrida esa kommunistik partiyadan boshqa partiya tuzish taqiqlangan. O'zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgandan so'ng siyosiy partiyalar shakllanishi va faoliyat olib borishiga imkoniyat yaratildi. 1988-yilda "Birlik" xalq harakati, 1990-yilda esa "Birlik" xalq harakatidan ajralib chiqqan "Erk" partiyasi Muhammad Solih yetakchiligida Adliya vazirligi ro'yxatidan o'tkazildi. 1991-yil 1-noyabrda Xalq demokratik partiyasi tashkil etildi. O'zbekiston "Adolat" partiyasi esa 1995-yil 18-fevralda tashkil topgan. Ko'ppartiyaviylik tamoyillariga asoslarga O'zbekistonda bundan tashqari "Milliy tiklanish" demokratik partiyasi va Tadbirkorlar va ishbilarmonlar harakati - O'zbekiston liberal demokratik partiyasi ham faoliyat yuritib kelmoqda. "Adolat" sotsial demokratik partiyasi 1995-yil 18-fevralda tuzilgan bo'lsa, O'zLiDeP 2003-yil 19-dekabrda O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi ro'yxatidan o'tkazilgan. O'zbekistonda yana bir nisbatan yosh partiya - Ekologik partiya 2019-yildan o'z faoliyati boshladi. 2019 yil 20-dekabrda saylovlar natijasiga ko'ra O'zLiDeP Oliy Majlisning qonunchilik palatasida eng ko'p o'rinni egallab turibdi. Markaziy Osiyo-Kavkaz instituti va Ipak Yo'li tadqiqotlar dasturiga ko'ra Antoni Boyer muallifligida chop etilgan kitobda O'zbekistondagi siyosiy partiyalarga quyidagicha ta'rif beriladi. "O'zbekiston siyosiy tizimi Markaziy Osiyodagi chegaradosh davlatlarga qaraganda anchayin statik va kam reformatsiyaga uchragan tizim hisoblanadi." Muallif Prezident Sh. Mirziyoyevning "Harakatlar strategiyasi"da Parlament



vakolatlarini kengaytirish, sog'lom raqobat va debatlarini kuchaytirish masalalariga alohida e'tibor qaratilganligini ta'kidlab o'tgan.

Partiyalar bugunga kelib anchayin faollashmoqda. Partiya a'zosi bo'lish yuqori mansab egasi degani emas, balki parlamentda xalqning bir vakili sifatida uning manfaatlarini himoya qiluvchi siyosiy kuch egasi demakdir. Partiya a'zolari xalq ichida yurib, ularni qiynayotgan muammolarga o'zlari guvoh bo'lishlari, mavjud muammolarni imkon qadar o'z joyida hal qilishlari zimmalaridagi eng katta vazifa hisoblanadi. Bugungi kunda jahon tajribasidan keng foydalanish uchun chet ellik hamkasblari bilan ham aloqalar o'rnatilmoqda, tajribalar almashinmoqda. Ularning o'z g'oya va dasturlarini amalga oshirishi, saylovlarda tenglik, ochiqlik va xolislik tamoyillari asosida faol ishtirok etib, parlament, mahalliy vakillik organlarida o'z fraksiyalari va partiyaviy guruhlarini shakllantirish hamda, respublika siyosiy-ijtimoiy hayotida faol ishtirok etish uchun barcha sharoitlar yaratilgan. "Har qanday siyosiy partiya zamon bilan hamnafas bo'lib, uning o'tkir talablariga javob bergan taqdirdagina siyosiy kuch sifatida yashay oladi." Masalan, Xalq demokratik partiyasi pensionerlar, kam ta'minlangan aholi qatlamlari manfaatlarining himoyachisi sifatida faoliyat yuritadi. Partiya a'zolari "Muruvvat", "Saxovat", "Mehribonlik" uylari faoliyatini yaxshilash bo'yicha amaliy harakatlarni amalga oshiryapti. Pensionerlarning aksariyat qismi nogironlar ekanligini hisobga olib, ularni protezlar, nogironlar aravachalari, zarur dori-darmonlar bilan taminlash uchun turli aksiyalar tashkil qilib, qariyalarning holidan xabardor bo'lib turishibdi. Dunyoning 185dan ortiq mamlakatlari karantinda bo'lib turgan ayni vaqtda, O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi ijtimoiy himoya tizimini qayta ko'rib chiqish zarur ekanligini ta'kidlamoqda. "Xususan, fraksiya Konstitutsiyamizda belgilangan "tirikchilik uchun zarur eng kam miqdor"ni belgilash, buning uchun "yashash minimumi" haqida qonun qabul qilish tashabbusi bilan chiqyapti. Ishlashiga qaramay ro'zg'or tebratishga qiynalayotgan, pensiya va nafaqa oluvchi yurtdoshlarimizning manfaatlarini himoyalashda, ehtiyojmandlik va kambag'allik chegarasini aniqlashda, bu boradagi yondoshuvni xalqaro me'yorlarga moslashtirishda ushbu qonun nihoyatda katta ahamiyatga ega bo'ladi." Milliy tiklanish partiyasi ham o'z elektorati oldida bergan va'dalarini bajarish uchun amaliy harakatlar qilmoqda. Jumladan, turizm sohasini rivojlantirish borasida mavjud muammolar o'z yechimini topmoqda. Yurtimizga keladigan sayyohlar uchun yaratilgan shart-sharoitlarni yanada yaxshilash, xizmat ko'rsatish sifatini yaxshilash uchun zarur chora-tadbirlarni kuchaytirmoqda. "Ayni paytdagi pandemiya sharoitini inobatga olgan holda, partiya turizm sohasida salbiy tasirni kamaytirish borasida qator chora-tadbirlar ishlab chiqmoqda. Yurtimizdagi tarixiy obyektlarga virtual sayohat qilish imkonini beruvchi loyihalar ustida ishlar jadallik bilan olib borilmoqda." "Adolat" sotsial demokratik partiyasi ijtimoiy adolat, ilm-fan, ta'lim-tarbiya va sog'liqni saqlash sohasida aholi manfaatlarini himoya qilish shiori ostida faoliyat olib boradi. Partiyaning "Shahar va qishloqda bir xil sharoit", "Vatan kelajagi yoshlar qo'lida", "Maktabda ijtimoiy tenglik masalalari" kabi loyihalaridan ko'zlangan maqsad har bir sohada samarali jamoatchilik va deputatlik nazoratini o'rnatishdan iboratdir. Tadbirkorlar va ishbiarmonlar harakati - O'zbekiston Liberal demokratik partiyasi aholi daromadlarini oshirish, turmush-tarzinini yaxshilash, tadbirkorlikni qo'llab quvvatlashni maqsad qilgan. Qishloq xo'jaligi sohasini rag'batlantirish, har bir oila bir qarich yerdan ham unumli foydalanishi uchun targ'ibot ishlari bilan bir qatorda aholiga amaliy yordam ham ko'rsatmoqda. "Xalq deputatlari Namangan viloyat Kengashi deputati Zokirjon Xodjayev ehtiyojmand oilalarga yerga ishlov berish, ekin ekish va parvarishlash bo'yicha yordam beryapti. Deputat ko'magida to'rtta xonadon egalariga muddatli to'lov asosida issiqxona o'rnatib berildi va shu orqali ularga o'z uylarida mehnat qilib, daromad topishlariga zamin yaratildi."

"Ko'p yillar davomida siyosiy partiyalar o'z elektoratiga bergan va'dalarini, saylovoldi dasturlarini samarali bajarmoqdalar, deb aytish qiyin. Ular hanuzgacha mamlakatimiz



ijtimoiy siyosiy hayotida, fuqarolar ongida o'zining mustahkam o'rnini egallay olmagan. Siyosiy partiyalar va Oliy Majlis Qonunchilik palatasi faoliyatida partiya fraksiyalari tomonidan ustuvor maqsad va vazifalarni amalga oshirishga qaratilgan aniq taklif va tashabbuslar sezilmayotgan edi." Hattoki, chet ellik siyosatchi olim va ekspertlar ham siyosiy partiyalarga anchayin zaif va "semi-prezidental" tizim sifatida baho berishgan.

"Yangi O'zbekiston"da Siyosiy partiyalar faoliyati qaytadan isloh qilinmoqda. Buning natijasini esayuvorida partiyalar faoliyatidan keltirgan namunalarimiz misolida ko'rish mumkin. Albatta, hali mavjud kamchiliklar to'la bartaraf etilgani yo'q. "Partiyalar 2019-yil dekabrda saylovga endi-endi harakat boshlaganini inobatga olsak, bu electoral siklda ko'proq yangiliklar bo'lishi uchun biroz vaqt kerak. 2024-yildagi parlament saylovlarigacha davlatchilik barqarorligini ta'minlaydigan, ijtimoiy ixtiloflarni madaniy yo'l bilan hal qilishga imkon beradigan qobil partiyaviy tizim tashkil topishi shart. Ungacha partiyalar o'zining asosiy vazifasi - vakillikni bajara oladigan darajaga yetishi kerak. Shu bilan birga, partiyalar O'zbekiston 30 yil, 50 yildan keyin qanday bo'lishi mumkinligi haqida tasavvurlarni ishlab chiqishlari zaruratga aylanadi."

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. A.C. Bowyer. Political Reform in Mirziyoyev's Uzbekistan: Elections, Political parties and Civil Society. www.silkroadstudies.org
2. F. Jo'raqulov. Xalq ichiga kirish vaqti kelmadimi? www.sof.uz
3. M. Qirg'izboyev. Fuqarolik jamiyati: nazariya va xorijiy tajriba. - Toshkent: Yangi asr avlodi, 2006.
4. <http://president.uz> Sh. Mirziyoyev. Siyosiy partiyalar demokratik jarayonlarning faol ishtirokchisiga aylanishi kerak. 2019.09.22
5. www.xdp.uz/uz/partiya-yangiliklari
6. www.mt.uz/uz/milliy-tiklanish-pandemiya-sharoitida
7. www.uzlidep.uz/news-of-party/6282
8. www.uzanalytics.com O'zbekistonda partiyaviy tizimni isloh qilishning konseptual tahlili. "Bilim karvoni" nodavlat ilmiy muassasasining 1-son tahliliy maruzasi 2019



ЁШЛАР ТАРБИЯСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Кадилова Умида Султонмурадовна
Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат бошқарув Академияси
тингловчиси
Umida@mail.ru12

Аннотация: Мақолада ёшлар тарбияси, оиладаги шахслараро муносабатлар, ота-онанинг вазифалари, фарзандлар бурчи ҳақида ибратли маслаҳат ва ўғитлар, комил инсон тарбияси, тарбиячи ва тарбияланувчининг масъулияти, тарбия, ахлоқ, одоб масалалари, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган панд-насихатлар ва уларнинг бугунги кундаги аҳамияти ҳусусида фикр юритилган.

Калит сўзлар: тарбия, ёшлар тарбияси, комил инсон, одоб-ахлоқ, ўз-ўзини тарбиялаш.

Тарбия жараёнининг жамият тараққиётидаги роли ниҳоятда беқиёсдир. Инсонни тарбиялаш, уни билим олишига, меҳнат қилишига ундаш ва бу ҳатти-ҳаракатини аста-секин кўникмага айлантириб бориш лозим. Инсонни мушоҳада қилиш қобилиятини тарбиялайди ва мушоҳада қилиш ақлни пешлайди. Ақл онгни сақлайди. Онг эса моддий ва маънавий манбага айланади. Шу тарзда инсон аста-секин такомиллашиб комилликка эришиб боради. Аммо бунинг учун тарбиячи ва тарбияланувчидан узок давом этадиган маъсулият, шарафли меҳнат ва қунт, иродани талаб этади. Бунинг учун болаларни ёш хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Маънавий, инсоний сифатларининг шаклланишида оиладаги, атрофдаги, жамиятдаги муҳит ва болаларга бўлган муносабат муҳим рол ўйнайди. Ота-оналаримиз ва атрофдагиларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларини кўрган бола шунга қараб шакллана боради. Улар аввал катталарга тақлид қиладилар. Сўнг аста-секин қилаётган ишларнинг моҳиятини англайдилар. Болаларни тўғри тарбиялашда ота-онанинг онги, маънавияти, билими тарбияланганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Педагогларнинг ҳулосасига кўра, инсоннинг қандай шахс бўлиб етишиши 15% ирсиятга, 40% муҳитга, 45% тарбиянинг таъсирига боғлиқ бўлар экан. Шу ўринда мулоҳаза қилинса, шукроналикка йўналтирилган фарзанд тарбиясини тўғри амалга ошириш учун ота-она оилада соғлом муҳит яратиши зарур. Ота-оналар ўз фарзандларига ҳар томонлама ўрнатилган бўлишлари катта аҳамиятга эгадир. Соҳибқирон Амир Темур ўзининг "Тузуқлар"ида: "Мен фарзанд тарбиялашда давлатни бошқаришдан кўра чуқурроқ мушоҳада, ундан ҳам чуқурроқ донишмандлик кераклиги ишонч ҳосил қилдим", - деб тарбиянинг муҳим ва мураккаблигини таъкидлаган.

Боланинг характерини, оиладаги тарбиясини, унинг ор-номусини, шарм-ҳаёси каби нозик туйғуларининг тарбияланганлик даражасини билмай туриб, бирданига жамоа орасида уялтириш, яхши ўйлаб кўрмаслик, ёки жahl устида тинимсиз калтаклаш мумкин эмас. Сизнинг танлаган жазо усулингиз ўқувчини ёки фарзандингизни қилган хатосини тушунишга, бошқа қилмаслигига тарбиявий сабоқ бўлиш керак. Агар бу жазо усуллари ўзининг самарасини бермаса, у ҳолатда эҳтиёткорлик билан мактаб маъмурияти ва жамоа ҳамкорлигида бошқа чораларни ишлаб чиқиши керак.

Бугунги кунда педагогика фани амалиёти ҳам такомиллашиб бормоқда. Шунингдек, тарбия жараёни ҳам замон талабига монанд такомиллашиб боради. Бошқарув органлари баркамол авлодни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида ягона



давлат сиёсатини амалга оширишлари, етилган масалаларни ўз вақтида ва ижобий ҳал этишлари, барча ўқув юртларининг иш савияси ҳозирги замон талабларига мувофиқ оширишларини таъминлашлари керак. Абу Наср Фаробий бобомиз ҳам бежизга "Ҳар кимки илм-ҳикматини ўрганаман деса, уни ёшлиқдан бошласин", деб таъкидлаб ўтмаган.

Таълим олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш таълим тизимини бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш фаолиятининг савиясига боғлиқ. Келажаги буюк жамиятнинг ривожланиш талабларидан келиб чиқиб, маорифнинг ўрни ва ролига янги авлодни тарбиялаш нуқтаи назаридан қараб, олий мажлис материалларида, президентимиз маърузаларида, махсус қарорларда раҳбарликнинг юқори илмий даражада амалга ошириш зарурлигига алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ўқув муассаса, микромуҳитидаги одатланмаган вазият, шахслараро муносабатлар ва муомала кўламининг кенгайиши ўзига хос типологик ақлий, ахлоқий, иродавий, ҳиссий хусусиятларини оқилона баҳолаш, қўйилаётган талабларга жавоб бериш тариқасида ёндашиш, ўз-ўзини англашини жадаллаштиради. Ўспирин ўқувчиларининг ўз-ўзини англашга алоқадор ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар даставвал ўзларининг кучли ва заиф жihatларини, ютуқ ва камчиликларини аниқроқ баҳолаш имкониятига эга бўладилар.

Ўспирин ўқувчининг ўсмирлик давридаги боладан ўзгачароқ яна бир хусусияти - бу, мураккаб шахслараро муносабатларда акс этувчи бурч, виждон ҳиссини англаш, ўз қадр-қимматани эъозлаши, сезиш ва фаҳмлашга кўпроқ мойиллигидир. Ўспирин ўқувчида ўзини англаши негизида ўзини тарбиялаш истаги туғилади. Натижада унда ўз-ўзини тарбиялаш воситаларини саралаш, уларни кундалик турмушга тадбиқ қилиб кўриш эҳтиёжи вужудга келади. Лекин, ўз-ўзини тарбиялаш жараёни ўспирин руҳиятидаги мавжуд нуқсонларга барҳам бериш, ижобий хислатларни шакллантириш билан кифояланиб қолмасдан, балки вояга етган кишиларга хос кўпқиррали умумлашган идеалга мос равишда таркиб топтиришга йўналтирилган бўлади. Ўқувчилар ўзида шахснинг энг қимматли фазилатларини, ўқув ва меҳнат малакаларини онгли, режали, тартибли, изчил ва мунтазам равишда эгаллаб боришга, шахснинг яна бир фазилатлари ва хислатларини ҳосил қилишга ҳаракат қиладилар. Ўз-ўзини тарбиялаш муаммоларини, яхлит маънавий-рухий қиёфалаш шакллантиришга интиладилар. Ўспирин ўқувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялаш жараёни. Ўқув муассаса, жамоат ташкилотлари, педагоглар жамоасининг таъсири доирасида бўлмоғи шарт. Токи ўз-ўзини тарбиялашнинг, такомиллаштириши жамоада муносиб ўрин эгаллашга, ижтимоий бурчни англаш, фойдали меҳнатга жалб этиш ишига хизмат қилсин. Ўз-ўзини тарбиялаш тўғри, изга солиб юбориш учун уйғун бирликни ташкил этган тарбиявий чора-тадбирлар мажмуаси тарзида таъсир жамоа мажбурияти, ўзаро ёрдам ва назорат қилиш, ўзаро ва танқид қилиш кабилар мақсадга мувофиқдир. Тарбия ҳақида халқимизнинг "Бир ўғилни тарбияласангиз, бир инсонни, бир қизни яхши тарбияласангиз бир миллатни яхши тарбиялаган бўласиз", деган ҳаётий ҳақиқати ҳам халқимиз ичида машҳур. Шундай экан барча фарзандларимизни тарбиясига алоҳида эътибор берайлик.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бошқарув ҳикмати. "Таълим" нашриёти. Тошкент, 2018.
2. Ш.Содиқова. "Ёшларни ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда кексаларнинг ўрни". Тошкент, 2016.
3. Амир Темури Қўрагон. "Темури Тузуқлари", Тошкент, 2019.



КОРРУПЦИЯ - ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА САЛБИЙ ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛ

Ташпўлат Матибаев

Социология фанлари доктори, профессор,

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаш депутаты

+998977217977

Аннотация. Мақолада батафсил коррупция ҳақида маълумот берилган. Шу билан бир қаторда коррупцияга қарши курашишда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ҳодимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбияни кучайтириш тугрисида гапирилади.

Калит сўзлар: Коррупция, жамият тараққиёти, инсонлар ҳуқуқлари, дастур, салбий таъсир, омил, миллий қонунчилик.

Коррупция инсонлар ҳуқуқларининг бузилишига, яшаш сифатининг ёмонлашувига, соф бозор механизмларининг бузилишига олиб келади, демократик тамойиллар ва ҳуқуқий тартиботни зайифлаштиради, халқаро хавфсизликнинг уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа таҳдидларига кўмаклашади. Бугунги кунда ушбу хавфли ҳодиса жаҳоннинг барча - катта ва кичик, бой ва камбағал давлатларини ташвишга солиб келаётган глобал муаммодир. БМТ Тараққиёт дастури маълумотларига кўра, ҳозирда дунё иқтисодиёти айнан коррупция туфайлигина йилига 2,6 триллион доллардан ортиқ маблағни йўқотмоқда. Шу туфайли ҳам БМТ жамият тараққиётининг энг хавфли кушандасига айланган бу иллатга қарши фақатгина биргаликда кураш олиб борилгандагина кутилган натижага эришиш мумкинлигини баралла қайд этмоқда. Зеро, давлатларнинг сиёсий тузилиши, иқтисодий-ижтимоий ривожланиш даражасидан қатъи назар, коррупция бутун дунёнинг кенг кўламли долзарб муаммоларидан бирига айланиб улгурди.

Хўш, коррупция ўзи нима? Этимологик жиҳатдан "коррупция" сўзи латин тилидаги "corruptio" сўзидан олинган бўлиб, мазмунига кўра "бузиш, сотиб олиш" маъноларини беради ва унинг грамматик жиҳатдан яна бир маъноси "коррозия" яъни "чириш" ёки "занглаш" деган мазмунни англатади. Шундан келиб чиқиб, бу сўзни жамиятга таъсири сифатида "ҳокимиятни бузиш орқали сотиб олиш" маъносида ҳам тушиниш мумкин. Ҳуқуқшунос тадқиқотчилар коррупцияни "ўз ваколати билан савдо қилиш" ёки "мансабфурушлик" деб тарифлайдилар ва унинг оқибатида давлатнинг бошқарув тизими таназзулга учраб, ҳокимият органлари жинойи гуруҳлар назорати остига тушиши мумкин, деб ҳисоблайдилар.

Миллий қонунчилигимизда мазкур атаманинг аниқ ҳуқуқий таърифи мавжуд бўлмаса-да, қонунларимизда коррупцияга мос келувчи хатти-ҳаракатга оид тушунчалар киритиб ўтилган. Асосий Қонуниimizнинг 2, 15, 30, 44 ва 58-моддаларида коррупцион ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий меъёрлар белгиланган. Масалан, Конституциянинг 2-моддасида "...мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъулдир", 15-моддасида "Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар", 44-моддасида "Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади" каби ҳуқуқий нормалар



белгилаб қатъий белгилаб ўтилган. Шунингдек, Ўзбекистон 2008 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган "Коррупцияга қарши курашиш конвенцияси"ни ратификация қилган.

Коррупция тушунчасининг ҳуқуқий жиҳатдан тарифланиши 2017 йил 3 январиди қабул қилинган "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунда ҳам алоҳида изоҳлаб ўтилганлигини айтиб ўтиш зарур. Унда, "Коррупция - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш" , дея тариф бериб ўтилган. Бундан ташқари, Қонунда коррупция ҳаракати билан боғлиқ ҳолда кузатилувчи "коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик" , "манфаатлар тўқнашуви" каби тушунчалар ҳам бериб ўтилган.

Халқаро ҳуқуқнинг айрим манбаларида хусусан, Коррупция муаммолари бўйича Европа Кенгаши Гуруҳларининг 1-сессиясида "коррупция"га шундай таъриф берилган: "Коррупция - пора олиш (ўзига оғдириш), давлат ёки хусусий соҳада муайян ваколатга эга бўлган шахс, мансабдор шахснинг ёки хусусий соҳада фаолият юритадиган шахс ёки мустақил агентнинг ўз мансаб вазифасидан ёки шунга ўхшаш муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларини бузадиган шунингдек ўзи ёхуд ўзга шахслар манфаати учун ҳар қандай шаклдаги афзалликларга эга бўлиш мақсадида ифодаланган хатти-ҳаракат" .

Юқоридаги тариф ва таснифлардан келиб чиқиб, демак, коррупция - амалдаги ҳокимиятнинг обрўсизланишига, жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий тизимига путур етишига, натижада давлатга нисбатан норозиликнинг шаклланишига сабаб бўлади. Бошқача айтганда, жамиятда коррупциянинг ривожланиши ўша давлатнинг, энг аввало маънавий таназзулига олиб келади. Айни пайтда глобаллашув давридаги воқеликлар, хусусан, баъзи янги мустақил давлатларда юз бераётган сиёсий силсилалар коррупция миллий хавфсизликка ҳам жиддий таҳдид солаётгани яққол намоён бўлмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 7 февралда билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" да мамлакатимизда коррупцияга қарши курашни самарали ташкил этиш бўйича вазифалар аниқ қилиб белгилаб қўйилди. Ҳаракатлар стратегиясининг 2-йўналиши қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш вазифаларини ўз ичига олиб, унинг 4-бандида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш вазифалари белгилаб ўтилган. Хусусан, унда коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш тизимини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Бундай комплекс чора-тадбирлар қисқа фурсат ичида ўз самарасини бермоқда.

Бу борада давлатимиз раҳбари ўзининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам алоҳида тўхталиб "...шу йилнинг 9 ойида коррупция билан боғлиқ жиноятлар ўтган йилга нисбатан 33 фоизга камайди. Биз бундай натижаларни коррупцияга қарши кураш борасидаги узоқ ва давомли фаолиятимизнинг дастлабки самараси, деб қабул қилишимиз, бу йўлда янада қатъий иш олиб боришимиз шарт" деган эди.

Албатта, коррупциянинг вужудга келиш, умумий жиҳатлари, ўхшашликлари ва ривожланиш сабаблари турли мамлакатларда тарихий босқич ва ижтимоий-иқтисодий эврилишлар даражасига мутаносиб равишда турлича бўлиши мумкин.



Шу сабабли коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам беришнинг ҳаммабоп, яъни ягона йўриқномаси мавжуд эмаслиги боис унга қарши универсал маъмурий-ҳуқуқий воситаларини ишлаб чиқиш амалда мураккаб масала.

Дарҳақиқат, агар коррупция соф иқтисодий ҳодиса бўлганида эди, дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари бу иллатдан буткул холи бўларди. Ваҳоланки, жаҳоннинг етакчи илмий тадқиқот марказлари ҳамда Жаҳон банки маълумотларига қараганда, коррупция даражаси Италияда 57, Грецияда 31, АҚШда - 26, Японияда - 24, Буюк Британияда - 22, Германияда - 21, Канадада эса 19 фоизни ташкил этади. Эътиборли жиҳати бу борадаги кўрсаткичнинг энг қуйи даражаси билан Дания, Швеция, Финляндияда 8 фоизни, энг юқори даражаси - 92 фоиз билан Сомали, Жанубий Судан ташкил этипти. БМТ Тараққиёт дастури жаҳон иқтисодиёти айнан коррупция ҳолатлари туфайли йилига 2,6 триллион доллар маблағйўқотаётганини, жамият тараққиётининг энг хавfli кўшандасига айланган бу иллатга қарши фақат биргаликда кураш олиб боришгина кутилган самарани келтиришини бот-бот таъкидлаётгани ҳам бежиз эмас.

МДХ мамлакатларида ҳам коррупция даражаси жуда юқори. Шу сабабли ҳам 2010 йили Россия Федерациясида "Коррупция - биринчи рақамли душман", деб эълон қилинган. Масалага бундай кескин ёндашув бежиз эмас, албатта. Бир гуруҳ тадқиқотчиларнинг фикрича, МДХга аъзо давлатларнинг бозор иқтисодиётига ўтиш даврида коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг келиб чиқишига асосан иқтисодий соҳадаги қуйидаги омиллар сабаб бўлди:

биринчидан, давлат бошқарув органлари мансабдор шахсларида даромад декларациясининг йўқлиги, уларнинг коррупция йўли билан топилган маблағларини ўзганинг номидан банкка қўйиб, юқори фоизлар асосида жамғармаларни кўпайтириб олишга имкон берди;

иккинчидан, давлат бюджетини тўлдириш ва бюджет маблағларини тақсимлаш жараёни устидан жамоатчилик назоратининг йўқлиги давлат бошқарув органлари хизматчилари томонидан мансаб ваколатларини суистеъмол қилиб, ундан порахўрлик мақсадларида фойдаланилишига олиб келди;

учинчидан, экспорт ёки импорт операцияларининг бажарилиши тизимли равишда йўлга қўйилмаганлиги сабабли ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширувчи давлат бошқаруви органларида коррупциянинг кучайишига имкон яратиб берди;

тўртинчидан, хўжалик юритувчи субъектларга кўплаб имтиёзлар берилиши давлат бошқарув органлари масъулларининг коррупция мақсадларида фойдаланишида қўл келди;

бешинчидан, тижорат банкларидаги мансабдорларнинг коррупционер кимсалар билан ўзаро ҳамкорлик қилиши давлат бошқарув органларидаги маъсул шахслар томонидан имтиёзли кредитларни олиш вақтида хизмат ваколатидан фойдаланиб, сунъий босим ўтказиш орқали кўшимча имкониятларга эга бўлишига олиб келди;

олтинчидан, давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнининг етарли даражада назоратга олинмаганлиги, мансабдор шахслар томонидан давлат мулканинг паст нархларда ўзаро келишув асосида баҳолаб сотилиши, ишончли шахслар орқали давлат мулки объектларининг ўзлаштириб олинишига олиб келди;

еттинчидан, давлат томонидан қабул қилинган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупция ҳолатининг олдини олиш бўйича тегишли моддаларнинг мавжуд эмаслиги.

Шубҳасиз, агар коррупция илллати соф ҳуқуқий ҳодиса бўлганида эди, унга қарши қонун-қоидаларни кўпайтириш ва жазо чораларини кучайтириш орқали уни мағлуб этиш мумкин бўларди. Дейлик, Хитойда коррупция жиноятини содир



этганлик учун ўлим жазоси белгиланган. Аммо шунга қарамай, бу иллатнинг илдизи буткул йўқ бўлмаябди.

Зеро, ҳар қандай мамлакатда коррупцияга қарши кураш ва унинг жамиятдаги салбий оқибатларининг олдини олиш долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Айниқса, давлат бошқарув органларининг самарали ва натижали фаолият юритиши учун қонун устуворлиги тамойилига амал қилиниши шахс, жамият ва давлатнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини амалга оширилишини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Жаҳон мамлакатлари ва нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан коррупцияга қарши курашиш мақсадида кўплаб конвенция, пактлар ва бошқа турдаги халқаро ҳужжатлар қабул қилиниб келинмоқда. Дунё миқёсида қуйидаги коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим:

- БМТнинг "Коррупцияга қарши курашиш Конвенцияси";
- Европа Иттифоқининг "Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенцияси";
- Европа Иттифоқининг "Коррупция учун фуқаровий жавобгарлик тўғрисида"ги Конвенцияси;
- Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида "Коррупцияга қарши сиёсатнинг қонунчилик асослари тўғрисида"ги модел қонуни;
- "Осиё Тараққиёт Банки ва Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки Осиё ва Тинч океани коррупцияга қарши ҳаракат дастури".

Жумладан, БМТнинг Конвенция лойиҳаси икки йил давомида 130 дан ортиқ давлат иштирокида муҳокама этилиб 2003 йил 9 декабрда қабул қилинган асосий халқаро ҳужжат ҳисобланади. 2004 йилдан бошлаб эса, "9 декабрь - Халқаро коррупцияга қарши кураш кунини" сифатида нишонланиб келинмоқда. Ўзбекистон ушбу Конвенциясига 2008 йил 28 августдан эътиборан қўшилган.

Ўша даврда БМТ Бош котиби сифатида фаолият юритган Кофи Аннан мазкур конвенция муқаддимасида қуйидаги фикрни билдирганди: "Коррупция - бу жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган даҳшатли иллатдир. У демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказиб, инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келади, бозорлар фаолиятига тўсқинлик қилади, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради ва одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдиз отиб, гуллаши учун шароит яратиб беради"

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши Конвенциясининг қабул қилиниши халқаро ҳамжамият коррупциянинг олдини олиш ва илдизини қуритишга дадиллик билан киришаётганлигини яққол акс эттиради. Мазкур Конвенция коррупция билан шуғулланган шахслар жамият ишончини оқламасалар, бундан кейин уларнинг кирдикорларига ҳеч ким чидаб турмаслиги ҳақида қатъий огоҳлантиради. Конвенция ривожланишга қўмаклашишда ҳамда халқларнинг фаровонлиги учун ҳалоллик, ҳуқуқ устуворлигини ҳурмат қилиш, ошкоралик каби фазилатлар муҳим аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайди".

Дарҳақиқат бундай зарарли ҳодиса барча давлатларда учрайди, лекин, айниқса, ривожланаётган мамлакатларга катта иқтисодий зарар етказди. Коррупция айнан ижтимоий муҳтож оилаларга номутаносиб даражада катта зарар етказиб, уларда давлат ижросига нисбатан ишончсизлик пайдо бўлади. Натижада ушбу оилаларнинг иқтисодий ривожланиши учун мўлжаллаган маблағларисарф - харажат этилмайди. Бу ўз навбатида, давлатнинг асосий хизматларини кўрсатиш имкониятидан маҳрум этиб, тенгсизлик ва ижтимоий адолатсизликни



шакллантиради ҳамда хорижий инвестициялар оқимларининг кириб келишида суний тўсқинлик қилади.

Айни пайтда коррупцияга қарши изчил кураш олиб боришда иқтисодий-сиёсий, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш долзарб аҳамият касб этади. Жумладан, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли тизимли ислоҳотлар жамиятда қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлиб, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди. Бироқ, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмайди. Чунончи шахс ҳамда жамият манфаатларини янада самаралироқ ҳимоя қилиш, коррупциянинг олдини олишнинг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш эҳтиёжини вужудга келтирди. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек "Жамиятимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо, албатта, муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўришимиз зарур".

Шак-шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 3 январда тасдиқланган "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунда бу иллатга қарши курашнинг ҳуқуқий механизми яратилган бўлиб, унда давлат ва жамият тақдири, халқ келажагига, қолаверса, ҳар бир фуқарога дахлдор бўлган ҳуқуқий-норматив муҳим ҳужжатдир. Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш асносида, 2017 йилдан бошлаб юртимизда коррупцияга қарши курашнинг сифат жиҳатдан янги босқич бошлаб берилди. Турли жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаб, уларни бартараф этиш жараёнлари бошланди. Бундан ташқари, Президентимизнинг 2017 йил 2 февралдаги "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" Қарори билан 51 банддан иборат "2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури"нинг қабул қилиниши ҳам фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириб, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашдаги фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қилмоқда. Ушбу Қонун асосида Республикаимизда коррупцияга қарши кураш идоралараро комиссиясининг ташкил этилиши натижасида коррупцияга қарши кураш тизимидаги бир-бирининг функциясини такрорлаш ва бир-бирига ҳалал бериш каби салбий ҳодисаларга барҳам бериш кўзда тутилган.

Албатта, давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан кучли жамоатчилик назоратини амалга ошириш фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Чунки, айнан фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга бефарқ ёки лоқайд эмаслиги ҳамда ҳар бир давлат хизматчисининг ўз фаолиятининг жамоатчилик назорати остида эканлигини чуқур ҳис этиб бориши демократик-ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг муҳим шартидир.

Шу билан бир қаторда коррупцияга қарши курашишда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ҳодимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбияни кучайтириш давр талабидир. Зеро, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданияти етук бўлган фуқаролар коррупцияга йўл қўймайдилар.

Шу сабабли ҳам биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, яъни, унинг



хуқуқ-тартибот идоралари устидан ҳам жамият, жумладан, сиёсий партиялар ва депутатлар назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Ана шунда коррупцияга қарши кураш изчил ва тизимли равишда амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси / 2017 йил 7 декабрь - www.president.uz (<http://prezident.uz/uz/lists/view/1328>).

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: "Ўзбекистон", 2017. - 80 бет.

3. Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда.

4. Карагодина Н. Мировой опыт борьбы с коррупцией // Экономика и жизнь. 1993. №2. -С.256.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги № ПФ-4947-сонли Фармони // "Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг"нинг веб-сайти - www.lex.uz.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси: 2017 йил 22 декабрь. - Т.: "Ўзбекистон", 2018. - 22 бет.

7. Бегматов А.С. Коррупция - ижтимоий хавфсизликка таҳдид. - Т.: "Tugon zamin ziyo" нашриёти, 2016. - 56 бет.

8. Сулакшин С.С.-руководитель, В.Э. Багдасарян., М.В. Вилисов., Ю.А. Зачесова., Н.К. Пак., О.А. Середкина., А.Н. Чирва., Государственная политика противодействия коррупции и теневой экономике в России // "Материалы Всероссийской научной конференции". Москва, 6 июня 2007 г. - М.: Научный эксперт, 2007.

9. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида"ги Қонуни, "Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг"нинг веб-сайти - www.lex.uz.

10. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Коррупцияга қарши конвенцияси".-Нью-Йорк, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси, 2004. - 3 бет.

11. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз / Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ / Ш.М. Мирзиёев. - Т.: "Ўзбекистон", 2016. - 56 бет.



ТОШКЕНТ ШАҲРИДА "АҚЛЛИ ТРАНСПОРТ" ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Муротов Акбар Жамолович

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги

Давлат бошқаруви академияси тингловчиси

+998 90 9802890

murotov87@mail.ru

Анотация. Мазкур мақолада Тошкент шаҳрида "ақлли транспорт" тизимини жорий қилишнинг илмий-назарий асослари ва ташкилий-ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган. Шунингдек, Тошкент шаҳрида транспорт коммуникациялар билан боғлиқ муаммолар ўрганилиб, Тошкент шаҳри бўйича "Ақлли шаҳар" технологиясини жорий этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар. Транспорт соҳасида давлат бошқаруви, "ақлли транспорт", транспорт инфраструктураси, "ақлли шаҳар", жамоат транспортини бошқариш самарадорлиги, транспорт оқимини оптималлаштириш.

Маълумки, мамлакатлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий омилларидан бир бўлган транспорт инфраструктурасини ривожлантириш, ҳар бир давлатнинг барқарор ривожланишида катта аҳамият касб этади. Шу боисдан транспорт ва транспорт коммуникациялари халқ хўжалиги мажмуасининг ажралмас бир қисми бўлиб, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар, шунингдек, мамлакатлар ва қитъалар ўртасидаги муносабатларни таъминлаш каби ижтимоий ва стратегик функцияни бажаради. Иқтисодиётни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ва амалга оширилаётган ислохотлар республиканинг географик жойлашувини инобатга олган ҳолда транспорт хизматларининг сифатлилиги ва оммабоплигини таъминлашга йўналтирилган ягона транспорт сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, соҳани бошқаришнинг замонавий технологиялари ва интеллектуал тизимларини жорий этишда алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун, аввало, миллий транспорт тизимини шакллантириш ва жаҳон транспорт тизимига интеграциялашув каби мураккаб жараённи келтириб чиқармоқда. Бу борада Ўзбекистон истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб, миллий транспорт тизимини шакллантириш мақсадида қатор транспорт лойиҳаларини ишлаб чиққан бўлиб, улар асосан мамлакатларнинг транспорт стратегиялари доирасида амалга оширилиб келинмоқда. Бироқ, Ўзбекистоннинг, шу жумладан Тошкент шаҳрининг географик жойлашуви, иқтисодий имкониятлари ва транспорт - транзит салоҳиятининг ранг-баранглиги амалга оширилаётган транспорт стратегияларида, хусусан, мавжуд транспорт коммуникацияларидан фойдаланиш бўйича турли номувофиқликлар келтириб чиқармоқда. Шу сабабли биринчи навбатда Тошкент шаҳрида "Ақлли транспорт" тизимини шакллантириш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда транспорт коммуникациялари соҳасини ривожлантириш, ташишларнинг юқори даражадаги хавфсизлигини таъминлаш, транспорт соҳасидаги бошқарув тизимини такомиллаштириш, соҳа учун малакали мутахассисларни тайёрлашга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ҳар бир давлатнинг иқтисодий ривожланишини ташкил этувчи транспорт тизими муҳим масала ҳисобланади. Шу боис "ақлли транспорт" тизимини жорий қилишнинг



илмий-назарий асослари қатор мамлакатларда мутахассислар томонидан мунтазам равишда тадқиқ этилиб келувчи масалалар сирасига киради.

Ушбу муаммо билан у ёки бу даражада шуғулланган Ўзбекистонлик тадқиқотчилар қаторига У.Мавлонов, К.У.Ульджабоев, Р.С.Мирзаев, З.К.Ахмаджонов, Я.К.Караева, Ж.Ю.Артиков, А.Ходжаев, Г.И.Каримова, У.Хасанов С.Примбетов, Г.А.Саматов, И.Т.Акбаров ва бошқаларни келтириш мумкин 1 .

Марказий Осиё минтақасидаги транспорт коммуникация тизими бўйича илмий ва амалий тадқиқот ишларини олиб борган хорижий мутахассислар қаторига Т.Станкович, А.Г.Гранберг, Ж.К. Курганбаев, А.Колесноков, М.Татеринко, Ч.Сяньпин, М.С.Рой, А.Ш.Хасажа, О.Строков, Г.И.Чуфриним, В.Смилов, С.Д.Примбетов, Г.Керали, Г.Г.Рахматулина, Т.С.Дыйканбаев, М.А.Олимов каби мутахассислар ва бошқа олимлар ўрганган 2 .

Мазкур тадқиқотчилар томонидан ўрганиб чиқилган илмий ишлар муаммонинг айрим жиҳатларини тадқиқот объект сифатида ўрганилганлиги боис уларнинг ишларида кескин фарқлар мавжуд.

Тошкент шаҳрида "ақлли транспорт" тизимини жорий қилиш муаммолари тизимли таҳлил қилиш бўйича алоҳида илмий тадқиқот мавжуд эмас. Шу боисдан мазкур мавзуга оид манба ва адабиётларни икки гуруҳга ажратиб ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Биринчи гуруҳда республикамизда чоп этилган манба ва адабиётлар бўлса, иккинчи гуруҳга эса хорижий мамлакатларда чоп этилган (рус ва инглиз тилидаги) манба ва адабиётлар киритилади.

Биринчи гуруҳда республикамиздаги тадқиқотчилар томонидан транспорт-коммуникацион тизимларни иқтисодиётда тутган ўрнини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқот ишларини: транспорт-коммуникацион тизимларнинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатларини ўрганиш бўйича Н.Каттаев, Н.Сафаров, Т.Қодиров, Ж.Артиқов, У.Адилов, Б.Эргашевларнинг, мазкур соҳадаги иқтисодий хавфсизлик муаммоларини эса А.Ишмухамедов ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлари, монография, асарлари ва илмий мақолаларини киритиш мумкин 3 .

Иккинчи гуруҳга ривожланган хорижий мамлакатлардаги транспорт-коммуникацион тизимларни ривожлантиришнинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатлари, транспорт йўлаklarини ривожлантиришга оид чоп этилган манба ва адабиётларга Ю.Ф.Голиусов, В.В.Можарова, М.Л.Faye, J.W.Mcarthur, J.D.Sachs ва Т.Snow. Соҳадаги иқтисодий хавфсизлик муаммоларини эса В.К.Сенчагов, Д.В.Гордиенко, М.Н.Лепешкина, В.В.Можарова ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларини киритиш мумкин 4 .

Республикамиз тадқиқотчилари тарафидан ёзилган илмий иш ва асарлар Ўзбекистон транспорт салоҳиятини қисман у ёки бу жиҳатларини, яъни масалан ҳуқуқшунослар ҳуқуқий жиҳатларини, иқтисодчилар иқтисодий жиҳатларини ёритиб берадилар.

Хорижлик мутахассислар эса Ўзбекистон транспорт салоҳиятига баҳо берар эканлар ўзларининг манфаатларидан келиб чиқадилар ва аксар ҳолларда уларнинг ёндашувларини ҳолисона деб бўлмайд.

Шунинг учун ҳам барча транспорт воситалари ва инфратузилма тизимининг бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги тўғрисидаги комплекс технологик ечимларни ўзида мужжасам этган "Ақлли транспорт" тизимни Тошкент шаҳри мисолида тадқиқ этиш долзарб вазибалардан бири ҳисобланади.

Ўтказилган тадқиқотларга таянадиган бўлсак, "интеллектуал транспорт тизими (ИТТ, инглизча intelligent transportation system)-бу мураккаб муҳандислик тузилма бўлиб, транспорт тизимларини моделлаштириш ва транспорт оқимини бошқаришда



инновацион ёндошув ҳисобланади. ИТТ транспорт тармоғидан максимал фойдаланишни, транспорт жараёни самарадорлиги ва хавфсизлигини оширишни, транспортдан фойдаланувчилар ва ҳайдовчилар учун қулайлик даражасини яхшилашни ҳамда шошилиш тиббий ёрдамга тезкор муурожаатни таъминлайди. Натижада истеъмолчиларга катта ҳажмда ахборотчанлик ва хавфсизлик тақдим этилади, ҳамда ҳаракат иштирокчиларининг ўзаро таъсир даражаси сифатини ошириш имконини беради. Америка Қўшма Штатлари, Япония, Германия, Франция, Хитой каби ривожланган мамлакатларда бундан 20-30 йил аввал транспортни бошқаришда мазкур технологиялардан кенг фойдаланилган" 5 .

Мамлакатимизда сўнги йилларда "Ақлли" шаҳар транспорт тизимининг ривожланиши, шунингдек, янги транспорт турлари ва транспортларга хизмат кўрсатиш жойлари, трафикни бошқариш ва назорат қилиш, энг мақбул йўлни ҳисоблаш учун турли иловаларнинг пайдо бўлиши транспортлар ҳаракати жараёнини ва унга мослашувчанлик ҳолатини яхшилади ҳамда масофани ўтишга кетадиган вақтни қисқартириш қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Шунингдек соҳани тартибга солишга қратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Жумладан, транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида 19 та (Ўзбекистон Республикаси Президенти қарор ва фармонлари - 6 та , Вазирлар Маҳкамаси қарорлари - 9 та ва идоравий ҳужжатлар - 4 та) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, тасдиқланиши таъминланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 мартдаги "Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 129-сон қарори, 2018 йил 9 июндаги "Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортини бошқариш тизимини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги 434-сон қарори, 2019 йил 17 сентябрдаги "Тошкент шаҳар йўловчи ташиш транспорти ташкилотларини молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 777-сон қарори, 2019 йил 25 ноябрдаги "Умумий фойдаланиладиган транспортда йўловчи ташишда йўлқира ҳақини тўлашнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш тўғрисида"ги 948-сон қарори, 2020 йил 16 мартдаги "Тошкент шаҳар йўловчи транспорти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 157-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги "Автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3589-сон қарори, 2019 йил 1 февралдаги "Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5647-сон фармони, 2019 йил 1 февралдаги "Ўзбекистон республикаси транспорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-4143-сон қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5647-сон Фармони ва "Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" 2019 йил 1 февралдаги ПҚ-4143-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент шаҳар йўловчилар транспортини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида" 1992 йил 4 июндаги ПФ-425-сонли Фармонига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорти корхоналари давлат уюшмаси ("Тошшаҳарйўловчитранс") фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" 1992 йил 5 июндаги 266-сонли қарорига асосан ташкил қилинди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги" 2003 йил 22 декабрдаги ПФ-3366-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Тошшаҳарйўловчитранс" давлат уюшмасини "Тошшаҳарйўловчитранс" акциядорлик компаниясига айлантириш тўғрисида" 2004 йил 11 июндаги 277-сонли қарорига мувофиқ "Тошшаҳарйўловчитранс" давлат уюшмаси "Тошшаҳарйўловчитранс" акциядорлик компаниясига айлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент шаҳрида йўловчи транспотини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида 2006 йил" 11 январдаги ПФ - 3713 Фармони "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг йўловчи транспорти барча турлари ҳаракатини лисензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" 2006 йил 18 январдаги ПҚ - 262 - сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини тизимини янада такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида" 2006 йил 31 январдаги 11 - сонли қарори билан "Тошшаҳарйўловчитранс" акциядорлик компанияси тугатилиб, унинг негизида "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмаси тузилди ва 2006 йил 20 февралда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилди (қайд этиш гувоҳномаси №32). Юқорида айtilган меъерий ҳужжатларга биноан "Тошавтобустранс", "Тошпассремсервис" акциядорлик компаниялари ва "Тошелектротранс" давлат компанияси ташкил этилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда "Ақлли шаҳар" инновацион технологияларини жорий этишнинг бошланғич босқичи давом этмоқда. "Ақлли шаҳар" технологияларини жорий этиш бўйича Тошкент шаҳрида "Хавфсиз шаҳар", "Ақлли ҳисоблагичлар", "Ақлли транспорт", "Ақлли тиббиёт" йўналишлари бўйича дастлабки синов лойиҳаларини режалаштириш ва амалга ошириш йўлга қўйилмоқда. Нурафшон шаҳрида замонавий шаҳар инфратузилмасини жорий этиш бўйича кенг қамровли ишлар билан бирга "Tashkent City" ва "Delta City" лойиҳалари доирасида замонавий шаҳарсозлик инфратузилмасини жорий этиш бўйича комплекс ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 январдаги "Ўзбекистон республикасида "ақлли шаҳар" технологияларини жорий этиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги 48-сон қарори асосида Ўзбекистон Республикасида "Ақлли шаҳар" технологияларини жорий этиш концепцияси қабул қилинди.

Концепцияни инновацион барқарор ривожлантириш мақсадларида амалга ошириш учун қуйидаги 4 босқичли моделдан фойдаланиш тавсия этилади:

1-босқич: 2019 - 2021 йиллар - базавий линияни аниқлаш - ҳудуднинг профилини шакллантириш, мавжуд инфратузилмани баҳолаш, ривожланиш индикаторларини аниқлаш, мавжуд активлар, мавжуд муаммолар ва эришилган муваффақиятларни таҳлил қилиш;

2-босқич: 2022 - 2024 йиллар - "Ақлли шаҳар" Концепциясини жорий қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш - манфаатдор томонларни жалб қилиш, тadbирлар йўналишлари ва режаларни аниқлаш, хатарларни баҳолаш, молиявий стратегияни шакллантириш, мақсад ва самарадорликнинг асосий кўрсаткичларини белгилаш;

3-босқич: 2025 - 2027 йиллар - батафсил режалаштириш - бюджетлаштириш, самарадорлик истиқболлари, автоматлаштириш имкониятларини аниқлаш ва ахборот тизимларини жорий қилиш;

4-босқич: 2027 - 2030 йиллар - самарадорликни амалга ошириш ва баҳолаш - биргаликда (барча манфаатдор томонлар билан бирга) жорий қилиш,



самарадорликни мониторинг қилиш, баҳолаш ва қайта баҳолаш (трендлар, инвестиция параметрларини таҳлил қилиш), жойлаштиришни таъминлаш (кенгайтириш) 6 .

Тошкент шаҳрида транспорт коммуникациялар билан боғлиқ муаммолар бири сифатида транспорт оқимларини бошқариш, жамоат транспортини бошқариш самарадорлиги ва хавфсизлиги, транспорт оқимини оптималлаштириш ва экологик йўқотишларни камайтириш тизимларини ташкил этишни алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур муаммони ҳал этишда биринчи навбатда Тошкент шаҳри бўйича "Ақлли шаҳар" технологиясини жорий этиш доирасида транспорт ҳаракатини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

Иккинчидан, транспорт оқимларини ва интеллектуал транспорт-логистика тизимларини бошқариш тизимларини ташкил этиш, жамоат транспортини бошқариш учун сенсорлар (датчиклар) ва ихтисослаштирилган дастурий таъминотни жорий этиш.

Учинчидан, транспорт ҳаракати тўғрисида ахборот билан таъминловчи инфратузилма билан жиҳозланган юқори тезликка мўлжалланган автотранспорт йўлаклари тармоғини ташкил этиш.

Тўртинчидан, ҳайдовчиларни ахборот таблолари, радио-хизматлар, веб-сайтлар воситасида хабардор қилиш тизимини татбиқ қилиш орқали ҳаракат хавфсизлигини ошириш, шунингдек компьютерли йўл ҳаракати, видеокузатув, йўл ҳаракати қоидаларини бузувчиларни фото ва видео қайд этиш ҳамда нохуш ҳодисаларни автоматик равишда аниқлаш тизимларини жорий этиш.

Бешинчидан, дастлаб Тошкент шаҳрида сўнгра бутун ҳудудларда босқичма-босқич "Ақлли паркинг" ва "Ақлли тўхташ" технологик тизимини ташкил этиш.

Олтинчидан, янги экологик талабларни, экологик назоратнинг автоматлаштирилган кўчма тизимларини, транспорт оқимлари ҳаракатининг энергиянинг самарали режимларини, муайян зоналарда транспорт ҳаракатини чеклаш тизимини жорий этиш ҳисобига экологик йўқотишларни камайтириш.

Еттинчидан, ақлли светофорларни, электрон таблоларни, йўловчиларни хабардор қилиш тизимини, спутникли навигация тизимларини, бошқарувни автоматлаштириш ва йўловчилар ташишни тартибга солиш тизимларини, транспорт турлари (автобуслар, метро, трамвайлар, троллейбуслар, маршрут таксилари) ўртасида интеграцияланган йўлқира учун электрон тўлов тизимларини жорий этиш орқали транспорт оқимини оптималлаштиришдан иборат 7 .

Хулоса қилиб айтганда, Тошкент шаҳрида транспорт коммуникациялар билан боғлиқ муаммолардан яна бири жамоат жойлари ва транспорти учун симсиз тизимлар ва қурилмаларни жорий этиш учун шароитлар яратиш ҳисобланади. Мазкур муаммони ҳал этиш учун қуйидаги жойларда симсиз тизимлар ва қурилмаларни (wi-fi бепул нуқталарини) ташкил этиш мақсадга мувофиқ:

жамоат жойларида - бозорлар, таълим ва даволаш-соғломлаштириш муассасалари, дам олиш зоналари, маданий, кўнгилочар ва спорт муассасалари;

жамоат транспортида - автобуслар, микроавтобуслар салонларида йўловчиларни ташиш амалга оширилишида, троллейбуслар, такси ва шаҳар рельсли транспорти (трамвай, метро);

туризм объектларида - меҳмонхоналар, музейлар, галереялар, арт-кафе, шаҳар тарихий-меъморий мажмуалари, ҳиёбонлар, қўриқхоналар, ботаника боғлари, ҳайвонот боғлари ва ҳ.к.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Караева Я.К. "Ўзбекистонни жаҳон бозорига чиқиши учун халқаро йўлақлардан самарали фойдаланишнинг логистика транспорт муаммолари" И.ф.д. илмий даражасини олиш учун диссертация, Тошкент, 2004; Саматов Г.А., Акбаров И.Т., Караев Я.К. Халқаро транспорт тизими: унинг ривожланиш истиқболларини баҳолашнинг математик модели // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси ЎЗИА, Тошкент, №4 2000.

2. Курганбоев Ж.К. "Транспортно-транзитный потенциал стран Центральной Азии: оценка возможности и угроз" Аиф. Казахстан, №23 2006; Сяньпин Ч. "Новая трансазиатского мост" Москва, 2006; Старр Ф. "Восстановление транспортной сети Центральной Азии" // Узбекистан и Центральной Азия №10 2007.

3. Қодиров.Т Транспорт тизимининг ривожлантириш ҳолати таҳлили ва унинг иқтисодий ўсишдаги ўрнини баҳолаш. - "Иқтисодий ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. №1, январь-февраль, 2014; Адилов.У "Кенг ва равон йўллар: транспорт коммуникацион инфраструктурани такомиллаштиришда муҳим ўрин тутди. //Халқ сўзи - 2014 йил 9 январь; Эргашев.Б "Оптимизация транспортных расходов - важный фактор устойчивого развития экономики: проблемы и решения. Аналитический доклад Центра экономических исследований. -Т., № 09/2013; Равшанов М.Н. Йўл-транспорт мажмуаси иқтисодий салоҳияти: муаммо ва ечимлар. -Т.: МЭ, 2012.

4. Ю.Ф.Голиусов. Государственная транспортная политика как фактор национальной безопасности России (евразийский аспект) Автореферат докторской диссертации по политике Москва. 2010 г.; Michael.L.Faye, John.W.Mcarthur, Jeffrey.D.Sachs ва Thomas Snow. "The Challenges Facing Landlocked Developing Countries". Journal of Human Development Vol. 5, No. 1, March 2004. pp. 31-68.

5. А.Ў.Қўзиёв А.Х.Муратов. Интеллектуал транспорт тизимини жорий этишда хориж тарибаси. // <http://library.ziyonet.uz/uz/book/download/109837>

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 январдаги "Ўзбекистон Республикасида "Ақлли шаҳар" технологияларини жорий этиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги 48-сон қарорига 1-илова

7. 2019 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида "Ақлли шаҳар" технологияларини жорий этиш концепциясини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси // Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 январдаги 48-сон қарорига 2-илова



ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪМУРИЙ ИСЛОҲОТЛАР ДОИРАСИДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛИ РЕИНЖИНИРИНГ АМАЛИЁТЛАРИ

Насруллаев Икромжон Эркинович
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
лойиҳа бошқарув миллий агентлиги қошидаги
Абу Райҳон Беруний номидаги
Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби
"Лойиҳа бошқаруви ва стратегиялаш"
кафедраси катта ўқитувчиси,
Тел: +998 (99) 807-07-02
i_nasrullaev@mail.ru

Аннотация. Мамлакатимизда кенг қамровли ва жадал суръатларда амалга ошириладиган ислоҳотлар самарадорлигини таъминлаш замонавий бошқарув усуллари ва инструментларини қўллашни тақозо этмоқда. Ривожланган давлатлар амалиётида синовдан ўтган, оптималлаштиришнинг реинжиниринг усули айнан замонавий бошқарув ва ахборот коммуникация технологиялари имкониятларини самарали қўллашни назарда тутувчи усуллардан ҳисобланади. Мақолада мазкур усул мамлакатимизда реинжиниринг ёндашуви асосида ислох этилган муайян давлат хизматлари мисолида талқин этилган.

Таянч сўз ва иборалар: давлат бошқарув тизими, давлат ва хўжалик бошқарув органлари, маъмурий жараёнлар, давлат хизматлари, юридик ва жисмоний шахслар мурожаатлар, Виртуал ва Халқ қабулхоналари, маъмурий ислоҳотлар, оптималлаштириш усуллари, жараёнларни бошқариш, реинжиниринг,

Сўнгги йилларда мамлакатимизда кенг қамровли маъмурий ислоҳотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуслари билан бошқарувнинг замонавий усуллари асосида ва жадал суръатларда амалга оширилмоқдаки, ислоҳотлар жадаллигининг бу даражаси айнан реинжиниринг ёндашуви тамойилларига мос келади. Реинжиниринг усули манбааларда "Бизнес жараёнлар реинжиниринги" (BPR, Business process reengineering) сифатида қўлланилади ва унга "бизнес жараёнларни фундаментал даражада қайта лойҳалаштириш орқали тубдан модернизация қилишга қаратилган ислох қилиш амалиёти" деб таъриф берилади.

Бизнес жараёнларни бошқариш адабиётларида "ташкilotларнинг ўз фаолияти доирасидаги жарёнларидан, давлат ва хўжалик бошқарув органлари фаолияти мисолида эса маъмурий регламентларидан келиб чиққан ҳолда бошқариш концепцияси" сифатида ифодаланади. Реинжиниринг тадбирларини ўтказишдан мақсад - давлат хизматларини кўрсатишнинг амалдаги жараёнларини сон ва сифат кўрсаткичларини тубдан такомиллаштириш орқали фаолият самарадорлигини максимал даражада оширишдан иборат. Биз мазкур усулни ўзбек тилида "Бизнес ва маъмурий жараёнларни оптималлаштириш" усули сифатида тушунишимиз ва қўллашимиз мақсадга мувофиқ.

Давлат ва хўжалик бошқарув органларининг беш мингдан ортиқ давлат ва тармоқ хизматларининг ҳар бири реинжиниринг усули асосида оптималлаштириш маъмурий ислоҳотларни самарадорлигини таъминлаб беради. Шу кунга қадар мазкур усул бир қатор давлат хизматларини кўрсатиш тартиботларини оптималлаштиришда қўлланилганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш давлат бошқарув органларининг энг



асосий хизматларидан бири саналади. Бу хизматни барча даражадаги давлат ва ҳўжалик бошқарув органлари кўрсатадилар. Айнан мана шу давлат хизматини кўрсатилишини ислоҳ этиш усулини Ўзбекистонда маъмурий жараёнларни ислоҳ қилишда реинжиниринг ёндашувини муваффақиятли амалга оширилган мисолларидан бири сифатида келтиришимиз мумкин.

Мамлакатимизда фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш давлат хизматини кўрсатиш тўғрисидаги Қонун дастлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1994 йил 6 майда қабул қилинган эди. Мазкур қонун 17 та моддадан иборат бўлиб фуқаролар мурожаатлари тушунчаси, унга қўйиладиган талаблар, мурожаатчини тақибга олинишини тақиқлаш, мурожаатчининг шахсига доир ҳар қандай маълумот ошкор этилмаслиги, ОАВ ларига йўлланган мурожаатлар, таклиф, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш, мурожаатчининг ҳуқуқлари, мурожаат йўлланган вазирлик-идора, корхона-ташкilotнинг вазифалари, мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари, фуқароларни қабул қилиш сингари масалалар ўз аксини топган.

Ушбу қонунда фақат жисмоний шахсларнинг мурожаатлари назарда тутилган бўлиб, "қонунни бузганлик учун жавобгарлик", "етказилган зарарни қоплаш", "ғайриҳуқуқий тусдаги мурожаат берганлик учун жавобгарлик", "атайин сохта маълумотлар баён қилинган мурожаатларни текшириш учун кетган харажатларни қоплаш", "талабларга риоя этилишини назорат қилиш", "прокурорлик назорати" сингари тушунчалар фуқароларни давлат бошыарув органларига эркин мурожаат қилишдан тийиб туриш рухиятини беришини кузатиш мумкин эди.

2012 йил 13 декабрда мазкур қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди ва унинг 5 та боб ва 28 моддадан иборат янги таҳрири қабул қилинди. Қонуннинг янги таҳрири ҳам фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқишда адолат меъзонларига риоя этилишини четлаб ўтишга имкон берувчи салбий жихатлардан холи эмас эди.

Жумладан, Қонуннинг янги таҳририда қайд этилган "Фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлари уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирадиган давлат органига бевосита ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга берилади" деган норма муайян мурожаатларни 7 та даражагача бўлган иерархик инстанцияларда кўриб чиқилиши эҳтиёжини талаб этадиган, маъмурий жараён мураккаблигини пайдо қиладиган, жихати эди. Яъни, мурожаат иерархик тартибда дастлаб, корхона-ташкilot даражасида, сўнгра туман/шаҳар, вилоят, тегишли вазирлик, Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ташкilotлар даражасигача чиқилиши тартиби учун бюрократик мухит яратиб қўйган эди.

Иккинчидан, мурожаатларни кўриб чиқишда юқори турувчи органлар томонидан мурожаатларни ҳокимият вертикали бўйича тегишли қуйи даражаларга кўриб чиқилиши учун туширилиши амалиёти мурожаатларни фуқаролар арз қилган давлат хизматчисининг ўзи томонидан кўриб чиқилиши ҳолатларини ҳам юзага келтирувчи салбий омил эди.

Мазкур қонун 2014 йил декабрда ўз кучини йўқотди ва Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги, 5 та боб, 31 моддадан иборат янги Қонун қабул қилинди. Қонуннинг мазкур таҳририда ҳам "Жисмоний ёки юридик шахс мурожаатни қабул қилиш ва кўриб чиқиш қонунга хилоф равишда рад этилганлиги устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёхуд бевосита судга шикоят қилишга ҳақли" деган тартиб сақланиб қолган эди.

Собиқ иттифоқнинг 70 йиллик мустабид тузими давридаги маъмурий



буйруқбозликка асосланган бошқарувнинг унсурлари давлат ва ҳўжалик бошқарув органларидаги айрим давлат хизматчиларига шунчалик сингиб кетган эдики, янги Қонун ҳам фуқаролар ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш борасидаги юқорида қайд этилган мурожаатларни кўриб чиқишдаги иерархик поғоналар бўйича мурожаат қилиш ҳамда мурожаатни арз қилинган давлат хизматчиси томнидан кўриб чиқилиши сингари тизимли хатоликларни батамом бартараф эта олмади.

Фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий жараёнларини оптималлаштириш бўйича мутлақо янги ёндашув 2016 йил амалга оширилди. Ва айнан мана шу давлат хизматини ислоҳ қилиш тадқиқотимиз предмети бўлган маъмурий ва бизнес жараёнлар реинжиниринги усулининг хусусиятини тавсифлашга наъмуна бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Бош вазир лавозимида ишлаётган вақтларидаёқ, улар томонидан ташкил этилган виртуал қабулхона тимсолида мурожаатларни кўриб чиқиш давлат хизматини кўрсатиш тартиботлари тубдан ислоҳ этилган, мутлақо янги тизим жорий этилди. Виртуал қабулхона иши ҳалқимизда йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни тезкорлик билан аниқлаш, ҳал қилиш ва ҳалқни оғирини енгил қилиш борасида давлат олдидаги энг устивор вазифаларни белгилаб олишда "биринчи тез ёрдам" вазифасини ўтаб берди. Натижада, ҳалқимизнинг кўплаб ижобий фикрларини эътиборга олиб, барча даражадаги давлат органлари фаолиятида "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари ҳалқимизга хизмат қилиши керак" деган тамойилни амалда қарор топтириш, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этилди.

Мазкур тамойил асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида ги ПФ-4904-сон Фармони қабул қилинди. Фармонга асосан:

" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси (Республика халқ қабулхонаси);

" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек ҳар бир туман ва шаҳардаги Халқ қабулхоналари;


" Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ташкил этилди.

Фармон ижросини самарали таъминлаш аввало ижрочи - кадрларга боғлиқдир. Шу муносабат билан, янги соҳанинг раҳбарлик лавозимларига кўп йиллар юқори ва масъулиятли вазифаларда ишлаб етарли тажрибага эга бўлган, ҳалқ орасида обрў ортирган, ҳар қандай оғир ҳолатда ҳам энг мақбул қарор қабул қила оладиган иқтидор эгалари танлаб олинди. 2017 йил ташкил этилган Президент Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари аҳоли билан давлат органлари ўртасида тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш бўйича тамойила янги тизим бўлди.

Мазкур амалиёт натижасида юридик ва жисмоний шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш давлат хизматини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг янги қонуни қабул қилинди. Виртуал Халқ қабулхоналари фуқароларнинг мурожаатларини адолатли ва холисона кўриб чиқилишини таъминлаш, жойлардаги долзарб муаммоларни аниқлаш ва уларни тезкорлик билан ҳал этиш, фуқароларнинг давлат идораларига бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган самарали механизм сифатида шаклланди. Давлат идораларининг аҳоли



билан мулоқот қилиш, одамларнинг дарду ташвишларини эшитишга бўлган ёндашуви тубдан ўзгарди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозим, бундан 3 йил олдин халқ билан мулоқот қилиш бўйича бошланган ишлар, бу борада жорий қилган янги амалиёт халқимизнинг, давлатимизнинг туб манфаатларига тўла жавоб берадиган энг тўғри қарор бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи, мамлакатимизда рўй бераётган янгиланиш ва ўзгаришлар ҳар қадамда исботлаб бермоқда.



1-Расм Виртуал қабулхонасига келиб тушган ва кўриб чиқилган муурожаатлар статистикаси

Мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнларида жамият ва давлат ҳаётининг ҳар бир соҳасини ислоҳ қилиш жараёнида аҳоли муурожаатларида кўтарилган муаммо ва таклифларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига жисмоний ва юридик шахслардан жами 3,6 млн.дан ортиқ муурожаатлар келиб тушган бўлиб, уларнинг тегишли вазирлик ва идоралар томонидан кўриб чиқилиши таъминланган (1-Расм). Мамлакатимизда аҳоли билан мулоқот қилиш, халқнинг дарду-ташвишларини эшитишга ёндашув тубдан ўзгарди ва муурожаатлар билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали тизими яратилди.

Сўнгги йилларда жамият ва давлат ҳаётининг бирор-бир соҳасини ислоҳ қилишда авваламбор, халқнинг фикр ва мулоҳазалари, таклиф ва тавсиялари, аҳоли муурожаатларида кўтарилган муаммо ва масалаларга ўзига хос индикатор сифатида қаралмоқда. Янги қонун ҳужжатлари, фармон ва қарорлар, дастур ва режалар, йўл хариталарини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида фуқароларнинг хоҳиш-истаги, муурожаатлари асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналари аҳоли муурожаатларини ҳолисона кўриб чиқилишини таъминловчи ўзига хос назорат механизмига айланди. Бунинг натижасида сансалорлик ва бефарқлик каби салбий ҳолатларга барҳам берилиб, йиллар давомида ҳал этилмасдан келинаётган муаммолар ўз ечимини топа бошлади. Халқ қабулхоналари халқнинг дарду ташвишларига ҳамфикр, суянч бўладиган масканга айланди. Виртуал қабулхонага 2019 йилда 1 млн. 72 минг муурожаат келиб тушди, муурожаатларнинг 62,7 фоизи қаноатлантирилди. (2018 й. - 1 млн. 44 минг, 2016-2019 й.й. - 3 млн. 627 минг). Халқ қабулхоналари томонидан 2019 йилда 242 мингдан ортиқ фуқаролар қабул қилинди. Муурожаатларнинг 71% қаноатлантирилди.

Халқ қабулхоналари томонидан вазирликлар, идоралар ҳамда вилоятлар, туман ва шаҳарлар секторлари раҳбарлари билан биргаликда ҳудудларда оммавий сайёр қабуллар ташкил этилди. Халқ қабулхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш, аҳоли муаммолари билан ишлаш самарадорлигини ошириш



бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, улар асосида янги Фармон қабул қилинди. Ушбу Фармонга кўра:

2019 йил 1 февралдан Халқ қабулхоналарининг аҳоли мурожаатлари билан ишлаш бўйича амалдаги тизими билан бир қаторда, Халқ қабулхоналарининг муаммоларни уйма-уй юриш орқали аниқлаш ва ҳал қилишни, давлат органларининг аҳоли билан бевосита ишлашини назарда тутувчи янги тизим жорий қилинди. Халқ қабулхоналари ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиш орқали муаммоларни аниқланиши ҳамда ҳал қилинишини таъминлаш белгилаб қўйилди.

Халқ қабулхоналарига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилди:

F секторлар, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиш орқали ижтимоий-иқтисодий муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилиш фаолиятини доимий равишда мувофиқлаштириб бориш;

- ҳудудларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, оммавий ва сайёр қабуллар ўтказиш тизимини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

- маҳаллалар ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини баҳолашда иштирок этиш;

- ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ҳудудий, тармоқ ва давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва ижросини назорат қилишда иштирок этиш;

- давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига кўмаклашиш билан боғлиқ ишларини мувофиқлаштириш;

- фаолият йўналишлари бўйича жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш.

2019 йил 1 февралдан бошлаб муаммоларни уйма-уй юриш орқали аниқлаш ва ҳал қилишнинг янги тизимига асосан давлат органлари ва бошқа ташкилотлар вакиллари билан иборат кичик ишчи гуруҳлар томонидан республика бўйича хонадонлар ўрганилди. Фуқаролар билан ўтказилган суҳбатлар натижасида уларнинг муаммолари ҳал этилди.

Бу борада 2019 йил апрель ойидан асосан мурожаатлар билан ишлаш, аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш бўйича "маҳалла - сектор - Халқ қабулхонаси - маҳалла" тамойили асосида ҳамкорлик тизими йўлга қўйилди.

Халқ қабулхоналари ва секторлар томонидан янги стратегия ва тизим асосида барча ҳудудлар, шу жумладан, энг олис ва чекка ҳудудлардаги аҳоли пунктларидаги муаммоларни ўрганиш, мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари томонидан аҳоли учун долзарб муаммолар бевосита ҳудудларга чиқиб, уйма-уй, маҳаллама-маҳалла юриб фуқаролар билан мулоқот қилиши аҳоли учун долзарб муаммоларни аниқлаш ва улар бўйича ечимлар излаш, аҳоли турмуш шароитларини яхшилаш борасида муҳим бир ижобий тажриба бўлди. Бу тадбирлар натижасида узоқ йиллар давомида туман, вилоят даражасидаги бирон-бир раҳбар бормаган айрим қишлоқ ва овулларга вилоят ҳокимлари, секторлар раҳбарлари шахсан бориб, ҳудуд аҳолисининг турмуш шароити билан бевосита танишдилар.

Юридик ва жисмоний шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш давлат хизматини реинжиниринг ёндашувига мутаносиб равишда ислоҳ қилиш натижасида аниқланган жойлардаги ҳолат, вазият ва тенденциялар асосида "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурлари ишлаб чиқилди. 2019 йилда "Обод қишлоқ" дастури доирасида республиканинг 159 та туманидаги 479 та қишлоқларда, "Обод маҳалла"



дастури бўйича 30 та шаҳарлари ва Тошкент шаҳрининг 11 та туманларида жами 116 та маҳаллаларда инфратузилмани яхшилаш, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. 2020 йилда ҳам "Обод қишлоқ" дастури бўйича 264 та қишлоқ ва овулларда, "Обод маҳалла" дастури бўйича жами 80 та маҳаллаларда бунёдкорлик ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

"Обод марказ" лойиҳаси дастлаб Мирзачўл туманида тажрибадан ўтказилди ҳамда мазкур тажрибадан келиб чиқиб, "Обод марказ" лойиҳаси доирасида Жиззах ва Наманган вилоятларининг барча туманлари, Бухоро вилоятининг Қорақўл, Андижон вилоятининг Марҳамат ва Бўстон (Бўз), Тошкент вилоятининг Бўка, Пискент, Юқоричирчиқ, Оққўрғон туманлари, Қашқадарё вилоятининг Нишон тумани (Талимаржон шаҳарчаси), Миришкор, Китоб, Яккабоғ туманлари, Сурхондарё вилоятининг Шарғун шаҳри ва Музработ тумани, Сирдарё вилоятининг Ховос шаҳри, Оқолтин, Сайхунобод туманлари, Хоразм вилоятининг Янгибозор, Навоий вилоятининг Қизилтепа, Самарқанд вилоятининг Пахтачи, Фарғона вилоятининг Риштон, Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ, Қонликўл туманлари марказларини ободонлаштириш бўйича кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. Халқ қабулхоналари томонидан турар жойга муҳтож ногиронлиги бўлган, кам таъминланган фуқароларни уй-жой билан таъминлаш бўйича ишлар мувофиқлаштириш борилди.

Мамлакатимизда халқ билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш бўйича яратилган тизим халқаро миқёсда ҳам қизиқиш уйғотмоқда. Ўтган давр давомида халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг 30 га яқин делегациялари Халқ қабулхоналарига ташриф буюриб, ушбу тизимнинг афзалликлари, эришилган натижалар билан яқиндан танишишди. Жумладан, БМТ Бош котиби Антонио Гутерреш, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ юқори комиссари Зейд Раад аль Хусейн, "Инсон ҳуқуқлари ва судьялар ҳамда адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича" БМТ Кенгашининг махсус маърузачиси Диего Гарсия Саян бошчилигидаги делегациялар ва бир қатор мамлакатлар (Япония, Жанубий Корея, Россия, Озарбайжон ва бошқа давлатлар) делегациялари томонидан бу борада олиб борилаётган ишлар ижобий баҳоланди. Буларнинг барча аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш, фуқароларнинг давлат идораларига янада мустаҳкамлаш, "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши лозим" деган тамойилнинг амалий натижаси сифатида намоён бўлмоқда.

Юқорида қайд этилганидек, юридик ва жисмоний шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш давлат хизматини ислоҳ этишдаги бу ёндашув сўнгги 3 йил мобайнида мазкур давлат хизматини реинжиниринг усулининг калит атамаси бўлган "кардинал равишда тубдан ўзгартириш"га олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Давлат хизматлари агентлиги директори ўринбосари Н.У.Мухаммадиевнинг таъкидлашига кўра, бугунги кунда давлат ва хўжалик бошқарув органлари томонидан 3,5 мингдан ортиқ давлат ва тармоқ хизматлари кўрсатилади. Бу фақат ижро ҳокимияти таркибидаги давлат бошқарув органлари томонидан кўрсатиладиган давлат ва тармоқ хизматлари. Тадқиқотларимизнинг бирламчи натижаларига кўра, ижро ҳокимияти органлари томонидан кўрсатиладиган 3,5 минг давлат ва тармоқ хизматларидан ташқари, давлатнинг қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятининг марказий, тузилмавий ва ҳудудий бўлинмалари томонидан ҳам 1,5 мингдан ортиқ, G2G, G2B ва G2C форматидаги давлат ва тармоқ хизматлари кўрсатилади.

Мазкур, беш мингдан ортиқ давлат ва тармоқ хизматларини барчасини, давлат ва хўжалик бошқарува органларининг "муурожаатларни кўриб чиқиш" давлат хизмати



сингари, реинжиниринг тамойиллари асосида ислоҳ қилиш учун давлат бошқарув органлари тизимидаги маъмурий жараёнларини оптималлаштириш қуввати ва қобилиятига эга бўлган тизимли механизмини яратиш - илмий хамжамият олдига қўйилган илмий ва амалий муаммодир. Ва унинг самарали ечими бўлган давлат бошқарув органлари маъмурий жараёнларини реинжиниринг асосида оптималлаштириш механизмини ишлаб чиқиш мамлакатимизда маъмурий ислохотларнинг самарадорлигини таъминлаб берувчи асосий инструмент вазифасини бажаради ва уни кафолатлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Хаммер М., Чампи Дж. Реинжиниринг корпорации: Манифест революции в бизнесе. Пер. с англ. - СПб.: Издательство С.-Петербургского университета, 2001. 332с.

2. Хаммер М., Хершман Л. "Быстрее, лучше, дешевле: девять методов реинжиниринга бизнес-процессов", изд. - Альпина Паблишер, Москва - 2015 г.

3. Силич В.А., Силич М.П. Реинжиниринг бизнес-процессов: Учебное пособие. - Томск: ТУСУР, 2007. - 200 с.

4. Робсон М., Уллах Ф. Практическое руководство по реинжинирингу бизнес-процессов. / Пер. с англ. - М.: Аудит, ЮНИТИ, 2007. - 224 с.



HUSNIXATGA O'RGATISH MUHIMMI?

Temirova Muhabbat Xusanovna
Namngan viloyati To'raqo'rg'on tumani
2-maktab boshlang'ich sinf o'qituvchisi
Telefon: +998(94)1719570
muhabbattemirova1970@gmail.com

Annotatsiya: Ushbu maqolada boshlang'ich sinf o'quvchilarini husnixat malakalarini oshirish muhim vazifa ekanligi, o'quvchilar chiroyli yozishga o'rganishda qanday kamchiliklarga uchraydi, ularni bartaraf etish uchun nimalarga e'tiborni qaratish zarurligi haqida yoritilgan.

Kalit so'zlar: husnixat, yozuv, og'zaki, yozma, nutq,

Ma'lumki, yozuv insoniyat tarixida eng buyuk kashfiyotlardan biridir. Yozuv insonlar ehtiyoji va zaruriyatlari tufayli yuzaga kelgan. Insoniyat tarixini kelajak avlodga yetkazib berishda yozuvning o'rni beqiyos. Yozuv insonlarni fikrini osongina ifodalovchi muomala vositasidir. Yozuv - og'zaki nutqning yozma shaklidir. Bola ilk bor maktabga qabul qilinganidan boshlab dastlab og'zaki va yozma nutqiga e'tibor qaratiladi. O'quvchining og'zaki va yozma nutqi rivojlangan bo'lsa, boshqa fanlarni ham o'zlashtirishga qiynalmaydi.

Biz texika asrida yashar ekanmiz, turli xil zamonaviy o'quv qurollari va jihozlar qamrovida qolmoqdamiz. Lekin ushbu texnikalar o'zining cheksiz imkoniyatlari bilan birga muammolarni ham paydo qilmoqda. Masalan, bir varoq qo'lyozma matnni yozishga erinib kompyuterda yozishni tanlaydiganlar talaygina. Qadimdan bilamizki, kitoblar va boshqa qo'lozmalar, muhim hujjatlar ham qo'lyozma bo'lgan. Anashu davrda xattotlik san'ati bilan shug'ullanuvchi insonlar katta-katta asarlarni ham qo'lda yozganlar. Biz necha zamonlar davomida san'at darajasiga ko'tarilgan, xatto Navoiy bobomiz asarlarida ham xattotlik san'atiga alohida to'xtalib, husnixatning hayotimizda tutgan o'rni, chiroyli yozuvning ahamiyati haqida alohida ta'kidlab o'tilgan.

-Aslida, husnixatga o'rgatish muhimmi?

-Albatta muhim!

Boshlang'ich sinf - ta'lim tarbiyaning poydevoridir. Poydevor qanchalik mustahkam bo'lsa, qurilgan imorat shunchalik mustahkam bo'ladi. Bu esa biz boshlang'ich sinf o'qituvchilari zimmasiga katta mas'uliyat yuklaydi. Maktabga kelgan bolani maktabga moslashtirish, ularni savodli qilish, mustaqil va mantiqiy fikrlash va chiroyli yozishga o'rgatib boramiz. Ammo e'tiborsizligimiz tufayli xatoliklar kelib chiqishiga sababchi bo'lamiz. Chunki bola boshlang'ich sinfda qanday ta'lim- tarbiya olsa, o'shandayligicha qoladi.

Men boshlang'ich ta'limda 27 yildirki faoliyat yuritib kelmoqdaman. Ko'p yillik tajribam davomida o'quvchilarimni husnixatga o'rgatishga alohida ahamiyat beraman. Eng avvalo, o'qituvchi o'quvchilarni yozuvga o'rgatishda yozuv qoidalarini o'rgatib borishi lozim deb o'ylayman. O'quvchi yozuvga o'rganish davomida turli yozuv qoidalariga amal qiladi. Qoidalarni o'rganish jarayonida tartiblilikka, ozodalikka, odob-axloq, mustaqillikka o'rganib boradi. Psiolog olimlarning ta'kidlashicha, insonning xulq-atvorini uning yozuvidan bilish mumkin ekan. Husnixat asosida chiroyli, tartibli yozilgan yozuv egasining xulq-atvori ham yozuvi kabi tartibli bo'ladi.

Yozuvga o'rgatishning muhim qoidalari:

- 1.O'quv qurollarining sozligi.
- 2.Partada o'tirganda gavgani to'g'ri tutish.



3. Daftar bilan ko'z oralig'i 30 sm bo'lishi.
4. Daftar partada 65 gradus qiyalikda joylashishi.
5. Daftarning chap tomonidan 3 mm, o'ng tomonidan 4 mm joy qoldirib yozish.
6. Bosh harfning balandligi 8 mm, kichik harfning balandligi 4 mm bo'lishi.
7. Harflarni uzmay ulab yozish.
8. Ruchkani to'g'ri ushlish.

Boshlang'ich sinflarda o'quvchilarni yozuvga qanday o'rgatilsa, shundayligicha qoladi. Bola yozishni o'rganish davrida butun diqqatini shu jarayonga jamlaydi. Xuddi shu jarayonda o'qituvchi o'z mahoratini ishga solib, yozuv qoidalarini erinmasdan o'rgatib borsa maqsadga

muvofiq bo'ladi.

1-sinfda o'quvchi kichik yo'lli, ya'ni 2 chizikli daftarga yozadi. Bu daftarga yozganda bosh harfning balandligi 8 mm, kichik harfning balandligi 4 mm bo'lishi kerak. Kichik yo'lli daftarda o'quvchiga harflarni to'ldirib yozishga, bosh harflarni esa kichik harfga nisbatan 2 marta katta yozilishini o'rgatiladi.

2-sinfning 2-yarmidan boshlab o'quvchilar bir chizikli daftarga yozishga o'tadilar. Shu jarayon o'quvchilarga biroz qiyinchilik tug'diradi. Chunki kichik yo'lli daftar chiziqlari o'quvchiga qolip vazifasini bajarib, yozishga qulay bo'lgan. Bir chizikli daftarga yozishga o'rgatishda esa daftar chiziqlari kattalashadi, harflarning o'lchami o'zgaradi, ya'ni bosh harf balandligi 6 mm, kichik harfning balandligi 3 mm ni tashkil etadi. Bu jarayonda o'quvchining yozuvi har xil o'lchamda bo'lishi, xunuklashib ketishi, qiyalikning yo'qolishi kuzatiladi. Bu jarayondagi o'zgarishlarga o'quvchilarni odatlantirish uchun biz o'qituvchilar e'tiborliroq bo'lib, o'quvchilarga husnixat qoidalarini har bir darsda eslatib, takrorlab borishimiz lozim. O'quvchi bir chizikli daftarga yozishni o'rganib olgunga qadar o'qituvchi namuna ko'rsatib borishi, xatto bosh va kichik harflarning o'lchamlarini chizg'ich yordamida o'lchab olib, keyingi so'zlarda o'lchab yozilgan harflarga qarab chamalab yozishni o'rgatib boriladi. Bir narsani esda tutishimiz lozimki, yozuv qoidalarini o'quvchiga toki boshlang'ich sinfni bitirib ketgunga qadar eslatib, o'rgatib borish zarur. Boshlang'ich ta'limda takrorlash usuli yaxshi samara beradi. Yozuvga o'rgatish jarayoni biz o'qituvchilardan ko'p mehnat va mahorat talab etadi. Ko'pincha ana shunday mahoratli, o'quvchining kelajagi uchun jonkuyarligi, mehnatini ayamaydigan o'qituvchining o'quvchilari yozuvda bir xillikni, husnixatni ko'ramiz.

Kichik yoshdagi o'quvchilarda maqtovga, rag'batga moyillik kuchli bo'lib, tanqidni unchalik xush ko'rmaydilar. Shuning uchun o'quvchilarni rag'batlantirib borilishi, chiroyli yozgan o'quvchilarni qolgan o'quvchilarga namuna qilib ko'rsatilishi, ularni rag'batlantirish keyingi darslarda yanada chiroyliroq yozishga turtki bo'ladi.

O'quvchining daftaridagi marjonday tizilgan harflar, husnixat va imlo qoidalari asosida yozilgan so'zlar ko'zlarni quvnatib, dillarni ravshan qiladi. Aksincha, xunuk, bo'yalgan, tartibsiz yozilgan xat esa ko'ngillarni xira qiladi.

Husnixat asosida va imlo qoidalariga rioya qilgan holda yozish inson hayotida muhim o'rin tutadi. Buni men jurnal sahifasida o'qigan hayotiy voqea misolida keltirib o'tmoqchiman: "Yaqinda Toshkent shahrida istiqomat qiluvchi uch opa-singilning zaharlanish oqibatida vafot etgani haqida tarqalgan xabar barchani larzaga soldi. Sud tibbiy ekspertiza natijalariga ko'ra, qizlar dori vositasini noto'g'ri iste'mol qilish oqibatida halok bo'lishgan. Bu haqda UzNews.uz sayti ekspertiza bo'lib o'tgan Toshkent yuqumli kasalliklar shifoxonasiga tayangan holda xabar bergan. Ma'lum bo'lishicha, qizlarga parazitlarga qarshi "Vermoks" (keng ta'sir qiluvchi antigelmint vosita) dori vosita tavsiya qilingan. Biroq dorixonadagi farmatsevt shifokor yozuvini to'g'ri o'qiy olmay "Verapamil" nomli dorini berib yuborgan. U yurak urishi buzilishi vagi pertonik inqirozlarda qo'llaniladi. Mazkur noxush voqea bir kishining aybi bilan sodir bo'lmagan. Ota-ona, oshpaz, shifokor, dorishunos □ Zanjirning



bir halqasi - yozuvi xunuk shifokor.

Chiroyli yo xunuk yozish har kimning o'z ishi. Biroq o'quvchilarga husnixat qoidalarini sidqidildan o'rgatish, ularning qalbida chiroyli yozuv san'atining zavqini tuya bilish hissini uyg'otish kerak. Zero, xush va aniq yozuv nafaqat kishining o'ziga, balki jamiyatga ham xotirjamlik baxsh etadi".

Xulosa qilib aytganda, husnixat inson hayoti va jamiyatda juda katta ahamiyatga ega. Shunday ekan, biz o'qituvchilar ham o'quvchilarni husnixatga va savodlilikka o'rgatib borishimiz muhim vazifalarimizdan biri ekanligini unutmasligimiz kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar:

- 1."Boshlang'ich ta'lim" jurnali 3-bet "Husnixat kerakmi?" 2018-yil yanvar 1-son.
- 2."Boshlang'ich ta'lim" jurnali 30-bet "Hoshiya kasalligi" 2018-yil fevral 2-son.



РОЛЬ ОРГАНОВ МЕСТНОГО САМОУПРАВЛЕНИЯ В РАЗВИТИИ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА В ВЕЛИКОБРИТАНИИ

Шахноза Азимбаева
Ведущий специалист
Центра развития гражданского общества
miss_uwed@mygambler.ru
+998907887212

Аннотация. Данный тезис рассматривает понятие значения гражданского общества и систему институтов местного самоуправления граждан в Великобритании. Изложены сути и значение типов местного самоуправления.

Ключевые слова. Гражданское общество, органы местного самоуправления, Европейский союз, неправительственные организации.

Гражданское общество является системой самостоятельных и независимых от государства общественных институтов и отношений, которые обеспечивают условия для реализации частных интересов и потребностей индивидов, коллективов и их достойной социальной, культурной и духовной жизни, сохранение и воспроизведение накопленных нравственных ценностей и передачи от поколения в поколение. Гражданским называют демократическое общество с развитыми экономическими, культурными, правовыми и политическими отношениями между его членами, не зависящее от государства, но взаимодействующее с ним; общество граждан, которое находится на стабильно высоком социальном, экономическом, политическом, культурном и нравственном уровне, создавая вместе с государством развитые правовые и социальные отношения. Сегодня, можно даже сказать, что общественность - прототип гражданского общества - создается посредством медиасферы, горизонтальных информационных связей между субъектами, т.е. посредством обмена информацией.

Содержание понятия "гражданское общество", которое применяется международным сообществом, разъясняет рабочее определение, сформулированное Центром гражданского общества Лондонской школы экономики и политических наук: "Гражданское общество означает арену добровольной коллективной деятельности, сосредоточенной вокруг общих интересов, целей и ценностей. Гражданское общество, как правило, охватывает широкий спектр сфер деятельности, актеров и институциональных форм с различными уровнями формализации, как зарегистрированные благотворительные организации, неправительственные организации, местные общественные группы, женские организации, профессиональные ассоциации, профсоюзы, группы взаимопомощи, социальные движения, бизнес -ассоциации, коалиции и адвокационные группы". Это определение широко применяется институтами Европейского Союза и донорскими организациями, поскольку оно хорошо вписывается не только в концепции, возникшие вместе с процессом глобализации, но и в те концепции различных и многоуровневых организаций, которые сейчас находятся на стадии развития.

Одним из критериев и результатов гражданского общества есть гражданское воспитание, основой которого является "гражданственность" личности, которую составляют моральная, политическая и правовая культура, чувство собственного достоинства, внутренней свободы и одновременно переживание за общественные идеалы, за приоритеты государства, благо своего народа и его дружеские



отношения в мировом сообществе.

Местное самоуправление в Англии работает либо по одноуровневой системе - унитарным органам власти, либо по двухуровневой системе - уездным и районным советам.

На сегодняшний день, в Англии существует пять типов местной власти: окружные советы, районные советы, унитарные органы власти, столичные округа и лондонские районы.

Окружные советы охватывают весь округ и предоставляют большинство общественных услуг в конкретной области.

Окружные советы отвечают за: образование, дорог, планирование транспорта, пассажирские перевозки, социальное обеспечение, библиотеки, утилизацию отходов и стратегическое планирование.

Районные советы. Каждый округ делится на несколько районов. Районные советы, которые могут также называться районными советами или городскими советами, если район имеет статус района или города, занимают гораздо меньшую площадь и предоставляют социальные услуги местному населению.

Районные советы отвечают за жилье, досуг и отдых, гигиену окружающей среды, утилизацию отходов, планирование бюджета и сбор местных налогов.

Унитарные органы. Многие крупные города и небольшие графства являются унитарными властями; у них есть только один уровень местного самоуправления. Унитарными властями могут быть городские, районные, районные или районные советы. Унитарные органы несут ответственность за: образование, автомобильные дороги, транспорта, пассажирские перевозки, социальное обеспечение, жилье, библиотеки, досуг и отдых, гигиену окружающей среды, стратегическое планирование местного бюджета и сбор местных налогов.

Столичные районы. Столичные округа являются унитарными органами власти; их можно назвать столичными районными советами, столичными районными советами или столичными городскими советами. Столичные районы отвечают за: образование, автомобильные дороги, инфраструктуру дорог и транспорта, пассажирские перевозки, социальное обеспечение, жилье, библиотеки, досуг и отдых, гигиену окружающей среды, планирование бюджета, стратегическое финансирование и сбор местных налогов.

Вместе с тем, институтами гражданского общества выступают негосударственные акторы: коммерческие компании, неправительственные организации (НПО), бизнес-ассоциации, учреждения культуры, университеты и школы (в том числе, частные), СМИ и известные люди. Таким образом, значительная часть деятельности в этой области реализуется независимо от государства или при его минимальном вмешательстве.

Литература

1. Плискевич Н. М. Российское гражданское общество сегодня // Общественные науки и современность. 2002. № 6.

2. <https://www.politics.co.uk/reference/local-government-structure>



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДЕМОГРАФИК РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Алимухамедов Б.Б.

Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш

илмий маркази директори ўринбосари

(90) 323-54-27

Юлдашев Н.Н.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги

бошқарма бошлиғи ўринбосари

(99) 841-93-60

Анотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида демографик вазият таҳлили ва истиқбол кўрсаткичлари келтирилган ҳамда демографик вазиятни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг долзарблиги йўналишлар бўйича асосланган.

Калит сўзлар: аҳоли сони ва таркиби, демографик вазият, демографик прогноз.

Ўзбекистонда демографик жараёнларни яхшилаш дейилганда давлат манфаатлари ва инсоннинг асосий ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари сақланиб, юзага келган ва прогноз қилинаётган демографик вазиятни, мамлакат ва унинг минтақаларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш муаммолари ва устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда, аҳолининг мақбул такрор барпо бўлишини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш тушунилади.

Ўзбекистонда демографик ривожланишни яхшилаш аҳоли ҳаётининг давомийлиги ошириш, ўлим даражасини камайтириш, аҳолининг туғилиш даражаси ва табиий ўсишини барқарорлаштириш, оила ва никоҳ муносабатларини, ички ва ташқи меҳнат миграциясини тартибга солишга қаратилган.

Ўзбекистондаги демографик вазият бир қатор ўзига хос хусусиятлар, салбий тенденциялар ва муаммоларнинг шаклланиши билан тавсифланади, бу эса тегишли чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тақозо этади.

Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистон аҳолиси 33,9 млн. кишини ташкил этди. 2019 йилнинг бошидан буён аҳолининг сони 650,3 минг кишига ёки 2 фоизга ошди [1].

Аҳолининг энг кўп сони Самарқанд (11,4%) (мамлакат аҳолисининг умумий сонидаги улуш), Фарғона (11,1%), Қашқадарё (9,7%) ва Андижон вилоятларида (9,2%) истиқомат қилади.

Меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ёшдаги шахсларнинг улуши аҳолининг 30,5 фоизни, меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахсларнинг улуши 58,9 фоизни, меҳнатга лаёқатли ёшдан катта ёшдаги шахсларнинг улуши эса 10,6 фоизни ташкил этади.

БМТ прогнозларига кўра, Ўзбекистон аҳолиси 2030 йилда 37 млн. кишини, 2050 йилда 41 млн. кишини ва 2100 йилда 38 млн. кишини ташкил қилади. Туғилиш даражаси аҳолининг оддий такрор барпо бўлишига мос даражада барқарорлашмоқда, аҳолининг йиллик ўсиш суръатлари 2025 йилгача бўлган даврда 1,6 фоизни, 2030 йилгача бўлган даврда 1 фоизни ва 2050 йилгача бўлган даврда 0,5 фоизни ташкил этади [2].

Аҳолининг ёш таркибида сезиларли ўзгаришлар юз беради. Меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ёшдаги шахсларнинг улуши камаяди (20%), меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахсларнинг улуши юқориликча қолади (57%) ва катта ёшдаги (60 ва ундан катта ёшдаги) аҳолининг сони эса сезиларли даражада (23 фоизгача) кўпаяди.



Юзага келган ва прогноз қилинаётган демографик вазият қуйидаги масалалар яхшилаш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалаларини қўяди:

оила институти, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими олдида туғилиш даражаси ва репродуктив мақсадлар, болали оилаларни қўллаб-қувватлаш;

соғлиқни сақлаш тизими олдида умумий, шу жумладан, болалар ва оналар ўлимини камайтириш, соғлиқни муҳофаза қилиш ва ҳаётнинг давомийлиги ошириш;

таълим соҳаси олдида туғилиш, ўлим омилларидан фойдаланиш, репродуктив мақсадларни шакллантириш, хотин-қизларнинг оиладаги мавқеини яхшилаш;

меҳнат бозори олдида, энг аввало, меҳнатга лаёқатли ёшга қадам қўяётган ёшлар учун иш ўринлари яратиш масалаларини ҳал этиш ва аҳолининг, айниқса, хотин-қизларнинг оқилона бандлигини таъминлаш;

пенсия таъминоти ва ижтимоий хизмат кўрсатиш олдида аҳоли кексайиши тенденцияларининг юксалиб бориши, меҳнатга лаёқатли ёшдан катта ёшдаги шахслар сони ва улушининг ошиши муносабати билан чақирувлар;

ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш схемаси олдида уй-жой масалаларини, ички ва ташқи меҳнат миграциясини тартибга солиш ва урбанизация даражасини ошириш;

минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш олдида туманлар, шаҳарлар, вилоятлар, минтақаларнинг демографик ривожланишни яхшилаш.

Ушбу муаммолар демографик ривожланишни, шу жумладан миграция жараёнларини ва тегишли махсус (функционал) ва минтақавий дастурларни яхшилаш бўйича мақсадли, комплекс ва самарали давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш заруратини келтириб чиқаради.

Ўзбекистоннинг демографик ривожланишини яхшилаш концепцияси мақсадларга эришиш Ўзбекистон ва унинг минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, шу жумладан, барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигининг ошишини таъминлаш, камбағаллик даражасини пасайтириш ва даромадлар бўйича табақаланишни камайтириш, инсон капитални жадал ривожлантириш ва самарали ижтимоий инфратузилмани яратиш (соғлиқни сақлаш, таълим, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш), арзон уй-жой бозори, мослашувчан меҳнат бозори вазифаларининг ҳал этилишини назарда тутиши керак.

Ўзбекистоннинг демографик ривожланишини яхшилаш концепциясида белгиланган вазифаларни ҳал этиш учун болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, таълим, меҳнат бозори ва демографик ривожланиш билан боғлиқ бошқа соҳалар ва тармоқларни ривожлантириш учун сарф-харажатларнинг изчил ва барқарор ошиб боришини таъминлаш кўзда тутилиши керак. Бизнингча, давлат ва маҳаллий бюджетлар, бюджетдан ташқари жамғармалар, тижорат ва жамоат ташкилотлари, хайрия жамғармаларининг маблағлари ва бошқа маблағлар ушбу харажатларни молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. https://stat.uz/uploads/docs/demografiya_dekabr_uz.pdf
2. <https://www.unfpa.org/sites/default/files/pub-pdf/russianswopP09.pdf>



ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИДА ХХР НИНГ ЎРНИ

Неъматов Рустам Абдуваид ўғли

Гулистон давлат университети, стажёр-ўқитувчи,

Телефон: 998972486091

rustam.nematov.1991@mail.ru

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорлик алоқаларининг йўлга қўйилиши, миллий манфаатлар устуворлиги, иқтисодий алоқалар, стратегик битимларни ўз ичига олади. Ушбу алоқалар Хитой миллий компаниялари ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий алоқалари соҳасида олиб борилаётган ишлар мисолида батафсил далиллар асосида ёритилган.

Калит сўзлар: Хитой Халқ Республикаси, ўзбек-хитой битимлари, Ўзбекистон ярмаркаси, Хитой миллий компаниялари, Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси, Вен Меню, "Бир макон, бир йўл".

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви, халқаро муносабатлар тизимида муносиб ўрин эгаллаши ўз манфаатларини сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий соҳаларда амалга оширилиши билан белгиланади. Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятида дунёнинг қудратли давлатларидан ҳисобланган Хитой Халқ Республикаси алоҳида ўринга эга. Ҳозирги даврда Хитой Халқ Республикаси билан кенг миқёсда алоқаларни амалга ошириш Ўзбекистон иқтисодий сиёсатидаги устувор йўналишлардан биридир. Шу билан бирга, Хитой ташқи сиёсий стратегиясида Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон билан ҳамкорлик энг асосий ва муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон - Хитой алоқалари бугунги кунда нафақат мамлакатнинг ташқи фаолияти нуқтаи назаридан, балки мустақил Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларини илмий англаш жиҳатидан ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек: "Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш гоёси минтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларга тўла мос келади. Бундай зонани ташкил этиш ва бу масалада ядро қуролига эга бўлган қўшни Хитой билан ҳамкорликда режаларни амалга ошириш ва ривожлантириш минтақада ўзаро ишонч ва барқарорликка асосланган тинчликни таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Харакатлар стратегияси" 4947-сонли Фармонида "чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишга йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш" каби масалаларга алоҳида урғу берилган. Президентнинг ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари, дунёда содир бўлаётган глобал ўзгаришлар тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари ва хулосалари тадқиқот учун ҳам назарий, ҳам услубий жиҳатдан катта аҳамиятга эга.

Мақолада ёритилган илмий таҳлиллар шу билан белгиланадики, у миллий гоёни мустаҳкамлашга, жаҳондаги мамлакатлар билан интеграциялашувга йўл очган ташқи сиёсат тамойилларининг ҳаётийлигини очиб беришга, республикамизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини мустаҳкамлашга кўмаклашади.



Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатлар қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилмоқда:

- миллий давлатлар манфаатларининг устуворлиги, яъни ўзаро манфаатдорликни инобатга олиш;

- ўзаро тенг фойда кўриш; бир-бирининг ички сиёсатига аралашмаслик;

- умуминсоний қадриятларга эътибор, тинчлик ва барқарорликни сақлаш; халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш ва унинг давлат ички ҳуқуқ нормаларидан кўра устуворлиги.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги икки томонлама алоқалар ҳам ривожланиб бормоқда.

Бизнингча, Ўзбекистон Хитой билан муносабатларида узоқ муддатли алоқа қилиш стратегияси ва бу алоқаларни дўстона ҳамкорлик руҳида ривожлантириб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикасида олиб борилаётган ислохотларни фарқи ва баъзи соҳаларда ўхшашлиги давлатлараро алоқаларни ривожлантиришга ҳеч қандай тўсқинлик қилмайди.

Ўзбекистон давлат ташқи сиёсатида Хитой Халқ Республикаси билан иқтисодий соҳадаги ҳамкорлиги ҳам катта аҳамият касб этади.

Хусусан, Ўзбекистон-Хитой савдо иқтисодий алоқалари суръатини жадаллаштириш учун 1992 йилнинг январида Ўзбекистонга Хитой Халқ Республикаси ташқи савдо ва иқтисодий алоқалар вазири Ли Лянцин расмий ташриф буюрди. Республикамиз вакиллари билан учрашувлар мобайнида Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва унинг янги шаклларида фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Хитой сармояси иштирокидаги қўшма корхоналарни тузиш имкониятига катта эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Хитойга асосан ипак, минерал ўғитлар, хизматлар, ноорганик кимё маҳсулотлари, руда, ипак, сабзавотлар, пахта толаси, жун, чорва маҳсулотларини экспорт қилса, Хитойдан кофе, чой, зираворлар, тўқимачилик маҳсулотлари, пластмасса, механик ва электр жиҳозлар, чорва маҳсулотлари, оёқ кийимлар, сунъий тола, махсус кийимлар, тамаки каби маҳсулотларни сотиб олади.

Ўзбекистоннинг мустақиллик йиллари мобайнида иқтисодиёт соҳасидаги ўзбек-хитой битимлари асосида республикамизга Хитойда яратилган ва ишлаб чиқарилган кўплаб замонавий саноат технологиялари, машиналари ва жиҳозлар етказиб берилди. Улар енгил ва қайта ишлаш саноатларида кенг қўлланмоқда, шунингдек, Ўзбекистонда қўшма корхоналар тузилишига кўмаклашмоқда. Буларнинг барчаси пировард натижада мамлакатимизнинг замонавий иқтисодий инфратузилмаси шаклланишига ёрдам бермоқда.

Ўзбекистон ташқи савдоси инфраструктурасини ривожлантириш, Хитой ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари бозорларига экспорт ҳажмини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1999 йил 6 ноябрдаги қарори билан Хитой Халқ Республикасининг Шанхай шаҳрида "Ўзбекистон ярмаркаси" қўшма корхонаси ташкил этилди.

1999 йилда "Тошкент трактор заводи" ДАЖ да Хитойдан олиб келинган эҳтиёт қисмлардан 16 кичик габаритли тракторлар терилди. Мазкур тракторларнинг дастлабки намойиши, уларга эҳтиёж катта эканлигини кўрсатди.

Булардан ташқари, Ўзбекистонда Хитой Халқ Республикасига тегишли йирик фирма ва компанияларнинг 9 ваколатхоналари очилди. Хунан провинциал экспорт-импорт корпорацияси, чой импорти ва экспорти бўйича Анхой корпорацияси,



Шинжон Ташқи иқтисодий ва савдо компанияси, донли экинлар, ёғ ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари импорти ва экспорти бўйича Хитой компанияси, "Texuna International Limited" компанияси, "Huawei Technologies Co, Ltd" компанияси, "China Tech" компанияси, Хитой геоинженерия корпорацияси шулар жумласидандир.

Ўзбекистон билан Хитой ҳукуматлари ўртасида имзоланган битимлар асосида ўтказилаётган савдо-иқтисодий ярмаркалар ҳар икки мамлакат тадбиркорлари ўртасида яқин алоқалар ўрнатишга хизмат қилмоқда. Бундай кўргазма ва ярмаркаларнинг ташкил этилиши ҳар икки мамлакат ички бозор эҳтиёжлари ва иқтисодий салоҳиятини чуқурроқ ўрганиш, давлатлараро даражада ҳамда икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасида ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатилишига ёрдам беради.

Ўзбекистонда анъанавий тарзда Хитой савдо-иқтисодий кўргазмалари уюштирилиб келинмоқда. Хитойлик ҳамкорларимизнинг мамлакатимизда бундай тадбирларни ўтказишдан манфаатдорлиги бир неча сабаблар билан изоҳланади:

Ўзбекистон билан Хитой қадим замонлардан Буюк Ипак йўли бўйлаб яқиндан ҳамкорлик қилиб келганлар ва бугунги кунда улар ўртасида анъанавий ва ишончли алоқалар мавжуд;

Мамлакатларнинг географик жиҳатдан яқин жойлашганлиги ҳамда икки халқ маданий-маънавий кадриятларининг яқинлиги Ўзбекистон - Хитой савдо алоқаларининг ривожланиши ва яқин иқтисодий ҳамкорликнинг ўрнатилишига ёрдам беради;

Ўзбекистоннинг иқтисодиётни либераллаштириш ва бозор муносабатларини ривожлантиришга йўналтирилган сиёсати Хитой томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланмоқда;

Ўзбекистонда республика раҳбариятининг оқилона сиёсати туфайли тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурмоқда.

Юқорида келтирилган факт ва далиллар Ўзбекистон-Хитой ҳамкорлиги самарали ривожланаётганлигидан далолат беради. Икки мамлакат товар айланмасининг муттасил ошиб бораётганлиги, хитойлик тадбиркорлар томонидан республикаимизда кичик ва ўрта тадбиркорлиқнинг шаклланиши ва ривожланишига катта ҳисса қўшилаётганлиги бунинг яққол мисолидир.

Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги алоқалар янги босқичга кўтарилди. Масалан, сўнгги олти йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми қарийб 6 баробар ошди ва 2013 йилда 5,2 миллиард долларга етди.

ХХР Раиси Си Сзинпиннинг 2013 йил сентябр ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи доирасида умумий қиймати 15 миллиард долларга тенг лойиҳаларни амалга оширишга оид 31 та ҳужжат имзоланди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокидаги 466 корхона, жумладан, ушбу мамлакатнинг 71 та компанияси фаолият юритмоқда.

Хитой Халқ Республикаси транспорт вазири ўринбосари Вен Менюн Буюк Ипак йўлида замонавий транспорт коридорини ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлади. Маълумки, мазкур йўналишда мамлакатимизда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Давлатларимиз ўртасида энг қисқа темир йўл тармоғини барпо этиш ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг долзарб стратегик йўналишларидандир. Бу Марказий Осиё, ундан кейин Жанубий Осиё мамлакатларига чиқишни таъминлайди. Мазкур йўналиш "Ангрен - Поп" темир йўли қурилиши лойиҳасини ўз ичига олган. "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси ва Хитойнинг "China Railway Tunnel Group Ltd"



компанияси ўртасида довондан туннель орқали ўтадиган "Ангрен - Поп" темир йўлини қуриш бўйича умумий қиймати 455 миллион долларлик шартнома имзоланди ва хитойлик ҳамкорлар иштирокида 2013 йилнинг июнь ойида ушбу йўл қурилиши бошланди.

Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси Ўзбекистондаги истиқболли углеводород конларини ўрганиш ва уларни ўзлаштириш билан шуғулланмоқда, - деди корпорациянинг халқаро бўлими бош директори Чжен Син. - Бундан ташқари, табиий газни чуқур қайта ишлаш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Буюк Ипак йўлининг ёқилги-энергетика соҳасида Марказий Осиё - ХХР газ тармоғининг Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтиши ўзаро ишончли ва манфаатли муносабатларимизнинг ёрқин далилидир.

Хитой инвестициялари асосида барпо этилаётган қўшма корхоналарнинг аксарияти Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган, вилоятларда хитой инвестицияларини жалб этиш чора- тадбирларини ишлаб чиқиш зарур.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев янги тараққиёт ривожланиш жараёнларида ХХР раиси Си Сзинпин билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришда асосий эътибор, савдо-иқтисодий, фан-маданият соҳаларида бир қатор қўшма ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш, келажак авлод учун шарт-шароитларини яратиш мобайнида стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга қатъий эканлигини ҳар икки томон ҳам таъкидлаб келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Хитой-Ўзбекистоннинг бугунги кундаги ўзаро Товар айирбошлаш ҳажми йил сайин ўсиб бормоқда. 2019 йил якунларига кўра 6,4 миллиард доллардан ошган. Мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинган Хитой инвестициялари ва кредитлари ҳажми 8 миллиард доллардан ошди. Президентимизнинг 2017 йил май ойида ХХР га давлат ташрифи натижасида умумий қиймати 4,5 миллиард доллардан зиёд лойиҳалар амалга оширилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 25 апрелдаги ХХР раиси таклифига биноан "Бир макон, бир йўл"(изоҳ, бу йирик ғоя 2013 йил 7 сентябр куни ХХР раиси Си Сзинпиннинг Остонадаги Назарбоев университетида сўзлаган нутқида илгари сурилган) иккинчи халқаро форумида иштирок этди. Айнан бу форумда Президентимиз бу халқаро лойиҳани қўллаб-қувватлашини билдириб ўтди. Маълумки, давлатимиз транзит-логистика соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Денгизга чиқиш имкониятларини йўқлиги сабабли, темир йўл линияларини қўшни давлатлар орқали ўтказиш ва халқаро муносабатларда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, Хитой Халқ Республикаси томонидан илгари сурилган денгиз ва қуруқликдаги Янги ипак йўли концепцияси бу борада муҳим янгиликлардан бири бўлди. Мазкур йўл Марказий Осиё минтақаси, унга қўшни бўлган давлатлар ва Евроосиё интеграциясини замонавий халқаро муносабатлар тизимига олиб киришни мақсад қилиб қўйди.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш жоизки, Ўзбекистон ташқи сиёсатида Осиё мамлакатлари орасида Хитой билан икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. Ўзаро манфаатларга асосланган алоқаларнинг тарихий илдизлари замонавий босқичдаги ҳамкорлик тараққиётига самарали таъсир кўрсатмоқда. Давлат раҳбарларининг бир қатор расмий учрашувлари, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги илм-фан ва туризм соҳаларига бағишланган Халқаро конференциялар, Халқаро илмий анжуманлар, ярмаркалар кўп қиррали алоқаларни юксалтиришга хизмат қилмоқда.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ходжаев А. Китайский фактор в Центральной Азии. - Т,Фан, 2004. -257 с
2. "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Харакатлар стратегияси" 07.02.2017, 4947-сонли Фармони
3. Сабитов Ш.А. Внешняя политика Китая в годы реформ (1978-1998 гг.) и перспективы сотрудничества с Республикой Узбекистан. Автореф. дис... канд. полит. наук. Т, 2004
4. Ўзбекистон Республикаси ТИАИСВ ЖА. Ўзбекистон Хитой алоқалари тўғрисидаги ахборот-маълумотнома тусидаги материаллар. 18 - варақ.
5. <http://m.mfa.uz/uz/press/news/2019/04/18758/>



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ЯНГИЧА ПРАЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР

Юсупов Камолиддин Маматқулович

УзМУ мустақил тадқиқотчи,

Телефон: 90 329 780 2

kamol2079@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада давлат ва жамият ҳаётини демократлаштиришда, глобаллашув шароитида миллий парламентимиз Олий Мажлис палаталарида тўпланган тажрибалар, шунингдек Янги Ўзбекистонни барпо этишда ҳар иккала палата фаолиятида рўй берган муҳим янгилик ва ўзгаришлар хусусида мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: Парламентаризм, демократия, парламент назорати, парламент сўрови, праламент эшитуви, парламент сўрови, денонсация, ратификация.

Сўнги уч йилликда мамлакатимиз тарихида улкан ишлар амалга оширилмоқдаки, бу ислохотларнинг ҳаётбахшлигини чуқур идрок этиш, айниқса, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ички ва ташқи сиёсатимизни мустаҳкамлашда Ўзбекистон парламенти фаолиятида сезиларли ўзгариш ва янгиликлар рўй берди. Мамлакатимиз раҳбари Ш. М. Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарига йўллаган Мурожаатномасида "Парламент чинаккам маънода халқ уйига айланиши даркор" деб таъкидлагани бежиз эмас албатта. Мамлакатимиз ижтимоий сиёсий ҳаётида 2005 йилдан ўз ишини бошлаган икки палатали парламентимиз жудуа катта тарихий йўлни босиб ўтди. Таъкидлаш ўринлики миллий парламентимизга нафақат қонунларни қабул қилиш ваколати, балки, қонунларнинг ижросини назорат қилиш ваколати ҳам берилган бўлиб, мазкур ваколат алоҳида равишда "Парламент назорати тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ҳам мустаҳкамлаб қўйилди. Дарҳақиқат, парламентнинг янгича кўринишдаги фаолиятини 2017 йилда мамлакатимизда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб элон қилиниши муносабати билан, шунингдек, "Халқ давлат идоралига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши лозим деган амалий тамойилнинг ҳалқимиз онгу тафаккурида чуқур намоён бўлиши билан баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда 2017 йилда мутлақо Ўзбекистон амалиётида мавжуд бўлмаган ҳодиса ва муҳим воқелик сифатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ва депутатларининг жойлардаги аҳолини ташвишга солиб қийнаб келаётган ўткир муаммо ва дарду ташвишларини ўрганиш ва уларни жойида ҳал қилиш бўйича ҳар ойда қатъий режа график асосида вилоятлар ва шаҳарлар туманларида ижро этувчи хокимият идоралалари раҳбарлари, шунингдек тегишли сессиялар ишларида иштирок этиб улар фаолиятига баҳо бериш амалиёти йўлга қўйилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатига қўшимча ваколат сифатида Жиноятчиликнинг олдини олиш, жиноятчиликни жоловлашга қаратилган Республика ишини мувофиқлаштириш Комиссиясига маъсуллик вазифаси топширилди. Шу ўринда яна таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда 2019 йил "Инновацион гоёлар, фаол инвестициялар ва тадбиркорлик" йили деб эълон қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида янги лавозим Сенат раисининг инвестиция масаллари бўйича биринчи ўринбосари лавозими жорий этилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракция ва қўмиталр ишини мувофиқлаштириб туриш, парламентнинг Европа, Осиё ва бошқа давлатлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, алоқа ва тажрибаларини оммалаштириш



мақсадида Қонунчилик палатасининг биринчи ўринбосари лавозими жорий этилди. Бугунги кунда илдам ва собит қадам билан ривожланаётган ҳар қандай давлатни шу жумладан Ўзбекистон ривожланишини инвестицияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Миллий парламентимиз амалиётида 2020 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси президенти Ш. М. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси олий Мажлиси палаталарига йўллаган учинчи Мурожаатномасида вазирлар ва давлат қўмита раислари лавозимиغا Олий Мажлис Қонунчилик палатаси йиғилишларида кўриб чиқилиб, тегишли тартибда қонунчилик палатаси депутатларининг розилиги асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланиши белгилаб қўйилди. Эндиликдаги тартибга кўра бирон бир вазир номзоди Олий мажлис қонунчилик палатаси томонидан рад этилса, лавозимга тайинланмаслиги принципи жорий этилди. Мазкур янгилик эса, парламентнинг мамлакат ҳаётидаги ўрни ва нуфузини салмоқли даражада оширишга хизмат қилади. Шунингдек, мамлакат президентининг ҳар йили Олий мажлис палаталарига йўллайдиган мурожаатномаси парламентнинг том маънода фуқаролик жамиятининг ишончли институтига айланишига хизмат қилмоқда. 2015-2016 йиллар парламент палаталарининг назорат фаолиятини чуқур ўрганиш ва таҳлиллар шуни кўрсатдики, ўтказилган назорат таҳлил фаолияти ретроспектив характерга эгаллиги, палаталар томонидан қабул қилинган аксарият қарорлар тавсиявий кўринишга эга бўлганлиги билан изоҳланади. Палаталар томонидан йўлланган сўров институтига давлат ҳокимияти мансабдор шахслари аксар ҳолларда белгиланган муддатда ҳамда биринчи раҳбар томонидан эмас, балки ўринбосарлари ва бошқарма бошлиқлари томонидан жавоб берилиши ҳолатлари кўзга яққол ташланди. Ўз навбатида жисмоний ва юридик шахсларнинг депутат ва сенаторларга йўллаган ариза ва шикоятлари йиллар давомида кабинетда қалашиб, тўпланиб қатъий назоратга олинмай, жойига чиқиб, етарлича ўрганилмаганлиги натижасида халқнинг депутат ва сенаторларга бўлган ишончи сусайишига олиб келди. Депутатлар ва сенаторларнинг ҳалқ олдидаги ҳисобдорлигидан келиб чиқиб, депутат ва сенаторлар ўз сайловчилари олдида ҳисобот бериш номигагина ўтказилганлиги ҳам Парламентнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва роли кучсизланишига олиб келди. Маълумки, ҳар бир депутат ва сенаторга ваколат ва ишонч ҳалқ томонидан берилади. Чунки, депутат ва сенатор айнан ҳалқ томонидан сайланади ва ҳалқдан куч олади. Қонунларга ҳам ҳалқнинг ҳоҳиш ва истакларини замонга мос руҳда сингдириш унинг муқаддас бурчи бўлиб ҳисобланади. Яъни, қонунлар халқнинг руҳиятига, манфаатларига мос тушмас экан, ундай қонунлар қоғозларда қолиб кетаверади.

Маълумки жамият ҳаётида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ривожланиш ва тараққиётга коррупция катта таъсир кўрсатади. Шу мақсадда бу балога муросасиз курашиш, коррупциянинг ҳар қандай кўринишига чек қўйиш мақсадида илгариги амалиётда мавжуд бўлмаган мутлақо янги тузилма бўлган прапарламентнинг ҳар иккала паласида коррупцияга қарши курашиш қўмитаси ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатида янгича маъно ва мазмун касб этадиган давлат бюджети лойиҳасини ишлаб чиқишда иштирок этадиган, бюджет маблағларидан самарали ва оқилона фойдаланишни назорат қиладаиган ёрдамчи орган- бюджет бошқармасининг ташкил қилиниши ҳам Сенатнинг иқтисодий соҳадаги родини оширишга хизмат қилади. Мазкур ёрдамчи тузилма фаолиятдан АҚШда кенг фойдаланилади.

Мамлакатимизда 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича қабул қилинган "Ҳаракатлар



стратегияси" миллий пралметмиз фаолиятида янги босқични бошлаб берди. Тан олишимиз керакки, Қонунчилик палатасига киритиладиган қонунларнинг 10-12 фоизи қонунчилик палатасининг қонунчилик ташаббус ҳуқуқига тўғри келар эди. Қонунларнинг 40 фоиздан ортиғи Вазирлар маҳкамаси, вазирлик ва кўмиталар томонидан қонунчилик ташаббус субъекти сифатида Қонунчилик палатасига киритилиб келинди. Бу эса қабул қилинаётган қонунларда биринчи ўринда жамият ва халқ манфаатини эмас, балки қонунни киритаётган Айнан ҳаракатлар стратегиясида йиллар кесимида Қонунчилик палатаси томонидан йиллар кесимида қонунларни ишлаб чиқиш, тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш амалиёти мустаҳкамлаб қўйилди. Жумладан "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида" ги, "Инвестициялар тўғрисида" ги, "Жамоатчилик назорати тўғрисида" ги, Хотин қизларнинг гендер тенглиги тўғрисида" ги, янги Сайлов Кодексининг қабул қилиниши ҳам юртимизда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясининг Парламент фаолиятидаги маҳсулидир. Шу билан бир қаторда қонунларнинг халқчиллигини таъминлаш, қонунларда халқнинг тўла тўкис манфаатларини қарор топтириш мақсадида "Менинг фикрим" портали, "Тараққиёт стратегияси" маркази ишга туширилди. Сўнгги уч йилликда қабул қилинаётган қонунларга фуқаролар эркин фикрлар билдириши, фуқароларнинг таклиф ва тавсиялари олиниши натижасида қонуларни қабул қилиш амалиёти парламент фаолиятида яққол кўзга ташланмоқда.

Аҳоли саломатлиги асраш, атроф муҳитга онгли муносабатда бўлиш, чунончи, Орол денгизидаги экологик вазиятни барқарорлаштириш мақсадида 2019 йилги Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлган сайловларда янги сиёсий партия сифатида Ўзбекистон экологик партияси шаклантирилиб, Қонунчилик палатаси фракцияси сафидан ўрин олди.

Сайловчилар ишончини қозониш, халқ дарду ташвишлари билан яшаш ҳам депутатлик фаолиятининг олий намунаси, ибрат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда. Бунда кейинги йилларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг айрим жонкуяр депутатлари томонидан ҳукумат қарорларига ўз муносабат ва позицияларини ошкора билдиришлари ва жойлардаги раҳбарлар фаолиятини танқидий баҳолаш каби кўплаб воқеалар мисол бўлади. Масалан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Р. Кушербоевнинг ҳукуматнинг автомобилларнинг кундузи чироқ ёқиб юриши бўйича кўрсатмасига муносабати ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамага сабаб бўлиб, оқибатда мазкур ҳолат билан боғлиқ нормалар 2021 йилга қадар узайтирилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятининг демократлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида прааламент эшиклари ёшлар учун очиб қўйилишини ҳам муҳим тарихий воқеа сифатида эътироф этишимиз мумкин. Мамлакатимизда "Хотин қизларнинг гендер тенглиги тўғрисида" ги Қонунинг қабул қилиниши ва кучга кириши натижасида парламент тарихида илк марта Сенат раиси лавозимига аёл қиши раис этиб тайинланди. Малакатимизда короновирус пандемияси (Covid 19) тарқалиши ва карантин талабларига риоя қилган ҳолда прааламентимиз юқори палатаси Сенат ҳудудлардаги сенат аъзолари иштироқида масоавий онлайн ялпи мажлис ўтказди. Бу эса мамлакатимизда қанчалик мураккаб вазият ва шароитга қарамасдан парламентнинг халқ ва жамият олдида маъсуллигини унутмаганлигидан далолат беради.

Хулоса шуки, Янги Ўзбекистонни бунёд этишда, унинг оламини маҳлиё этишга қаратилган улкан демократик, қудратли мамлакатлар сафидан жой олиши биринчи навбатда прааламентга ватанпарвар, фидоий, илмли маърифатли кадрларга ҳамда янада халқчил, эркин ва либерал қонунлар яратилишига ва виждонан ижро этилишига боғлиқ бўлиб қолаверади. Зотан, Парламентнинг куч ва қудрати айнал



ҳалқчил қонунларда ўз инъикосини топади. Янги Ўзбекистон аслида Янги қонунлар, Янгича парламент ҳам демакдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Тошкент., "Ўзбекистон", 2017 йил.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномаси.2020 йил, 24 январь, Норма. Уз. Ахборот ҳуқуқий портали.

3. Коврякова Е.В. Парламентский контроль: Зарубежный опыт и Российская практика. М.: "Городец", 2004, 33-34 б.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005- 2016 йиллардаги архив ҳужжатлари.



"Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигини ташкил этилиши ўз-ўзини бошқаришдаги муҳим қадам"

Фарғона Политехника институти

Рахимов Илхомжон Азимжонович

Ўзбекистон тарихи кафедраси ассистенти

Email: ilkhomzhongr@inbox.ru

Telefon: +998939772211

Нишонбоев Маратжон Ёдгорович

Ўзбекистон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси

Telefon: +998911056941

Аннотация.

Ушбу мақолада ўз-ўзини бошқариш органларининг фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ўрни ва янги Ўзбекистонда маҳалла институтини модернизация қилиш масалалари шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармонинг мазмун-моҳиятига тўхталиб ўтилади.

Kalit soʻzlar: Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Харакатлар стратегияси, Ўз-ўзини бошқариш, Маҳалла фонди, Фуқаролар йиғини, Маҳалла институти, "Маҳалла ифтихори" кўкрак нишони.

Миллий мустақиллик даврида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш ислоҳотлари жараёнлари шуни кўрсатдики, эски тоталитар тузумдан демократик жамиятга ўтиш тадрижий характерга эга бўлиб, бу жараёнларда муаммоларни бартараф этиш фуқароларнинг бошқарув ва сиёсий қарорлар қабул қилишдаги кенг ва фаол иштирокини талаб этади. [1.М.Қирғизбоев 2010 йил.193 бет.]

Ўзбекистонда кучли жамиятга ўтиш даврида ўзини-ўзи бошқариш органларини замонавийлаштириш ва эркинлаштиришга қаратилган ислоҳотлар жараёнлари натижасида миллий анъаналар ва халқаро тажрибаларни уйғунлаштиришга асосланган фуқаролик жамияти қуришга доир ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бормоқда. [1.М.Қирғизбоев 2010 йил.194 бет.] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017-йил 3- февралдаги ПФ-4944-сонли "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисидаги" ги фармонида ушбу тузилманинг ҳуқуқий асоси, маҳаллани аҳолига энг яқин ва халқчан тузилмага айлантириш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш билан боғлиқ устувор вазифалар белгиланди. Маҳалла институтларини такомиллаштириш унинг хар қандай тузилмаларини Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши харакатлар стратегиясига уйғун холда узоққа мўлжалланган концепцияларини ишлаб чиқишни бугунги кундаги муҳим ўзгаришлар талаб қилмоқда.

Мустақиллик йилларида 10 мингга яқин маҳалла, қишлоқ, овул ва шаҳарча фуқаролар йиғинлари ўз-ўзини бошқариш органлари ташкил этилиб, шундан 8142 тасини маҳалла фуқаролар йиғинлари ташкил этади. [1.М.Қирғизбоев 2010 йил.195 бет.] Бундан кўриниб турибдики маҳалла фуқаролар йиғинларини изчиллиги ва самарадорлигини ошириш масалалари мустақиллик йилларидан бошланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтамиз.

Бизга яхши маълумки, фуқаролик жамиятини барпо этиш оддийликдан мураккаблик томон яъни, босқичма-босқич ривожланиш қонуниятларига таянади



бу эса кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда ўз-ўзини бошқариш органларини такомиллаштиришни шунингдек, уларнинг ваколатларини кенгайтиришни нафақат бугунги ислохотлар балки, "янги Ўзбекистон"нинг ўзи талаб қилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг маҳалла институтларини шакллантиришда "Маҳалла халқ билан давлат ўртасидаги кўприк бўлиши керак. Одамларнинг қувончу ташвишидан доимо хабардор бўлиш маҳалланинг асосий вазифасидир", - деб қайд этган фикрлари маҳалла институтлари фуқаролик жамиятини барпо этишда нечоғлик муҳим эканлигини яна бир бор исботлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни самарали ҳал қилишдаги ролини ошириш, фуқаролар йиғинларининг муштарак манфаатларини ифода этадиган уюшмага бирлашиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни белгилаб берди. Ушбу ҳужжатда маҳалла институтини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари, бир қатор янги қонун-қоидалар жорий этилиши кўрсатиб ўтилди. Бундан асосий эътибор фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини ягона шаффоф қулай тизим асосида мувофиқлаштириш, шунингдек маҳаллаларнинг давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга қаратилди. Фармоннинг энг муҳим жиҳати маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашини фуқаролар йиғинларининг уюшмасига айлантириш, унга юридик шахс мақомини бериш ва доимий асосда ишлайдиган ижро тузилмасини ташкил этиш назарда тутилган. Юртимизда азал-азалдан маҳалла тарбия ўчоғи ҳисобланади. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий қадриятларимиз, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзини кўз қорачиғидек асраб-авайлашда унинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Жамият вақт ўтган сари томмаънодаги фуқаролик жамиятига ўтиш йўлида аввлги фармон ёки қарорлар янги ислохотлар билан қадамма-қадам юриши керак, бу эса қонун ҳужжатларини янгилашни талаб этади, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан маҳалла институтини фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида асосий таянчимиз эканлигини алоҳида эътироф этган ҳолда ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолияти масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. "Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши" М.Қирғизбоев Тошкент "Ўзбекистон" нашриёти 2010 йил
2. "Ўзбекистон тарихи" универсал қўлланма Тошкент. Академнашр 2013-йил. Д.Ўроқов, А.Шаропов.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабоп қўлланма. Тошкент маънавият 2019- йил.



ТАРИХ САХИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР. БУЮК БОБОМИЗНИНГ - БУЮК ФАЗИЛАТИ

Холисова Обида Рахимовна

Наманган вилояти Норин тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 40-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси

Телефон: +998975931969

quyosh0817@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада, Амир Темур билан суҳбатлашган араб файласуфи Ибн Халдун Жаҳонгир фикрлари, илм-маърифат ҳомийси, унинг саройида ижод қилган алломалар ва буюк инсон даражасига кўтарилиши учун қилган ишлари ва аёлининг ҳам ҳиссалари ҳақида фикрлар, маълумотлар берилган .

Калит сўзлар: Ибн Халдун, Амир Темур саройи алломалари, Сароймулкхоним, Темурийлар давлат музейи, Ўзбекистоннинг Биринчи президенти Ислоҳ Каримовнинг Темур ҳақида фикрлари.

Амир Темур ибн Амир Тарағай 1336 йил 9 апрелда Кеш (Шаҳрисабз) вилоятининг Хўжа Илғор қишлоғида дунёга келган. Унинг отаси Амир Муҳаммад Тарағай барлос улусига мансуб беклардан, баҳодир жангчи, уламою фузалога ихлосманд, илм аҳлига ҳомий ва иштиёқманд киши бўлган.

Амир Темурнинг ёшлиги ҳақида маълумотлар кам учраса-да, айрим манбаларга қараганда, у жуда ёшлигидаёқ хат-савод чиқариб, ўз даврининг тиббиёт, риёзиёт, фалакиёт, меъморчилик ва тарих илмларини ўрганган.

Амир Темур билан суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлган буюк араб файласуфи Ибн Халдун Жаҳонгир турк, араб, форс халқлари тарихини, диний, дунёвий ва фалсафий билимларнинг мураккаб жиҳатларигача яхши ўзлаштирганини таъкидлайди.

Амир Темур илм-фан, маънавият аҳлига эътибор, меҳрибонлик кўрсатиб, улардан жамият маданий ҳаётида фойдаланишга интилар экан, тарихчи Ибн Арабшоҳ ёзганидек: "Темур олимларга меҳрибон, саййиду шарифларни ўзига яқин тутар эди. Уламо ва фузалога тўла иззат-ҳурмат кўрсатиб, уларни ҳар қандай одамдан тамом муқаддам кўрарди. Уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, иззату икромини унга изҳор қиларди".

Амир Темур саройида кўплаб илм-маърифат алломалари Мавлоно Абдуҷаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсуддин Мунши, Мавлоно Абдулло Лисон, Мавлоно Бадриддин Аҳмад, Мавлоно Нуъмониддин Хоразмий, Хожа Афзал, Мавлоно Алоуддин Коший, Жалол Хокийлар Соҳибқироннинг марҳаматидан баҳраманд бўлиб, унинг хизматида бўлдилар. Амир Темур илм-фаннинг риёзиёт, ҳандаса, меъморчилик, фалакиёт, адабиёт, тарих, мусиқа каби соҳалари равнақига катта эътибор бериб, соҳиб ҳунарлар билан қилган суҳбатлари ҳақида француз олими Лянглэ шундай ёзади: "Темур олимларга серилтифот эди. Билимдонлиги билан бир қаторда софдиллигини кўрган кишиларга ишонч билдирарди. У тарихчилар, файласуфлар, шунингдек, илм-фан, идора ва бошқа ишларда истеъдодли бўлган барча кишилар билан суҳбатлашиш учун кўпинча тахтдан тушиб, уларнинг ёнига келарди. Чунки Темур бу соҳаларга ғамхўрлик килишга асосий эътиборини берарди".

Амир Темурнинг буюклигида унинг ёнида доимо ҳам фикр ва дўст бўла олган Сароймулкхонимнинг ҳам ҳиссаси катта эканлигини шу давр тарихчилари асарларини ўрганишимиз жараёнида англашимиз мумкин. Асарларнинг бирида,



Ҳиндистонни эгаллагач Темур, саройда фитналар, висир-висир гаплар кўпайиб, машваратдан кейин ҳам улар тўхтамаётганидан юраги хижил бўлади. Шунда маслаҳат сўраб Самарқандга Бибиҳоним (саройнинг катта хоними)га чопар орқали нома юборади. Хоним номани ўқиб бўлгач, навкарлари билан чопарни боққа олиб чиқишини ва у ерда эскириб қолган дарахтларни кесиб, янгиларини ўтказишни буюради. Чопарга нома эмас, балки бориб кўрганларини батафсил Темурга айтиб беришни буюради.

Амир Темур чопар сўзларини тинглаб, Аллоҳга чексиз шукроналик келтиради ва саройдаги манфатпараст қари, бойлик орттириш асосий мақсади бўлган амалдорларни бўшатиб, улар ўрнига ёш, билимли, юрт учун хизмат қиладиган ватанпарварлардан сарой амалдорлари этиб тайинлайди ва ўзини хотиржам ҳис қилади. Қайсидир бир ҳукмдор борки, унинг ортида ақли елкадош бўла оладиган бир аёл бордир.

Мустақиллик йилларида юртимизда тарихни ёзма манбалар асосида тадқиқ этишга эътибор кучайди, аждодларимиз томонидан узоқ ўтмишда яратилган маданий-маънавий меросни ўрганиш ва тарғиб қилиш долзарб масалалар қаторига кўйилди. Илм-фан, маданият ривожига улкан ҳисса қўшган аждодларимизнинг унутилган номлари қайта тикланди. Моҳир саркарда, давлат арбоби, илм-фан, маданият ҳомийси бўлган Амир Темур ана шундай тарихий шахслардан биридир. Ҳазрат Соҳибқирон марказлашган давлатга асос солди, уни ҳар томонлама мустақкамлаб, ривожлантириб, шон-шухратини бутун жаҳонга ёйди, буюк салтанатнинг ҳукмдори сифатида миллатлар ва халқларни бирлаштирди. Унинг ҳукмдорлик йилларида маданият, илм-фан, меъморчилик, тасвирий санъат, musiқа ва шеърят юксак чўққига кўтарилди. Бир сўз билан айтганда, темурийлар даври ренессансига асос солинди.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов Тошкент шаҳридаги Темурийлар тарихи давлат музейининг очилиши маросимида шундай деган эди: "Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак!"

Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият - енгилмас куч" асарида шундай дейилади "□ буюк боболаримизнинг маънавий олами хусусида фикр юритилганда, Соҳибқирон Амир Темур ҳақида алоҳида тўхталишимиз табиийдир. Чунки тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди."

Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари - миллатимизнинг суянган тоғларидан бири, халқимизнинг абадий фаҳри ва ғуруридир. Ул зот Туронзаминни мўғуллар истилоси асоратидан озод этди, мамлакат ва халқ дахлсизлигини, тинчлигини ва осойишталигини, ободлик ва фаровонликда ривожланишини тўлиқ ва ишончли кафолатлай оладиган марказлашган қудратли давлатни вужудга келтирди, унинг амру иродаси остида бу ерда ҳаёт ҳар тарафлама гуллаб-яшнади. Туронзамин Амир Темур даврида Буюк Ипак йўлининг қайноқ, гавжум, файзли-баракали гўшалардан бирига айланди.

Амир Темур ва темурийлар даврида яшаган муаррихлар Шарафиддин Али Яздий, Низомиддин Шомий, Мирхонд, Ибн Арабшоҳ, Муиниддин Натаний ва бошқа қатор муаллифларнинг аксарияти ўша даврда яшаганликлари учун бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисаларни унинг бевосита ҳамда билвосита шоҳидлари сифатида



жонли ва ишончли тарзда баён қилинган.

Биз ёш авлодни Темур бобомиз билан фахрланиб яшаш туйғуси асосида тарбиялар эканмиз, бу буюк зотнинг жангу жадаллар, душманларга қарши олиб борилган курашлар ва салтанат ишларидан ортиб, илм-фан ва маърифатга бўлган қизиқиши ва беқийс эътиборини буюк бобомизнинг энг буюк фазилати сифатида ёшлар онгига сингдириб боришимиз лозим.

Фойдаланилган адабиётлар ва мабалар рўйхати

1. Каримов И.А. "Юксак маънавият - енгилмас куч". Т.; "Маънавият", 2008.
2. Кобул Н. "Султоннинг сўнгги кунни ёхуд Амир Соhibқирон ва Тўхтамишхон" .-Т.: "Камалак" нашриёти. 2016.
3. www.ziyonet.uz



ХУДУДЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Амонов Шохрух Курбонович
Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат бошқаруви
академияси тингловчиси
Телефон: +998993511284
e-mail: peshkuagroinvest@mail.ru

Аннотация

Мақолада ҳудудларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини инновацион ривожлантиришда хорижий инвестицияларни жалб этиш муҳитини янада яхшилаш масалалари ўрганилган.

В статье изучены вопросы улучшения инвестиционного климата в инновационной повышении производственного потенциала регионов.

Калит сўзлар: ишлаб чиқариш салоҳияти, инвестиция муҳити, ишлаб чиқаришни инновациялар асосида ривожлантириш.

Ҳозирги мамлакатларнинг бир-бирига бўлган қарамлигини янада ошиб бориши, бозор конъюктурасининг тез ўзгариб, рақобатни кескинлашуви шароитида ҳар бир мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг самарадорлиги мамлакат ҳудудларининг ишлаб чиқариш салоҳиятини, хорижий инвестицияларни кенг жалб этган ҳолда, корхоналарни инновацион фаолиятини янада жадаллаштиришга боғлиқдир.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари"дан бири иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришда мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни мустақамлаш ҳамда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини ошириш билан бир қаторда, ҳудудлар, туман, шаҳарларни комплекс ва мувозанатли ижтимоий-иқтисодий тараққий этиришда инновациялардан кенг фойдаланиш учун қулай инвестиция муҳитини шакллантириш дастуриламал вазифасини бажармоқда.

Инновацион фаолият - илм-фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда маҳсулотлар, технологияларнинг янги турларини ишлаб чиқариш ва амалда қўллашга йўналтирилган фаолиятдир. Инновацион фаолият соҳаларининг мавжудлиги ва кўламлари корхона томонидан янги технологияларни ўзлаштириш самарадорлигини қандай даражада бўлишини ҳамда унга тайёргарликни белгилайди. Инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг у ёки бу стратегиясини танлашда инновацион фаоллик ва ишлаб чиқариш корхоналарининг технологик даражасини ўзаро узвий боғлиқлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим, чунки технологик жиҳатдан қолақ иқтисодиёт инновацион фаолликни қабул қила олмайди. Шунинг учун ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида ишлаб чиқариш тармоқларининг технологик даражасини тубдан оширмай туриб миллий иқтисодиётни инновацион ривожланишини таъминлаб бўлмайди. Бунинг учун ҳудудларнинг ишлаб чиқариш корхоналарини қайта қуроллантириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йилнинг



28 декабридаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, "...Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини яратган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам, инвестиция - бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак муболаға бўлмайди.

Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади...".

Кейинги йилларда жойларда янги корхоналар ва доимий иш ўринлари ташкил этишни таъминлайдиган инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш бўйича янги тизим яратилди. Унинг муҳим сифат ўзгариши шундаки, илгари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги ҳудудий лойиҳалар деярли бўлмаган бўлса, 2019 йилда ўзлаштирилган "тўғридан-тўғри инвестициялар 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 37 фоизга етди...".

Шуни таъкидлаш лозимки, ўзлаштирилган тўғридан-тўғри сармояларнинг деярли ярми ҳудудлар ҳиссасига тўғри келди.

Бунинг натижасида энергетика, нефть-газ, геология, транспорт, йўл қурилиши, қишлоқ ва сув хўжалиги, ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа қатор тармоқларда чуқур таркибий ислоҳотлар бошланди. Саноатнинг 12 та етакчи тармоғида модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш дастурлари жадал амалга оширилмоқда. Натижада, ўтган йили иқтисодий ўсиш 5,6 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми - 6,6 фоизга, экспорт - 28 фоизга кўпайди. Олтин-валюта захираларимиз 2019 йил давомида 2,2 миллиард долларга ортиб, 28,6 миллиард долларга етди. Бундай кўрсаткичларга эришишда инвестициялар ва модернизация ёки ўзлаштирилган технологияларнинг ўрни каттадир.

Мамлакатимиз ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги "Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устивор чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу қарорга асосан, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир қабул қилинаётган ҳужжатлар ва дастурларнинг, айниқса, қўйи поғонада сўзсиз амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилиши белгиланди. Бу эса ҳудудларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек, муҳим давлат ва ҳудудий дастурларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишига имкон берувчи замонавий янги тизимнинг жорий этилишини таъминлайди.

Ҳудудларнинг инновацион ривожланишини бошланғич даврида инновацион фаолият субъектлари ўртасидаги алоқаларнинг яхлит тизими мавжуд бўлмаганлиги сабабли, ушбу алоқаларни йўлга қўйишда давлат ва ҳудудий ҳокимият бошқарув органларининг ўрни катта бўлди. Чунки, улар мамлакат ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш стратегиясида ҳудудларни инновацион ривожланишининг асосий йўналишларини ва уларга эришиш усуллари ҳамда босқичларини белгилайдилар. Ҳудуд даражасидаги инновацион фаолият давлат инновацион тизимини шакллантириш стратегияси институтлари томонидан тартибга солинади. Инновацион ривожлантириш стратегиясига очиқ иқтисодий ҳолат ва бозор шароитларидан келиб чиққан ҳолда ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Ҳудудларнинг инновацион фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш учун



уларнинг ўзига хос хусусиятлари, мавжуд ресурс базаси ва салоҳиятини, ижтимоий шарт-шароитларини, бозор инфратузилмасини чуқур таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга молик масаладир.

Мамлакатимизда инновацион фаолликни янада ривожлантириш учун зарур бўлган хорижий инвестицияларни жалб этишни янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида"ги 2019 йил 17 январдаги Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида экспорт кенгайтириш ташкил этилди. Унинг асосий вазифаси этиб мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни маслаҳат ва экспертлик жиҳатидан таъминлашни амалга ошириш, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётини ислоҳ қилиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг долзарб масалалари, жумладан, мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш белгиланди.

Бундан ташқари, асосий вазифалари:

- Республика иқтисодиётининг ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтириш, шунингдек, унинг рақобатбардошлигини янада оширишга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ва инновацион технологияларни жалб этиш;

- Инвестиция таклифларини баҳолаш, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- Хусусий маҳаллий ва хорижий инвесторлар билан узоқ муддатли ўзаро манфаатли шериклик муносабатларини йўлга қўйиш орқали инвестиция фаолиятини рағбатлантириш ва ривожлантириш;

- Инвестиция муҳитини яхшилашга, шунингдек, республикамизнинг инвестиция салоҳиятини ва имкониятларини хорижда кенг тарғиб қилишга кўмаклашишдан иборат бўлган капитали 1 миллиард АҚШ доллари миқдорига бўлган Ўзбекистон Республикасининг тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси ташкил этилди.

Бундан ташқари, шу Фармонга асосан, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг таъсисчилари (иштирокчилари) ва уларнинг оила аъзолари учун муддатини мамлакатдан чиқмасдан узайтириш имконияти бўлган, амал қилиш муддати уч йилдан ошмайдиган "инвестиция визаси" жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича корхоналар ташкил қилиш учун 3 миллион АҚШ долларида ортиқ миқдорда инвестиция киритган хорижий давлатлар фуқароларига, шу жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг таъсисчилари (иштирокчилари)га Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси 10 йил муддатда содалаштирилган тартибда берилади.

Мамлакатимизни жаҳон цивилизациясининг етакчилари қаторига киришида замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни қўлаган ҳолда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш борасидаги ишларни доимо юқори даражада олиб бориш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек: "... биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз...".

Иқтисодиётни юқори суръатларда ривожлантириш, ҳудудларнинг инновацион салоҳиятини ошириш мақсадида, жорий йилда ҳам фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш кўзда тутилган.



Жорий йилда 23 миллиард долларлик инвестициялар ўзлаштирилади, ҳамда 206 та янги йирик қувватлар ишга туширилади. 2020 йилда ўзлаштириладиган инвестицияларнинг салмоқли қисми тўғридан-тўғри хорижий сармоялар ва кредитлар бўлиши кўзда тутилган. Инвесторларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга солинадиган солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти, инфратузилма яратиш харажатларини қисман давлат томонидан қоплаш механизмини жорий этиш режалаштирилган. Шунингдек, фойда солиғини ҳисоблашда янги технологик ускуналар харид қилиш, янги объектларни қуриш ва модернизация қилиш харажатлари бўйича чегирмалар кенгайтирилади.

Ҳозирги кунда бутун дунё бўйлаб коронавирус инфекциясини тарқалишига қарши курашишни янада жадаллашуви даврида мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини қўллаб-қувватлашга қаратилган инвестиция сиёсатини янада такомиллаштириш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилаяпти. Хусусан, коронавирус инфекциясига қарши курашиш бўйича тиббиёт ва карантин муассасалари қурилиши учун зарур бўлган қурилиш материаллари, шунингдек, улар фаолият кўрсатиши учун зарур товарлар 2020 йилнинг 31 декабригача бўлган муддатга божхона тўловларидан озод этилади.

Хулоса ва таклифлар

Мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши уни жаҳон бозоридаги рақобатбардошлик даражасига, ҳудудларни ўзига хос хом ашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан, унинг инновацион ривожланишини белгиловчи хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш даражасига боғлиқдир.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги таклифларни билдиришни лозим топдик:

- Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқишда уларнинг хом ашё ва ишлаб чиқариш потенциалларини баҳолаш, ишлаб чиқариш корхоналарини модернизациялаш ва диверсификациялаш учун зарур бўлган инвестициялар ҳажмини аниқлашнинг тизимли ёндошувини тадбиқ этиш;
- Худудларни инновацион ривожланишини белгиловчи асосий омилларни, яъни кадрларнинг илмий салоҳиятини баҳолаш, юқори малакали ишлаб чиқариш кадрларига бўлган талабни аниқлаш бўйича илмий асосланган дастурларни яратиш;
- Турли форс-мажор ҳолатларида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини узлуксиз ишлашини таъминлаш бўйича, давлат бюджетидан ташқари, худудларнинг маҳаллий бюджетларида қўллаб-қувватлаш фондларини ташкил этиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги "Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5614 сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги "Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устивор чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5978 сон Фармони.



5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йилнинг 28 декабридаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи, 29 декабр 2018 йил, № 271-272 (7229-7230).

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Тошкент оқшоми, 25 январ 2020 йил, № 13 (14064)



ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА БЛОГЕРЛАР ҲАМКОРЛИГИ - АХБОРОТЛАШГАН ДАВР ТАЛАБИ

Базаров Фарид Уралович

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қашқадарё вилоят Кенгаши бўлим бошлиғи,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси
тингловчиси.**

Телефон: +998943333339

f.bazarov1988@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада бугунги кунда ижтимоий тармоқларда фаол бўлган блогерлар фаолияти ҳамда жамиятимиздаги муаммоларни бартараф этишда давлат идоралари ва блогерлар ҳамкорлигининг самаралари хусусида мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: "блог", блог турлари, блог функциялари, блогерлик, давлат идоралари ва блогерлар ҳамкорлиги.

XXI интернет асрида ижтимоий тармоқлар дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларнинг тезда тарқалишига, кенг аҳоли қатламининг уларга нисбатан муносабатларини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Бу борада ижтимоий тармоқларда ўз блогларини юритаётган блогерларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Чунки, блог - муҳокама учун майдондир. Унда ҳар ким бирор мавзу юзасидан ўзининг позициясини эркин билдириши мумкин. Бу жараёнда блоглар - одамларнинг онги ва кайфиятига таъсир этувчи восита ҳисобланади.

Бугунги ахборотлашган замонда матбуот билан бир қаторда ижтимоий тармоқлар ҳам давлат идоралари фаолиятини акс эттирувчи кўзгу сифатида намоён бўлмоқда. Бу борада ижтимоий тармоқларда фаол бўлган бўлган блогерларнинг ҳиссаси катта. Хўш, блог ўзи нима? Блогер ким? Уларнинг жамиятга таъсири қандай? Давлат идоралари билан ҳамкорлиги нималарда намоён бўлади?

Баъзиларнинг назарида блогер - фақат танқид қилиб, ҳаммага ақл ўргатиб ўтирадиган одам. Аслида эса улар ҳеч ким кутмаган мавзунини кўтариб чиқиб, барчанинг эътиборини унга қарата олади.

Блогер - бу блог юритувчи шахс. У юритаётган блогини қайсидир маънода кичик газетага ўхшатиш мумкин. Фақат унинг штатида биргина мухбир - блогер бор. Унда блогер бир вақтнинг ўзида ҳам муаллиф, ҳам муҳаррир, ҳам саҳифаловчи. У SMM, SEO, дизайнер, дастурчи, фото ва видеолар монтажчиси вазифасини ҳам бажариши мумкин.

Блогер ҳақида батафсил тўхталишдан олдин блогнинг ўзи нималиги ҳақида фикр юритсак.

Блог - инглиз тилидаги "web log" сўзларидан ясалган бўлиб, интернет-журнал, ҳодиса, интернет-кундалик, онлайн-кундалик деган маъноларни англатади. Аввалига блог шахсий онлайн кундалик сифатида қабул қилинган. Одамлар ўз фикрлари, бирор воқеа ёки ҳодисага нисбатан муносабатини бошқалар билан мунтазам бўлишиб борган. У матн, расм ёки мултимедиа кўринишларида бўлиб, блогда мунтазам ёзиб борилади. Бугунга келиб блог тушунчаси анча кенгайди, матн, тасвир ёки мултимедиани ўз ичига олган, мунтазам ёзувлар қўшиб бориладиган веб-сайт назарда тутилади.

"Veblog" атамаси 1997-йил 17-декабрда Жон Баргер томонидан ўйлаб топилган. Айнан, "blog" сўзини эса 1999-йилда Партер Мерҳолз ўзининг peterme.com блогига ҳазилона тарзда ёзган ва бу оммалашиб кетди. Pyra Labs компанияси ходими Иван Уилямс биринчи марта "blog" (to blog - "блогни таҳрир қилмоқ" ёки "блогга янги



ёзув кўшмоқ") атамасини ҳам от, ҳам феъл сўз туркуми сифатида ишлата бошлаган. Бу эса кейинчалик "blogger" атамасининг келиб чиқишига сабаб бўлди.(1)

Блогларнинг ўзига хос жиҳати - бу уларнинг қисқа ва лўндалиги ҳамда тескари хронологик тартибда жойлашиши, яъни охириги ёзилган мақоланинг (пост, блогпост) энг тепада туришидир. Блоглар муаллифнинг иштирокига кўра, маълумотлар шаклига кўра, мақолалар соҳасига кўра, мултимедиа кўринишига кўра турларга ажратилиши мумкин. Муаллиф иштирокига кўра шахсий, жамоавий ёки ижтимоий ва коорпаратив турларга, маълумотлар шаклига кўра ахборот, таҳлилий турларга, мақолалар соҳасига кўра сиёсий, бизнес, маиший, саёҳат, таълим, саломатлик, санъат, кино, мусиқа, мода, спорт турларига, мултимедиа кўринишига кўра матнли блог, фото блог, артблог (Rais buva каби блог муаллифи чизган расмлардан иборат), подкаст ва блог кастинг, видео блог, микроблог, мусиқавий блог каби турларга ажратиш мумкин. Демак, блогда ҳар қандай кўринишдаги материал, файл ва маълумотларни жойлаштириш мумкин. Бу блогер танлаган йўналишга боғлиқ, истаса ҳамма турларини қориштириб юбориши ҳам мумкин. Чунки блог учун ҳеч қандай қатъий қоида, шаблон ёки мезонлар йўқ.

Блоглар муаллифнинг ва фойдаланувчиларнинг иштироки, фойдаланиш мақсадларидан келиб чиқиб, бир қатор функцияларни бажаради:

- коммуникативлик;
- ўз-ўзини тақдим этиш;
- кўнгилочарлилик;
- ижтимоий алоқаларни ўрнатиш ва ушлаб туриш;
- мемуар;
- ўзини-ўзи ривожлантириш;
- психотерапевтик;
- товар ва хизматларни тарғиб қилиш
- жамоатчилик фикрига таъсир этиш каби функцияларни бажаради.

Биз блогерлар фаолиятини жамоатчилик фикрига таъсир этиш нуқтаи назаридан ўрганамиз, бугунги кундаги аҳамиятини амалий мисоллар билан кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз. Ўзбекистонда ҳам блогерлик фаолияти сўнгги 3-4 йилда жадал ривожланди. Айниқса, мамлакат раҳбарининг бу соҳага эътибор қаратиши - блогерлар фаолиятини янги босқичга олиб чиқди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил

22 ноябрь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида раҳбарларнинг оммавий ахборот воситалари билан муносабатлари ҳақида тўхталиб, бугун жамият ҳаётининг барча жабҳаларида очиқлик ва шаффофлик таъминланаётганлигини, замон тез ривожланаётганлигини, халқимизнинг дунёқараши ўзгараётганлигини таъкидлади. Президентимиз бу борада айниқса, оммавий ахборот воситалари катта роль ўйнаётгани, улар ҳаётини муҳим масалаларга эътиборни қаратиб, муаммоларни ҳал этишда кўмаклашаётганига алоҳида аҳамият бериб, шундай деди: "Ўзингиз гувоҳ бўлиб турибсиз, деярли ҳар куни ижтимоий тармоқларда қайсидир раҳбарнинг фаолияти билан боғлиқ шов-шувли хабар тарқалапти. Уларда берилаётган танқидий материалларга ўз вақтида холис, асосли муносабат билдирилмаётгани оқибатида одамлар орасида ҳар хил фикрлар, баҳс-мунозаралар юзага келмоқда. Энг ачинарлиси, баъзи раҳбарлар жамоатчилик ўртасида турли зиддиятларга сабаб бўлиши мумкин бўлган бундай ҳолатларнинг олдини олиш ўрнига, кибру ҳавога берилиш, ўзига бино қўйиш билан масалани янада чигаллаштирмоқда".(2)

Матбуот давлат идоралари фаолиятини акс эттирувчи кўзгудир. Бу борада ижтимоий тармоқларда фаол бўлган бўлган блогерларнинг ҳиссаси каттадир. Хўш,



блог ўзи нима? Блогер ким? Уларнинг жамиятга таъсири қандай? Давлат идоралари билан ҳамкорлиги нималарда намоён бўлади?

Блогларнинг ўзига хос жиҳати - бу уларнинг қисқалиги ва тескари хронологик тартибда жойлашиши, яъни охиригى ёзилган мақола (пост, блогпост) энг тепада туришидир. Блоглар муаллифнинг ва фойдаланувчиларнинг иштироки, фойдаланиш мақсадларидан келиб чиқиб коммуникативлик, ўз-ўзини тақдим этиш, кўнгилочарлилик, ижтимоий алоқаларни ўрнатиш ва ушлаб туриш, мемуар, ўзини-ўзи ривожлантириш, психотерапевтик, товар ва хизматларни тарғиб қилиш каби функцияларни бажаради. Блоглар мақолалар мазмунига кўра сиёсий, маиший, саёҳат, таълим, саломатлик, санъат, кино, мусиқа, мода, спорт каби турларга ажратиш мумкин.

Блогерлар жамоатчилик фикрини шакллантиришга ўрни катта бўлмоқда. Чунки, блог - муҳокама учун майдондир. Унда ҳар ким бирор мавзу юзасидан ўзининг позициясини эркин билдириши мумкин. Бу жараёнда блоглар - одамларнинг онги ва кайфиятига таъсир этувчи восита ҳисобланади. Шу сабабли, кўпгина сиёсатчилар аҳолининг сиёсий жараёнларга муносабатини шакллантириш ва муносабатларини аниқлашда блогерлик фаолияти ва ижтимоий тармоқлардан фаол фойдаланмоқдалар. "Сиёсий блоглар туфайли халқаро сиёсат янада глобаллашди, яъни бир мамлакат ичидаги воқеалар бутун жаҳон эътиборини тортадиган даражага етди ва интернетлашди. Бунинг ижобий томони мазкур блоглар туфайли инсонлар кўпроқ ахборотга эга бўлади ва қизиқиши ортади. Салбий томони эса "виртуалга кетиш" ҳукуматга таъсир этишнинг анъанавий усуллариининг жозибдорлигини камайтиради, масалан, протест намойиши", (3) - деб ёзади журналист Алан Волф "New York Times" газетасида чоп этилган сиёсий блоглар ҳақидаги мақоласида.

Сўнги йилларда ҳукумат вакиллари ҳам амалга ошираётган ишлари тўғрисида аҳолига тезроқ хабарлар етказиш ва бу орқали халқ олдида ишончни мустаҳкамлаш, олиб борилаётган ислоҳотлардан қониқиш туйғуларини ошириш мақсадларида блогерлар билан ҳамкорлик ўрнатмоқдалар. Масалан, Россия ҳукумати "LiveJournal" блог юритиш тизимидаги салоҳиятли блогерлардан ўз фаолиятини ёритиш мақсадида фойдаланади. 2010-йилда Россия Федерацияси президенти Дмитрий Медведевнинг давлат ташрифлари ва тадбирларини "LiveJournal"да "другой" тахаллуси остида фаолият юритувчи блогер Рустем Адагамов бир неча марта ёритиб борди. (4) 2011-йилда эса Россия Федерацияси ҳукумат раиси Владимир Путиннинг ташрифларига "Zyalt" тахаллусли блоггер Иля Варламов қатнашган. (5)

Ўзбекистонда ҳам кўплаб блоглар олиб борилаётган ислоҳот жараёнлари қай тарзда кетаётганлигини ёритиб боради. Шундай блоглардан бири "Бир оз юмор, бир оз мулоҳаза, бир оз танқид, бир оз таҳлил!" шиори билан фаолият юритиб келаётган Fayzboq.uz сайти мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, ҳукумат вакиллариининг фикрларини танқидий-таҳлилий ёритиб боради. Сўнги кунларда биргина Тошкент шаҳар ҳокимининг журналистларга қилган муомаласига муносабат билдириб сайтда "Тўғри сўз солиғи", "Буёғига энди мана шундай раҳбарлар қўл остида яшаймиз, чидайсизлар□" номли постлар эълон қилинган.

Мамлакатимизда бугунги кунда оммавий ахборот воситаларига, айниқса, ижтимоий тармоқларда фаол бўлган блогерларга алоҳида аҳамият берилиб, улар фаолиятининг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Хусусан, 2019 йил август ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори ўринбосари Саида Мирзиёева ўзининг Инстаграм саҳифасида журналистларнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик ҳамда блогерларга



журналистлар каби ҳуқуқлар бериш масаласи кўриб чиқиляётгани ҳақида пост жойлади. Поста Агентлик томонидан мамлакатимиз ОАВ ва блогерларини қўшимча қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ нормалар ишлаб чиқиляётгани, жумладан, қонун ҳужжатларига журналистнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш, унинг сўрови асосида ахборотни (ҳужжатларни) тақдим этмаслик, ўз вақтида тақдим этмаслик ёхуд била туриб ёлгон ёки нотўғри ахборот тақдим этишда ифодаланган тарзда тўсқинлик қилиш, шунингдек, журналистга босим ўтказиш, унинг журналистлик фаолиятига аралашганлик учун жавобгарлик киритиш, блогерларга журналистлар каби ҳуқуқлар беришни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масаласи кўриб чиқиляётганлигини маълум қилинган.

Давлат органлари билан блогерларнинг ҳамкорлик қилиши, ҳукумат вакиллари илғамай қолган муаммоларни тезроқ аниқлашга, уларни барвақт бартараф этилишига кўмак бўлади. Бу эса халқнинг давлат органларига ишончини оширади. Блогерлар томонидан кўтариб чиқилган Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги Ёнқишлоқ МФЙ ҳудудидаги Ғузор дарёси устига қурилган кўприкнинг яроқсиз ҳолатга келганлиги тўғрисида пост туман ҳокимлиги эътиборини тортди ва тезда кўприк таъмирланиб, аҳоли учун қулай шарт-шароит яратилди.

Ривожланишнинг янги босқичига жадал қадам ташляётган Ўзбекистонимизда оммавий ахборот воситаларининг, блогерларнинг жамоатчилик назортини олиб боришида қулай шарт-шароитлар яратиб бериляётгани ўзининг натижасини бермоқда. Муҳтарам Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллик байрам тадбиридаги нутқида бу масалага алоҳида тўхталиб, "Маълумки, бугунги кунда анъанавий ахборот воситалари билан бирга интернет, ижтимоий тармоқлар, блогерлар жамоатчилик фикрини шакллантиришда катта роль ўйнамоқда"(6), деди. Шунингдек, Президентимиз оммавий ахборот воситалари ва блогерларга кўп-кўп нарсалар тўғрисида очиқ айтаётгани учун миннатдорчилик билдириб, улар одамларимизга ҳақиқий муаммоларни қанча кўп етказса, раҳбар сифатида улардан миннатдор бўлишини таъкидлаб ўтди.

Ижтимоий тармоқларда билдириляётган фикрлар халқнинг давлатга, Президентга, ҳукуматга бўлган муносабатни шакллантиришга хизмат қилишини англаган ҳолда, оммавий ахборот воситаларининг замонавий кўриниши сифатида эътироф этиляётган блоглар ва уларни юритувчи блогерлар билан давлат органларининг ҳамкорлик қилиши кенг жамоатчилик фикрини ижобий томонга ўзгартиришга, давлат сиёсатида хайрихоҳларнинг янада ортишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. "Блог ва блогер атамаларининг келиб чиқиши". Америка Диалектика амиятининг электрон почта хизмати. 20.04.2008 й. listserv.linguistlist.org
2. www.kun.uz интернет сайти
3. "Блоглар ҳақида: фактлар ва саналар, рақамлар ва таҳлиллар" 2016 й. www.gulruxsora.uz
4. Гражданская журналистика - Рустем Адагамов - www.afisha.ru
5. Известный блоггер Варламов снова побывал в поездке с премьером Путиным - ria.ru
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил
- 7 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллик байрам тадбиридаги нутқи.



РАҲБАР БОШҚАРУВ УСЛУБИНИНГ ЖАМОАДАГИ ПСИХОЛОГИК МУҲИТ ВА МЕҲНАТ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Жўраев Феруз Идиевич
Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат бошқаруви
академияси тингловчиси
Телефон: +998973000084
e-mail: fara_3339@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада бугунги кунда раҳбар бошқарув услубининг жамоадаги психологик муҳит ва меҳнат самарадорлигига таъсирини оширишнинг самарали усуллари хусусида мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: бошқарув услуги, раҳбар психологияси, жамоа психологияси, ижтимоий - психологик муҳит.

Бугунги кун раҳбари ватанга садоқати, фидоийлиги, адолатлилиги, ташаббускорлиги, омилкорлиги, уддабуронлиги, изланувчанлиги, янгиликка интилиши, талабчанлиги, иқтисодий ва ҳуқуқий саводхонлиги, маънавий етуклиги билан ўтмишдошларидан фарқ қилмоқда. Бошқарув ва раҳбарлик муаммоларини ўрганиш психология тарихида сезиларли даражада ўрин эгаллайди. Мутафаккир аждодларимиз таълимотларида, халқ ижодиётида адолатли ва адолатсиз шохлар тўғрисидаги маълумолар ҳаддан зиёд кўп. Жумладан, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Жалолиддин Давоний ва бошқаларнинг қўлёзмаларида раҳбар (юксак лавозим эгаллаганлар назарда тутилади) инсонларнинг шахсий фазилатлари, уларнинг олдида турадиган мураккаб, масъулиятли вазифалар, айрим иллатларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш йўл-йўриқлари бўйича ибратли фикрлар билдирилган. Айниқса, раҳбарнинг фаҳм-фаросати, донишмандлиги ҳақгўйлиги, халқпарварлиги, инсоф-диёнатлилиги, саҳоват пешалиги илмий-амалий намуналар асосида таъкидлаб ўтилган.

Раҳбарликнинг энг самарадор типи демократик услуб ҳисобланар экан. Бунда бошқарувчининг раҳбарлик функцияларини жамоа фикри билан ҳисоблашиб амалга ошириши, гуруҳ аъзолари билан ҳамнафас ишлаши, уларнинг фикрини эшитиши ва кўпчиликка суяниб қарорлар қабул қилиши тадқиқотда иштирок этган ходимлар томонидан қўллаб-қувватланишидир. Раҳбарлик сифатлари ичида энг муҳими, табиийки, психологик маҳоратни талаб этгани - одамлар билан ишлаш маҳоратидир. Жамоа аъзолари билан самарали ишлаш учун эса бошлиқ уларнинг психологиясини, ҳар бир аъзо психологиясини ва гуруҳ психологиясини яхши билиши зарур, чунки "ўзгалар психологиясини билиш улар устидан ҳукмронликнинг ягона йўлидир", - деб ёзишган эди инглиз олимлари.

Таниқли психолог Д.Карнеги бошқарув самарадорлигини раҳбар ва ходимлар ўртасида юзага келадиган муносабатлар, муомала жараёнлари билан боғлаб тушунтиради. Унинг фикрича, энг яхши раҳбар кўп гапиришни биладиган эмас, балки қўл остидаги ходимларни кўпроқ эшита оладиган раҳбар ҳисобланади. Раҳбарларда тинглаш қобилиятининг мавжудлиги унинг меҳнат жамоасида обрў топишида ўзига нисбатан ишонч ҳосил бўлишида, одамларни ортидан эргаштира олишида муҳим ўрин тутди. Масҳур рус психологи С.Л.Рубинштейн ўз илмий изланишларида жамоада руҳий муҳитни ўрганишга оид кўрсатмалар, тавсиялар ишлаб чиққан. Атоқли олим А.Н.Леонтевнинг бошқарув ҳақидаги таълимотида



раҳбар эмоцияси, мотивацияси, эҳтиёжи унинг шахсиятини белгиловчи асосий омиллар сифатида қаралган.

Раҳбарлик лавозимларига кадрларни танлашда ҳам юқоридаги сифат ва фазилатларга эга бўлган ёш мутахассисларга ишонч билдирилиб, бошқариш фаолиятига қобилиятли, исьтедодли ва иқтидорли ёшларни излаб топиш, улар билан мунтазам ишлаш, ўқитиш ва малакасини ошириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Меҳнат жамоаларида иш унумдорлиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг самарадорлиги жамоадаги ижтимоий - психологик муҳитга боғлиқ бўлади. Ижтимоий - психологик муҳит - бу инсонларни ўзаро биргаликдаги фаолияти. У гуруҳдагиларнинг кайфияти ва фикрларига қараб пайдо бўлади. Бу ўзаро муносабатларга, меҳнат жараёнига таалуқли бўлган жамоага топширилган умумий вазифаларни бажаришда намоён бўлади. Мана шундай вазиятда жамоада меҳнат фаолияти жараёнида низо ва уни келтириб чиқарадиган психологик омиллар мавжуд бўлади. Бугунги кунда меҳнат жамоаларида иш фаолиятларини ташкиллаштириш инсонлар ўртасидаги шахслараро муносабатларни маълум меъёрларда бўлиши қуйидаги омилларга боғлиқ:

- меҳнат жамоаларидаги шахслараро муносабатларга асосий эътибор қаратиш лозим;

- инсонлар ўртасидаги ўзаро бир - бирини тушуна олиш ва қўллаб - қувватлашни шакллантириш;

- жамоалардаги меҳнат унумдорлигини ошириш учун раҳбар шахсида қузатувчанлик, мулоқотчанлик, ташкилотчилик қобилиятларини тарбиялаш лозим.

Юқоридаги омиллар меҳнат жамоаларида ижтимоий психологик муҳитни нормаллашувига олиб келади. Ишлаб чиқариш муносабатлари инсонларни ўзларида рўй берадиган ижтимоий - психологик усуллардан самарали фойдаланиш учун кенг ахборотга эга бўлишлари керак. Ижтимоий - психологик усуллар ишлаб чиқариш жамоаларини, улардаги "психологик иқлимни", ҳар бир ходимнинг шахсий хусусиятларини ўрганишга асосланган бўлмоғи лозим. Умуман, бугунги кунда бозор иқтисодиёти тобора тараққий этиб борар экан, ишлаб чиқариш масалаларининг долзарлиги ҳам шунга хос равишда ортиб бораверади. Мана шунинг учун меҳнат жамоаларида психологик муҳит шаклланишига таъсир этувчи ижтимоий - психологик омилларни аниқлаш даркор.

Демак, бугунги кунда жамиятдаги ишлаб чиқарувчи меҳнат жамоаларининг ўрни беқиёслиги ва уларнинг ўзаро муносабатларини мустаҳкамлашга оид омилларни кўрсатиши - давр талабидир. Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг "Ҳар бир фуқаро қабул қилаётган қарорларимиз реал фойда бераётганини сезиши керак" деган фикрлари, замонавий раҳбар кадрлар бошқарув қарорлари самарадорлигини белгиловчи замонавий мезонларни билиши, ҳар бир фуқарога қабул қилаётган қарорларни реал фойда бераётганлигини аниқ мисоллар билан кўрсата бериши, пухта ўйланган, ҳар томонлама тўғри қарорлар қабул қила олиши лозим.

Раҳбар фаолияти давомида юзлаб, минглаб қарор қабул қилишига тўғри келади. Мисол учун ташкилотда кичик цех бошлиғидан тортиб ташкилот раҳбаригача ваколат доирасида бошқарув қарорлари қабул қилинади. Қабул қилинаётган ушбу қарорлар ташкилот мақсадларига мос келиши ва натижага йўналтирилган бўлиши лозим. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, "Пала-партиш таклифларни бериш ва шошма-шошарлик билан қарорлар қабул қилиш керак эмас". Раҳбар кадрлар қатъий тартиб-интизом, қарор натижасига шахсий



жавобгарликни ҳис қила оладиган жиҳатларга эга бўлиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, "Бизнинг зиммамиздаги энг муҳим вазифа - эл-юртимизнинг ишончига муносиб бўлиш, одамларнинг ҳаётини амалий ишлар билан яхшилашдан иборат. Биз раҳбарлар бир нарсани қулоғимизга қўрғошиндай қуйиб олишимиз керак. Агарки, бизга катта умид ва ишонч билан қарайдиган одамларнинг дастурхонида, оилавий аҳволида рўзгор тебратишида, умуман, кундалик ҳаётида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмаса, бу аҳолининг ҳақли эътирози ва норозилигига олиб келиши табиий ҳол. Шунинг учун ҳам биз қаерда, қайси лавозимда ишламайлик, раҳбарлик ишимизнинг самараси ва маҳсули охири-оқибатда ана шундай мезон билан ўлчанади, десак, айтиш ҳақиқатни айтган бўламиз."

Ўзбекистонда раҳбар психологияси ва жамоа ўртасидаги психологик муносабатлар ҳақида эндигина айрим китоблар, тўпламлар, рисолалар ва мақолалар ёзилмоқда. Буларни етарли деб бўлмайди, албатта. Психология фани тарихи ва фаолияти тамойилларини ишлаб чиқаришдаги камчиликларнинг асосий сабабларидан бири бизнинг онгимизда муаммоларни ўртага ташлашдаги журъатсизлик, ўта эҳтиёткорлик ва ҳадиксирашдир. Ҳолбуки, психология ҳаётнинг ўзидир ва уни кенг тушунчалар орқали инсон онгида акс эттиради. Бошқа фанлар, жумладан, биология, тарих, география, тилшунослик, кимё ва бошқалар, ижтимоий бойликнинг маълум жиҳатлари, хосса ва хусусиятлари, тамойил ва қонунларини ўрганса, психология борлиқ, табиат, жамият, инсон ва онгнинг қонунлари ва хусусиятларини бутунлигича ўрганиш имконини беради. Раҳбар психологиясини ўрганишда ҳам ижтимоий психология ана шу умумтамомойиллар нуқтаи назаридан қарайди, ўрганади. Ўзбекистон ҳам ташқи, ҳам ички сиёсатда давлатни бошқаришни сифат босқичлари билан кутиб олди. Яъни маъмурий бошқарув тизимини такомиллаштириш, эркин фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш билан боғлиқ раҳбарликнинг демократик жараёнлари концепсияси ишлаб чиқилди. Раҳбар психологиясининг марказида доимо инсонлар ва уларнинг ички руҳияти туриши зарур. Бунда эса раҳбарнинг психологик журъати катта роль ўйнайди.

Раҳбарнинг маҳорати ўз қўли остида фаолият кўрсатувчиларга яхшироқ ишлаш ва яшаш истагини бера олишдан иборатдир. Бошқариш энг аввало кишилар билан ишлашдир. Ҳар бир раҳбар киши эса, меҳнат малакаларидан ташқари, муайян характерга ҳам эга бўлади, уларда эҳтиёжлар, манфаатлар, интилишлар, одатлар, кайфиятлар, ҳиссиёт ва ҳоказоларнинг бутун бир комплекси мавжуддир. Булардан айримлари уни илҳомлантиради, шавқ-завқ уйғотади, ғайратига ғайрат қўшиб янада кўпроқ ишлашга ундайди, бошқалари эса уни эзади, меҳнат фаоллигини оширишга халақит беради. Демак, киши характерини ва унинг психикасининг хусусиятларини пухта ва синчиклаб ўрганмай туриб, раҳбарлик ишларини муваффақиятли олиб бориш мумкин эмас. Кишининг характери туғма ёки ҳаёт жараёнида ўз-ўзидан вужудга келган тасодифий бир нарса эмас. Инсон характерига уни қуршаб турган муҳит, жамоа катта таъсир ўтказади. Кўпинча бир ишлаб чиқариш жамоасида кишилар виждонли, меҳнатсевар бўлган бир вақтда, бошқасида кўплари ишга совуққонлик билан қарайдиган ҳолларни ҳам кузатиш мумкин. Кишилар жамоада ўзларини қандай тутишга одатланган бўлсалар, жамоадаги қолган кишилар ҳам ўзини шундай тутишга ҳаракат қилади. Киши ўз теварак атрофидаги одамларнинг таъсири остида бўлади, бошқаларга бирон-бир даражада тақлид қилади, умум қабул қилган хулқ-атвор нормаларига бўйсунди ва айтиш вақтда жамоага таъсир этади. Одамнинг ишлаб чиқариш жамоаси билан



Ўзаро мулоқоти натижасида алоҳида муносабатлар вужудга келади. Жамоа раҳбарлари ва мутахассислари барча ишларида ўз қўл остида ишловчиларнинг характери ва психологияси хусусиятларини, ўзлари раҳбарлик қилиб турган жамоанинг социал-психологик белгиларини ҳисобга олишлари керак. Шу билан бирга раҳбар жамоада шундай муҳит вужудга келтирадики, бунда бирон-бир фаолиятда фаолликни ошириш ходимнинг шахсий эҳтиёжига айланади. Раҳбар кўпроқ шахсий намуна кўрсатиш, маънавий рағбатлантириш, ишонтириш, тушунтириш ва ташвиқот қилиш йўли билан бевосита ёки социал муҳит орқали ўз қўл остида ишловчи ҳар бир ходимга ва бутун жамоага таъсир кўрсатади, ўз қўл остида ишловчиларни ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришга жалб этади, жамоанинг бир хил аъзоларининг бошқа бир хил аъзоларига ўзаро психологик таъсирдан фойдаланади, доимий равишда тарбиявий ишларни олиб боради. Инсонда ўзининг эҳтиёжлари ва қизиқишлари ўзгарганлигини ҳам ҳисобга олмоқ керак. Ҳозирги фермер ва жамоа ишчиси моддий жиҳатдан яхши таъминланган. Унинг эҳтиёжлари ва қизиқишлари сезиларли даражада кенгайиб, хилма-хил бўлади, яна ҳам юксакроқ талаблар биринчи ўринга қуйилмоқда. Шу муносабат билан эса кишиларнинг ишлаб чиқариш ва жамиятдаги хатти-ҳаракатининг рағбатлантирувчи асослари ҳам ўзгармоқда. Агар яқиндагина меҳнат фаоллигининг асосий шarti иш ҳақининг миқдоридан, сўнгра эса қулай моддий иш шароитини таъминлашдан иборат бўлган бўлса, ҳозирда меҳнатга моддий рағбатлантиришнинг муҳим роли сақланиб қолган ҳолда, маънавий, социал-психологик факторларга тобора, кўпроқ аҳамият берилмоқда. Ҳозир одам ўзининг иш жойи сифатида кўпроқ ҳақ тўланадиган корхонани ёки бўлинмани эмас, балки коллективи ақил бўлган яхши ходим ҳурмат қилинадиган, у ҳақда ғамхўрлик қилинадиган, ўзини хўжайин деб ҳис қиладиган, қулай психологик вазият таркиб топган корхона ёки бўлинмани танламоқда ва бор кучини сарфлаб ишламоқда. Бу қишлоқ хўжалик корхоналарининг ёш ходимлари учун айниқса муҳимдир.

"Сизлардан ўтинчим шуки, ҳаёт ўзгариши, онгу тафаккурининг юксалиши билан одамларни бошқариш ҳам раҳбарга катта масъулият юклайди. Барчамиз бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим: мансаб курсида ўтирган, ҳокимият номидан иш юритадиган баъзи раҳбар шахслар ўзини номаъқул ишларини яширишга қанча уринмасин, одамлар ўзига нисбатан, жамоатчиликка нисбатан адолат бузилаётганини кўриб, бундай раҳбарларнинг чегарадан чиқиб кетаётганини барибир халқ сезади, билади. Қачонки раҳбарнинг юраги ҳам, қўли ҳам тоза бўлса, тамагарликдан, ғараздан йироқ бўлса, унинг табиатида қатъиятлик билан вазминлик, талабчанлик билан ақл-заковат уйғун бўлса, фақат шундагина у одамлар ғам ташвишини ўз қалбидан ўтказишга қодир раҳбар бўла олади. Минг таассуф билан айтишга тўғри келадики, айрим раҳбарлар ўз фаолиятида ана шу талабларни бутунлай унутиб қўяди". деган эди И.А.Каримов. Раҳбар ва жамоа ўртасидаги психологик муносабатлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, гапни раҳбар меҳнатининг психологик мотивдан бошлаш ўринли бўлади. Раҳбар ўз аъзоларидан бир мунча фаолроқ социал муҳитда етилган бўлиб, ўспиринлик даврида шаклланган муносабатларни кескин ўзгартириб, раҳбарликнинг янги муҳити талаб этадиган ташкилотчилик, ишбилармонлик, теварак-атрофдаги одамлар ўртасида ўз шахсини, обрўсини оширишга ҳаракат қиладди. Ташкилотчилик фаолиятида раҳбарларнинг ҳаммаси ҳам ғайратларини қаёққа йўналтиришни ҳамма вақт ҳам билавермайдилар. Уларни бевосита ишлаб чиқариш соҳасида ёки бошқа соҳаларда эришилган натижалар билан ўзини ва жамоани хурсанд қиладиган хилма-хил фойдали ва қизиқарли ишларни бажаришга йўналтириш зарур. Айниқса ёш раҳбарлар ҳамма вақт ҳам бунга тайёр бўлмасликларига қарамай мустақилликка



интиладилар, бу билан эса ўзини жамоаси ўртасидаги муносабатларни янада яхшироқ йўлга қуйишга амалий шароит яратадилар. Ёш раҳбарларни катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган жамоа аъзолари асраб-авайлаб тарбиялаб борсалар улар меҳнат оқибатларини олдиндан кўра бошлайдилар. Қолаверса, ўзини тута билиш, жамоа аъзоларига меҳр-мурувватли, қарорлари бир мунча қатъий, шижоатли, соғлом фикрга асосланадиган, муомалали раҳбар бўлиб шаклланадилар. Шу тариқа ёш раҳбарларни анчагина узоқни кўзлайдиган, қийинроқ вазифаларни бажаришга психологик тайёрлаб бориш керак. Чунки тажриба тўпланган сари ёш раҳбарда жисмоний кучлар, билимлар, тажрибалар, иродавий бардамлик, асаб тизими анча чиниқиб, мустаҳкам бўлиб боради. Раҳбар ва жамоа аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ана шу тарзда қилиб шакллантириб бориш мумкин. Бундан ташқари тажрибалн, давлат ва жамоат ташкилотларида узоқ йиллар ишлаган, дунёқараши кенг раҳбарлар жамоани жипслаштирувчи, шахслараро муносабатларни соғломлаштирувчи, фойдали тадбирлар ўтказиб амалий ёрдам кўрсатсалар барча жабҳаларда ўзининг самарали натижасини беради, деб хулоса чиқарса бўлади.

Ҳозирги шароитда раҳбарлар социал-психологик методларининг аҳамиятигина эмас, балки улардан фойдаланишнинг амалий имкониятлари ҳам ошиб бормоқда. Баъзан бўлинма раҳбарлари ва мутахассислари бир вақтнинг ўзида ҳам технолог, ҳам экономист, ҳам психолог бўлишлари керак деганда улардан жуда кўп нарса талаб қилинмаётганмикин, деб сўрайдилар. Бошқарувчилик фаолиятининг социал-психологик масалаларига эътиборнинг кучайиши раҳбарга қандайдир янги вазифалар юкламайди. Бошқарувчилик фаолияти характерининг ўзи бунга мажбур этади. Жамоага раҳбарлик қилиб туриб кишилар билан ишламаслик мутлақо мумкин бўлмаган жараён. Ҳақиқатда ўз бурчини виждонан бажарувчи, ўзининг шахсий фазилатлари, тажрибаси ва билими билан эгаллаб турган вазифасига мувофиқ келувчи ҳар бир раҳбар ходим ҳаминша маълум даражада социолог, педагог ва психологдир. Жамоа-хўжаликларининг бўлинмаларида ишлаб чиқаришни бошқаришнинг барча социал-психологик масалалари орасида қуйидаги масалалар энг катта аҳамиятга эга: жамоани ташкил этиш ва ривожлантириш унда соғлом психологик муҳитни таъминлаш; ишчи ва хизматчиларни ижтимоий ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб этиш; ходимларни маънавий рағбатлантирини такомиллаштириш; раҳбар қўл остида ишловчилар билан психологик алоқани, ишлаб чиқариш ва турмушдаги хулқ-атворини яхшилаш орқали ҳар қандай жамоа фаолиятида самарали натижаларга эришиши мумкин. Юқорида санаб ўтилган вазифаларнинг ҳар бири эса ўз навбатида кўпдан-кўп жузъий масалаларга бўлиниши мумкин. Уларни вужудга келган вазиятга боғлиқ ҳолда ҳал этишнинг талай усуллари ҳам бор. Бу масалаларни муфассалроқ қараб чиқамиз. Яхши жамоада шундай вазият вужудга келадими, бунда ҳар бир ходим ўз фаолияти ҳаракати билан раҳбарнинг ва бутун жамоанинг доимий назорати остида бўлишини тушунади. Раҳбар ўз фаолиятини шундай ташкил қилиши керакки, токи ходимларда ўз ишларидаги камчиликларга эътиборсиз қаралаётганлиги туфайли жазо ва жавобгарликни ҳис этмаслик ҳоллари вужудга келмасин. Ҳар қандай ноҳўя хатти-ҳаракат ўз вақтида пайқаб олинмиши, ишига масъулиятсизлик билан қараган ходим энгил даражада бўлсада танбеҳ олиши керак (раҳбарнинг койиб қўйиши, огоҳлантириши ва ҳоказолар каби).

Ходимларнинг ноҳўя хатти-ҳаракатининг сабабини диққат билан ўрганиш ва шундан кейингина, агар бу хатти-ҳаракатга унинг ўзи айбдор эканлиги аниқланса, унга нисбатан чора кўрилиши лозим. Ходимнинг бирон-бир ноҳўя хатти-ҳаракатининг бевосита ёки бавосита айбдори раҳбарнинг нотўғри ҳаракати ҳам бўлиб чиқиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бундай вазиятда, айниқса, эҳтиёт бўлиш



керак. Раҳбарга, барча бошқа воситалардан фойдаланилмагунча, ўз ҳокимияти кучидан фойдаланиш тавсия этилмайди. Раҳбарнинг мансаб кучини тез-тез намоиш қилиб туриши жамоанинг ишига салбий таъсир қилади. Раҳбар айнан бир таъсир воситаси (тақдирлаш, жазолаш)нинг турли ходимларга турлича таъсир этишини ҳисобга олиши керак. Ҳар бир ходимнинг шахси (билим ва маданият даражаси, характери ва темпераменти)ни ҳисобга олиб, уларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида муносабатда бўлиши керак. Интизом жазоси ва бошқа жазо чоралари, шунингдек мақтовлар ҳаддан ортиқ кўпайиб кетса ҳам, кишилар унга кўникиб қоладилар, натижада кейинчалик бундай тadbирлар таъсир этмай қолади.

Шунинг учун жазо чораларини тез-тез қўлайдиган раҳбарлар нотўғри қиладилар. Лекин бундай усулдан бутунлай воз кечиб ҳам бўлмайди. Ўз қўл остида ишловчи ходимларни ҳадеб мақтайвериш ҳам тавсия этилмайди. Шундай бўлсинки, ходимлар раҳбарнинг мақтовини қадрласинлар. Бироқ айна вақтда раҳбар ўз хулқ-атвори билан ходимларда ундан яхши баҳо, мақтов кута олмайсан, деган таассурот туғдирмаслиги керак. Тақдирлаш ёки жазолаш ходимда стимул бўлиб хизмат қилиши учун ҳар икки усулнинг адолатлилиги, муносиблигини ҳис этиб туриши керак. Шунинг учун раҳбарнинг айбдор ходимни фақат жазолашигина эмас, балки унинг ўз айбини тушуниб этишига эришиши ҳам муҳимдир.

Тақдирлаш ҳам, жазо ҳам ходимнинг хизмати ёки айби даражасига мувофиқ бўлиши керак. Жазоларнинг ташқи кўриниши ёки шакли (ифодалаш оҳанги, муомала ва бошқалар), шунингдек уларни қўллаш усуллари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Агар уларнинг ҳаммаси ҳисобга олинмаса, жазолаш бевосита қарама-қарши натижалар бериши мумкин. Ишдаги камчиликлар кўрсатилад экан, раҳбар ҳамиша одоб маданияти билан гапириши керак ва айна пайтда кишини ҳақорат қилмаслик, унинг қадр-қимматини ерга урмаслик унинг диққат марказида турмоғи лозим. Хуллас, кишиларнинг профессионал қадр-қимматини белгилайдиган, уларни жамоа аъзоси сифатида таърифлайдиган сифат характеристикалари ҳар қандай жамоа раҳбари учун айниқса муҳимдир.

Раҳбар ўз жамоаси ходимларини ўрганиш жараёнида конкрет (нисбий) баҳолаш услуби деб аталган методдан фойдаланиши мақсадга мувофиқ. Бунинг маъноси шундаки, ходимга баҳо беришда ҳар сафар шу жамоанинг шароити учун характерли бўлган мезонлардан фойдаланилади. Раҳбар ўз жамоаси ходимларини ўзаро бири-бирига таққослаб баҳо беради. Бундай таққосланиш натижасида муайян жамоа доирасида қолоқ бўлган ходимлар жамоа бўйича ўртача кўрсаткичлардан яхшироқ кўрсаткичларга эга бўлиб чиқиши мумкин. Фақат бугун жамоа доирасида баҳо берилаётгандагина жамоа кўрсаткичлари билан таққослаш керак.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг "Олдимизда турган кенг кўламли вазифаларни самарали ҳал этиш, энг аввало, давлат раҳбари сифатида шахсан мендан, давлат ҳокимиятининг учта тармоғидан, шунингдек, барча раҳбар ва мансабдор шахслардан қатъий интизомни талаб этади. Ишимизни тўғри ташкил этиш, унинг самарадорлигини таъминлаш, бутун бошқарув тизими фаолиятини сифат жиҳатидан замон талаблари даражасига кўтаришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Албатта, биз режалаштираётган барча ўзгаришларнинг ниҳоятда кўпқиррали ва ўта муҳим эканини мен чуқур тушунам. Бироқ, йўлимизда қандай тўсиқ ва қийинчиликлар, кескин ва долзарб муаммоларга дуч келсак ҳам, шошма-шошарлик билан, пала-партиш қарорлар қабул қилишга, яхши ўйлаб кўрилмаган хатти-ҳаракатларга йўл қўйишга ҳаққимиз йўқ" деб таъкидлашлари, замонавий ҳар бир раҳбардан самарали бошқарув қарорлари қабул қилиш мезонларини билишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг барча



асарларида бошқарув кадрлари халқчил қарорлар қабул қилиши, қарорлар натижаси "шахс - жамият - давлат" манфаатлари уйғунлигини таъминлашга қаратилган бўлиши лозимлиги ҳақидаги концептуал ғоя ётади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ушбу ғояни ривожлантириб, "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак ва бу ҳақиқатни аввало барча бўғиндаги раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарур" деган фикрлари, барча раҳбар кадрларга самарали бошқарув қарорлари қабул қилиш мезонларини тўғри белгилашлари, қарор натижаси инсон тараққиёти, халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги йўлида хизмат қилиш лозимлигини аниқлатади.

Юртимиз равнақи, унинг иқтисодий тараққиёти, ижтимоий барқарорлиги ва халқимиз турмуш даражасининг юқори бўлиши мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг асосини ташкил этиб, бу мақсадларга эришишда раҳбар ана шу улуғвор ғояларни, мақсад ва вазифаларни чуқур англаб, уларни изчил амалга ошириши зарур.



ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИДА ИШ ЮРИТИШДА ДАВЛАТ ТИЛИГА БЎЛГАН ЭЪТИБОР ОШМОҚДА

Кудриддинова Наргис Дехконовна
ДБҚ Божхона институти Ўзбек ва хорижий
тиллар кафедраси катта ўқитувчиси
Телефон: +998(97) 9045557
k.nargis72mail.ru

Туланбаев Низомиддин Шавкатбекович
ДБҚ Божхона институти Бош юрисконсулти
Телефон: +998(90) 8052237
Lionnicky7555@gmail.com

Аннотация

Мақолада бугунги кунда таклиф этилаётган "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 42-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси билан давлат органлари ва ташкилотларида иш юритишда давлат тили ҳақидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этмаслик учун жавобгарликнинг белгиланиши ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақомининг амалда янада мустақамланишига хизмат қилиши ҳақида сўз боради. Ушбу ўзгартириш давлат органлари ва ташкилотларида иш юритишни назарда тутиши ва бу каби амалиёт хорижий давлатларда ҳам мавжуд эканлиги мисоллар ёрдамида кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: давлат тили мақоми, давлат органлари, давлат тилида иш юритиш, миллат маънавияти.

Мамлакатимиз ҳали мустақилликка эришмаган даврда, 1989 йил

21 октябрь куни "Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши билан ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши юртимиз ҳаётида улкан тарихий воқеа бўлди. Аслида ҳар қандай истиқлол тил озодлигидан бошланади. Ўз тилида давлатни идора қилиш, эркин мулоқот қилиш, куйлаш ва ижод қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган ҳеч бир халқ истиқлолга эришдим дея олмайди. Шу маънода она тилимизга давлат тили мақоми берилган кунни истиқлол ва мустақилликка эришиш йўлида қўйилган энг дадил ва энг шарафли қадам дейишга ҳақлимиз. Миллий истиқлолнинг биринчи шarti миллат тили - она тилимизнинг мустақиллигидир. Ушбу қонун билан ўзбек тилини бутун чоралар билан ривожлантирилиши ва унинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида амал қилишининг таъминланиши, шунингдек ўзбек тили ўзбек халқининг маънавий мулки эканлиги белгиланди.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституцияси 4-моддаси билан ўзбек тилига берилган давлат тили мақоми янада мустақамлаб қўйилди. Шу билан бирга, бош қомусимизда Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат

ва элатларнинг урф-одатлари ва анъаналари билан бир қаторда уларнинг тиллари ҳам ҳурмат қилиниши ва ривожланиши учун шароит яратилиши кўрсатиб ўтилди.

1995 йил декабрда қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси "Давлат тили ҳақида"ги қонунининг 2-моддасида ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши республика ҳудудида яшовчи миллат

ва элатларнинг ўз она тилини қўллашдан иборат конституциявий ҳуқуқларига



монелик қилмаслиги белгилаб қўйилди.

Ушбу қонуннинг 9-моддаси билан давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш давлат тилида юритилиши қайд этилди.

Юртимизда ўзбек тилининг давлат тили мақомини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар қаторида 2019 йил 21 октябрь куни давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5850-сон фармони билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат тилини ривожлантириш департаментига давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан мониторингни амалга ошириш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, мазкур фармон билан белгиланган вазифалар ижросидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 январдаги 40-сон қарори билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Атамалар комиссияси ташкил этилди.

Юқоридагилардан кўриш мумкинки, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини ошириш мақсадида юртимизда бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, бу борадаги ташкилий-ҳуқуқий асослар мустаҳкамланди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилганлигига 30 йилдан ошганига ҳамда бу борада бир қатор ишлар амалга оширилганлигига қарамай, шу кунга қадар давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси етарлича бажарилмаётганлигини кузатиш мумкин.

Бу ҳолатга турли омиллар билан бир қаторда, ушбу қонун ҳужжатлари ижросини таъминламаётганларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларининг етарлича белгиланмаганлиги ҳам сабаб бўлганлигини айтиш мумкин.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш деб номланган 42-модда мавжуд бўлсада, ушбу модда бу борадаги ижтимоий муносабатларни тўлиқ қамраб олмаган.

Бугунги кунда таклиф этилаётган "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 42-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси билан давлат органлари

ва ташкилотларида иш юритишда давлат тили ҳақидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этмаслик учун жавобгарликнинг белгиланиши ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақомининг амалда янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Бу таклиф этилаётган ўзгартиришга мамлакатимизда яшаётган бошқа миллат вакиллари тилларининг камситилиши сифатида қараш ноўрин.

Мисол тариқасида, юртимизда мажбурий умумий ўрта таълим 7 та тилда: ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик ва туркман тилларида бўлиб, ёш авлоднинг кенг кўламли таҳсил олишига имконият яратиб беришини кўрсатишимиз мумкин. Шунингдек, мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистонда истиқомат қилувчи миллат ва элатларнинг бир неча тилларида эфирга узатилиши ва чоп этилиши бунга мисол бўла олади.

Қолаверса, мазкур ўзгартириш давлат органлари ва ташкилотларида иш юритишни назарда тутиб, бу каби амалиёт дунёнинг Германия, Франция, Туркия, Латвия, Грузия, Арманистон каби қатор давлатларида ҳам мавжуд.

Хусусан, Арманистоннинг Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексига давлат тили бўлган арман тили билан боғлиқ бир неча ҳуқуқбузарликлар кўрсатиб ўтилган. Арманистон Республикасининг таълим муассасаларида фанларни арман тилида ўқитилишининг ёки ўрта махсус,



касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида арман тилини ўрганилишининг, арман тили бўйича кириш имтиҳонларининг таъминланмаслиги; давлат органларида, мулкчилик шаклидан қатъий назар муассаса ва ташкилотларда арман тилидан бошқа тилда иш юритиш, ёзувлар, бланкалар, штамплар, маркалар, печатлар, халқаро почта конвертлари ва рекламаларни арман тилида расмийлаштирмаслик; оммавий тадбирлар давомида арман тилидан бошқа тилдаги нутқларни бир вақтда таржима қилинишини таъминламаслик; халқаро инстанцияларда Арманистон Республикаси вакили сифатида иштирок этаётган шахснинг бошқа тилдаги чиқишларини, шунингдек Арманистон Республикаси ҳудудида жойлашган хорижий давлатлар органлари, корхона, муассаса ва ташкилотларинингдавлат назоратига тааллуқли бошқа тилдаги ҳужжатларининг арман тилидаги таржимасини таъминламаслик; мансабдор шахсларнинг ҳамда хизмат кўрсатишнинг айрим соҳаларида ишловчи фуқароларнинг арман тилини билмаслиги каби ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгиланган.

Тил тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузиш учун жавобгарликни белгилаш билан боғлиқ тартибни амалиётга жорий этиш тажрибаси Озарбайжонда ҳам кузатилмоқда. Хусусан, жорий йил 1 май куни мамлакат парламентида амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш лойиҳаси муҳокама этилиб, янги тартибга кўра, ОАВ ҳам давлат тили нормаларига риоя этишлари лозимлиги назарда тутилган. Бу билан боғлиқ Озарбайжоннинг Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексига оммавий ахборот воситаларида, интернет-ахборот ресурсларида ва реклама ташувчиларда давлат тили нормаларининг бузилиши учун жисмоний шахсларга 100 дан 200 гача манат, мансабдор шахсларга 300 дан 400 гача манат, юридик шахсларга эса 500 дан 1000 манатгача жавобгарликни ўрнатиш кўзда тутилмоқда.

Айтиб ўтиш керакки, миллий тил ва унинг равнақи йўлида ғамхўрлик қилиш бир гуруҳ мутахассисларгагина тегишли илмий-амалий соҳа ёки мавсумий бир тадбир эмас. Аксинча, бу авлодлардан-авлодларга ўтиб, бойиб ва сайқалланиб келаётган халқ тилининг софлиги ҳамда истиқболи ҳақида қайғуриш, она тилининг тўлақонли яшаш ҳуқуқи учун, миллат маънавияти, маърифати ва маданияти учун курашдир.

Буюк ёзувчи, она тилимизнинг матонатли жонкуярларидан бири Абдулла Қаҳҳор "Бизнинг жуда бой, чиройли тилимиз бор, бу тилда ифодалаб бўлмайдиган фикр-туйғу, ҳолат йўқ", - дея таъкидлаган эдилар. Бугун дунёвий тараққиёт ёшларни бир неча тилларни мукамал билишга, бошқа тилларда ёзилган, бошқа алифболарда ифодаланган манбалардан ҳам унумли фойдаланишга даъват этмоқда. Бу яхши, албатта. Аммо миллий тил чет тилини ўрганишда асосий замин ҳисобланади. Шу боис она тилимизни қанча теран билсак, чет тилини шунча пухта ўзлаштирамиз.

Шунингдек, атоқли адибимиз Абдулла Қаҳҳор: "Нега кўчада қоида бузган кишига ҳуштак чалинади-ю, тил бузганга ҳеч ким индамайди", - деган эди. Шундай экан, бугун давлат тилига янада эътиборлироқ бўлиш, ён атрофимизда тилимизга бўлаётган ҳурматсизликни кўрганимизда унга нисбатан қатъий фикр билдириш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Шундан келиб чиқиб, таклиф этилаётган ўзгартиришнинг қабул қилиниши давлат органларида давлат тилида иш юритишга нисбатан эътиборнинг ошишига олиб келади деб ҳисоблаймиз.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисида" ги қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган "Давлат тили ҳақида"ги қонуни
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5850-сон фармони.



BESH TASHABBUS - BESH IMKONIYAT

Arabboyeva Munajat

TDPU Shahrisabz filiali talabasi

Ilmiy rahbar: Rustamova Maftuna

TDPU Shahrisabz filiali o'qituvchisi

Tel: +998906747141

munojatarabboyeva@gmail.com

Anotatsiya: Yurtimiz rivojlanishida amalga oshirilayotgan islohotlar, yoshlarning bo'sh vaqtlarini mazmunli o'tkazish bo'yicha olib borilayotgan ishlar, inson manfaatlari, xalq bilan muloqot, Bugungi va ertangi hayot.

Kalit so'zlar: Davlat, hokimiyat, inson, ma'naviyat, xalq, yoshlar, jamiyat, tashabbus, islohot, taraqqiyot.

Keyingi bir necha yilda O'zbekiston hokimiyati va boshqaruvi tizimida keng ko'lamli ijobiy o'zgarishlar ro'y berdi, bunda asosiy e'tibor fuqarolarning huquqlarini himoya qilish va aholi manfaatlarini amalda ta'minlashga qaratildi. "Inson manfaatlari hamma narsadan ustun", "Xalq davlat idoralari emas, davlat idoralari xalqimizga xizmat qilishi kerak", degan ezgu g'oyalar O'zbekiston taraqqiyotining yangi bosqichida ko'zda tutilgan islohotlarni hayotga tatbiq etishning asosini tashkil qiladi.

O'tgan yilgi davlatimiz rahbari boshchiligida o'tkazilgan videoselektor yig'ilishida (2019-yil 19-mart) yoshlarimizga bo'lgan e'tiborni yanada kuchaytirish, ularni madaniyat, san'at, jismoniy tarbiya va sportga keng jalb etish, yoshlarda axborot texnologiyalaridan foydalanish ko'nikmalarini shakllantirish, yurtimiz yoshlari o'rtasida kitobxonlikni targ'ib etish, xotin-qizlar bandligini oshirish masalalariga urg'u berildi. Turli ziddiyatlar kuchayib borayotgan bugungi dunyo manzaralarida yoshlarimizning ma'naviy immunitetini kuchaytirish, ularning bo'sh vaqtini mazmunli o'tkazish har qachongidan ham dolzarbroq ekanini zamonning o'zi ko'rsatib turibdi, shu bois, Prezidentimiz tomonidan ilgari surilgan 5 ta muhim tashabbus muhim ahamiyat kasb etadi.

" Birinchi tashabbus, yoshlarning musiqa, rassomlik, adabiyot, teatr va san'atning boshqa turlariga qiziqishlarini oshirishga, iste'dodini yuzaga chiqarishga xizmat qiladi.

" Ikkinchi tashabbus, yoshlarni jismoniy chiniqtirish, ularning sport sohasida qobiliyatini namoyon qilishlari uchun zarur sharoitlar yaratishga yo'naltirilgan.

" Uchinchi tashabbus, aholi va yoshlar o'rtasida kompyuter texnologiyalari va internetdan samarali foydalanishni tashkil etishga qaratilgan.

" To'rtinchi tashabbus, yoshlar ma'naviyatini yuksaltirish, ular o'rtasida kitobxonlikni keng targ'ib qilish bo'yicha tizimli ishlarni tashkil etishga yo'naltirilgan.

" Beshinchi tashabbus, xotin-qizlarni ish bilan ta'minlash masalalarini nazarda tutadi.

Biz o'tgan davrda amalga oshirilgan ishlarga baho berar ekanmiz, "Kecha kim edigu bugun kim bo'ldik?" degan savol asosida ularning mohiyati va ahamiyatini o'zimizga chuqur tasavvur etamiz. Ayni vaqtda "Ertaga kim bo'lishimiz, qanday yangi marralarni egallashimiz kerak? Degan savol ustida o'ylashimiz, nafaqat o'ylashimiz, balki amaliy ishlarimiz bilan bunga javob berishimiz lozim". Agarki biz XXI asrda, tobora avj olayotgan globallashuv jarayonlari, internet va intellektual taraqqiyot hal qiluvchi rol o'ynayotgan bir davrda yashayotganimizni hisobga oladigan bo'lsak, hayotimiz naqadar shiddatli sur'atlar bilan o'zgarib borayotganini, ayniqsa, chuqur his qilamiz. Ana shunday sharoitda erishgan natijalarimizga mahliyo bo'lmasdan, havolanish kayfiyatiga berilmasdan, shu paytga qadar bosib o'tgan yo'limiz -bu oldimizda turgan murakkab va og'ir yo'lning faqat



bir qismi ekanini o'zimizga aniq tasavvur etishimiz kerak. Hayotda maqsadga erishish hech qachon oson bo'lmagan. "Ey, bizga shu ham bo'laveradi", degan fikr bilan yashaydigan odam, hammamizning dushmanimizdir". Ezgu maqsadlarimizga yetish uchun bugun belni qattiq bog'lab mehnat qilmasak, o'zimizni qiynamasak, ertaga hayot bizni qiynaydi. Bu beshafqat haqiqatni hech qachon unutmash zarur".

Jamiyat taraqqiyotida, yurt, millat taqdirida o'sib kelayotgan yosh avlodning jismoniy va ma'naviy barkamolligi, intellektual salohiyati muhim o'rin tutadi. Zero, davlatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyev ta'kidlaganidek, "Dunyo shiddat bilan o'zgarib, barqarorlik va xalqlarning mustahkam ivojlanishiga raxna soladigan turli yangi taxdid va xavflar paydo bo'layotgan bugungi kunda ma'naviyat va ma'rifatga, axloqiy tarbiya, yoshlarning bilim olish, kamolga yetishga intilishiga e'tibor qaratish har qachongidan ham muhimdir".

Davlatimiz rahbari tomonidan yosh avlodni tarbiyalash ishlariga bunday aniq va maqsadli yondashuv, tizimli va tartibli qat'iy munosabat barcha soha vakillarini, shuningdek, keng aholi qatlami, ayniqsa, yoshlarni yanada sergaklantirib, daxldorlik hissi va mas'ulligini oshirmoqda. Oliy hamda ezgu maqsadlar sari bir yoqadan bosh chiqarib, birgalikda harakat qilish, o'zaro qo'llab-quvvatlash orqali yuqori natijalarga erishish, yurt taraqqiyotiga munosib hissa qo'shishiga undamoqda.

Xulosa qilib shuni aytamizki, yurtimizda amalga oshirilayotgan barcha loyihalar va dasturlar asosan yosh avlod va yurt kelajagi uchun. Demakki, biz shu berilgan imkoniyatlardan to'liq foydalana bilishni bilishimiz lozim. Hozirgi shiddat bilan rivojlanib borayotgan zamonda har bir narsadan unumli foydalanishga va vaqtni to'g'ri taqsimlay bilishga o'rganishimiz kerak. Biz axir buyuk bobokalonlarning (Amir Temur, Bobur, Ulug'bek, Alisher Navoiy, Ibn Sino, Beruniy) avlodimiz. Biz buni yurak qarimiz bilan his eta bilishimiz lozim.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1) SH.M.MIRZIYOYEV "Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash -yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi" Toshkent - "O'zbekiston" - 2017.

2) SH.M.MIRZIYOYEV "Erkin va farovon, demokratik o'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz" Toshkent - "O'zbekiston" - 2016.

3) I.A.KARIMOV "Ona yurtimiz baxtu iqboli va buyuk kelajagi yo'lida xizmat qilish -eng oily saodatdir" Toshkent -" O'zbekiston"-2015

4) [https:// www.gazeta.uz](https://www.gazeta.uz) 2020.01/24

5) marifat.uz Xalq bilan muloqot

6) [https:// www .xabar.uz](https://www.xabar.uz)



ЎЗБЕКИСТОНДА КЛАСТЕРЛАР ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Бегимова Дилшода Комилжоновна
ЎзМУ таянч докторанти
bobotikfd@mail.ru +998998599547

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш мақсадида олиб борилаётган ишлар, хусусан мамлакатда кластерлар фаолиятини ташкил этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: кластер, интенсив боғ, инвестиция, кооперация, институционал, таркибий ўзгаришлар.

Мамлакатимизда аграр соҳани ислоҳ қилиш, унга бозор механизмлари ва замонавий технологияларни жорий этиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кластер усули йўлга қўйилди, экин турлари замон талабидан келиб чиқиб ўзгартирилди. Натижада ҳосилдорлик ҳам, даромад ҳам ошмоқда. Юртимизда етиштирилаётган 80 турдан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 66 та мамлакатга экспорт қилинмоқда.

2020 йилда кластерлар томонидан қайта ишлаш, сақлаш ва қуритиш бўйича 430 минг тонна қўшимча қувватларни ишга тушириш юзасидан 96 та лойиҳа режалаштирилган. Шунингдек, 6 минг гектарда интенсив боғ ва 8 минг гектарга яқин майдонда узумзор барпо қилиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилган. Жорий йилда 410 миллион долларлик маҳсулотлар экспорти мўлжалланган. Кластерлар фаолиятини ташкил қилиш, хорижий экспертлар хулосаси асосида экинларни самарали жойлаштириш, зарур уруғлик ва кўчатларни ҳозирдан тайёрлаш вазифаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига, айланма маблағлар билан таъминлаш Молия вазирлигига топширилган. "Ўзбекизоқовқатхолдинг" компанияси кластерларга янги бозорлар топиш ва экспорт қилишда доимий равишда амалий ёрдам бериб бориши белгиланган.

Ҳозирда асосий вазифа этиб пахтачилик кластерлари фаолиятини такомиллаштириш, пахта ва ғалла етиштиришда давлат режасини босқичма-босқич бекор қилиш белгиланган. Пахта ва ғалла етиштиришга давлат буюртмасини бекор қилиб, ушбу маҳсулотларни бозор тамойиллари асосида харид қилиш тизимига босқичма-босқич ўтиш режалаштирилган. Бу тадбирлардан мақсад соҳада давлат аралашувини кескин камайтириш, маҳаллий бошқарув органларининг режа ортидан қувиш амалиётига бутунлай чек қўйишдир.

Бозор тамойилларига ўтишда кластер тизими муҳим омилдир. Бугунгача мамлакатимизда 73 та пахта-тўқимачилик кластери ташкил этилди, 2019 йилги пахта ҳосилининг 73 фоизи уларнинг ҳиссасига тўғри келди. Ўртача ҳосилдорлик кластер бўлмаган ерларга нисбатан 4,1 центнерга юқори бўлиб, қўшимча 428 минг тонна пахта олинди.

Юртимизда кластерларни танлашда чуқур қайта ишлаш даражаси ва инвестициялар ҳажми, фермерлар билан ҳисоб-китоб қилишда маблағнинг етарлилиги асосий мезонлар этиб белгиланган. Кластер ташкил этилмаган пахта майдонларида фермерлар иштирокида кооперациялар фаолияти йўлга қўйилмоқда. Пахта тозалаш заводлари фермерларга кооперация ташкил этиш учун берилиб, қўшилган қийматдан тушган даромад кооперация аъзолари - фермерлар ўртасида тақсимланиши белгиланган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, кластерлар ташкил этиш миллий



иқтисодиёт таркибий тузилишини такомиллаштиришнинг энг самарали усуллари дандир. Чунки бу усул микро ва макро даражада иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1."Тошкент вилоятида замонавий картошкачилик кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори, № 193, 01.04.2020. lex.uz.

2."Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалиklarини ҳамда мева-сабзавот кластерларини қўшимча молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори, №102 19.02.2020. lex.uz.

3. www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб сайти



ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА РАҲБАР КАДРЛАР ТАЙИНЛАШ МЕЗОНЛАРИ ВА МЕХАНИЗМИ

Кичкилов Шерхон Хамзаевич
ЎзРес Президенти хузуридаги
ДБА тингловчиси
Тел: +998974429000

Аннотация: ушбу мақолада Франция ва Ўзбекистон Давлат хизматида маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлик лавозимларига тайинлаш мезон ва механизмларини қийсий-танқидий таҳлили асосида кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: раҳбар лавозими, мезон, механизм, Ўзбекистон, Франция, карьера концепти, мансабдор шахс, тоифа, даража.

Аннотация: данная статья рассматривает критерии и механизмы назначения руководящих кадров в органы местного управления Государственной службы Франции и Узбекистана на основе сравнительно-критического анализа.

Ключевые слова: руководящее должност, критерия, механизм, Узбекистон, Франция, концепция карьеры, чиновник, категория, уровень.

Abstract: this article discusses criterion and mechanisms for appointing senior staff to the local government of the French and Uzbek public services based on a comparative-critical analysis.

Key words: leadership position, criteria, mechanism, French public service, concept of career, official, category, level.

Ҳар бир давлатда бошқарувни тўғри ташкиллаштириш ва йўлга қўйиш, энг асосийси, бошқарув тизимидаги лавозимларга сифатли ва муносиб кадрларни тайинлаш, ўша давлатда жорий этилаётган қонунларнинг тўлақонли ишлашини ва олиб борилаётган барча ислохотларнинг кутилган натижалар беришини таъминлайди. Бунинг учун, биринчи навбатда, раҳбар кадрларни маълум бир лавозимга тайинлашнинг аниқ механизми ва мезонларини ишлаб чиқиш лозим.

Бугунги кунда, Ўзбекистон давлат бошқаруви тизимида раҳбар кадрлар ким, уларга қандай касбий, ижтимоий ва жисмоний талаблар қўйилади, давлат хизматчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, лавозимда кўтарилиш шартлари, уларни ротация ва аттестациядан ўтказишга доир ягона талаблар мавжуд эмас, бундан ташқари уларни лавозимларга тайинлашнинг аниқ мезонлари ишлаб чиқилмаган. Раҳбар кадрларининг тоифалари, мартаба ва унвон даражаларига оид қонун-қоидалар мавжуд эмас.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, "миллий қонунчилигимизда айрим давлат органларида давлат хизматини ўташ юзасидан Ҳукумат ёки

Президент ҳужжати даражасида хизматни ўташ тартиблари тасдиқланган бўлиб, масалан ички ишлар, прокуратура, давлат солиқ ва давлат божхона хизмати, Суд департаменти органларида хизматни ўташ тартиби-тамоийилларида хизматни ўташнинг умумий принциплари, хизматга қабул қилиш, хизмат бўйича ўсиш ва хизматдан озод қилиш

шартлари, давлат хизматчиларига қўйиладиган талаблар, уларнинг масъулияти, мажбуриятлар ва таъқиқлар, аттестация ва ротация шартлари, даражалар ва унвонлар, ижтимоий ҳимоя каби қоидалар батафсил тартибга солинган. Бошқа органларнинг айримларида ҳам бу қоидалар ички идоравий ҳужжатларда ўз аксини



топган"[1,43].

Шунга қарамай айнан маҳаллий давлат органларига раҳбар кадрларни тайинлаш бўйича қонунчилигида мавжуд бўлган хужжатлар таҳлили шуни кўрсатадики, раҳбар кадрларни тайинлашнинг мавжуд механизми жуда умумий, ёпиқ, поғонали тизим бўлиб, кадрлар тайинлашда кўпроқ субъектив баҳоланишга асосланади.

Масалан, Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонуннинг 2-моддасида маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти бошлиғини лавозимига тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тўғрисида қуйидагилар баён этилган.

"Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ҳамда лавозимдан озод этилади. Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тегишли халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилади. Тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилиги овозини олган вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзоди тасдиқланган ҳисобланади. Туман, шаҳар ҳокимлари вилоят, Тошкент шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимдан озод этилади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари орасидан тайинланади ва тасдиқланади. Туманга бўйсунувчи шаҳар ҳокими туман ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимдан озод этилади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланади. Вилоят ҳокими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда шаҳар ҳокимини туман (шаҳар таркибига кирувчи туманлар бундан мустасно) ҳокимига бўйсундириш ва ягона бошқарув органларини тузиш ваколатига эга бўлиб, бу хусусдаги қарор кейинчалик халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан тасдиқланади"[2]. Бунда ҳокимларнинг ваколат муддати беш йилни ташкил этади. Ҳоким ҳокимлик девони бўлинмалари раҳбарларини лавозимга мустақил тайинласа, ўз ўринбосарлари ва ижроия ҳокимияти структура бўлинмаларининг раҳбарларини халқ депутатлари Кенгаши билан келишган ҳолда тайинлайди ёки лавозимдан озод этади.

Қонунда кўрсатиб ўтилганидек, раҳбар кадрларни тайинлаш ёки уларни лавозимдан озод этиш бошқичлари аниқ босқичларга эга. Аммо маҳаллий давлат органлари раҳбарлик лавозимларига номзодлар танлаш мезонлари, уларга қўйиладиган талаблар, уларни аттестациядан ўтказиш тўғрисида маълумотнинг мавжуд эмаслиги, бошқарув тизимида кадрлар тайинлашнинг ушбу соҳасини тубдан такомиллаштириш кераклигини англатади. Бу борада ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш, жумладан, Франция кадрлар тизимида раҳбар кадрлар тайинлаш механизми ва мезонларини миллий бошқарув тизимига тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Франция давлат хизмати тизими бу - ўзига хос, самарали бошқарувни таъминловчи марказлаштирилган мукамал ва шу билан бирга жуда мураккаб тизимдир. Ушбу тизим кадрлар таркибининг муҳим хусусияти бу, айниқса юқори лавозимли мансабдор шахсларнинг корпоративлашганлигидир. Яъни ушбу доирадаги ходимларни ташкилий ва расмий тузилмадан ташқари, давлат административ элитасига мансублик ҳисси ва узоқ муддатли норасмий алоқалар боғлаб туради. Бунда ходимнинг юқори административ элитага аъзолиги у хусусий секторга ишга ўтган бўлса ҳам сақланиб қолади. Давлат административ элитасини тўлдириш манбалари сифатида, биринчи навбатда, Миллий административ мактаблар ва бир қатор университетларни келтириш мумкин [3]. Давлат хизматчилари таркибини шакллантириш тизимида давлатнинг юқори лавозимли



мансабдор шахслари алоҳида аҳамиятга эга, хусусан, Президент баъзи мансабдор шахсларни асосий лавозимларга тайинлаш ёки бу вазифани Бош вазир зиммасига юклаш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, у вазирлар томонидан бир қатор тайинланишларни тасдиқлайди, фуқаролик маъмуриятининг идоралараро ходимларини бошқаради ва умуман марказий ҳукумат сиёсати учун жавобгардир. Ўз навбатида, Бош вазир, вазирлар тайинлашни ўз номенклатураларига мувофиқ амалга оширадilar. Бундан ташқари, Франция кадрлар сиёсати соҳасидаги асосий вазифаларни маъмурий ва давлат хизмати бош бошқармаси бажаради, у биринчи навбатда мувофиқлаштириш, назорат қилиш, ҳақ тўлаш, конкурсларни [4] ташкил этиш, туман маъмурий муассасалари устидан васийлик ва ҳоказоларни амалга оширади.

Францияда давлат хизматини ташкил этишда карьера концепти катта аҳамиятга эга. Ушбу концепт давлат хизматчисини бошқа барча касблардан фарқ қилувчи шахс сифатида тушунишга асосланади ва бу касб эгасидан ўзига хос фазилатлар билан бирга давлатга тўлиқ, холисона хизмат қилишни ҳам талаб қилади. Шу билан бирга ушбу концепт ходимга ўз хизмат вазифаларини виждонан бажариши унга керакли моддий ёрдам ва лавозимда кўтарилишни кафолатлашига ишонч ҳосил қилиш имконини беради.

Франция давлат хизмати тизимида оддий ва тезкор карьерага эришиш турлари мавжуд. Ушбу карьера турлари ўртасида маълум бир тафовут мавжуд бўлиб, оддий карьеранда мартабада кўтарилиш тахминан бир лавозимга эга бўлган барча одамларга тенг қўлланилади.

Тезкор карьеранда эса ходим маълум бир лавозимни танлайди ва унга ўтиш учун тегишли имтиҳон топширади. Имтиҳондан муваффақиятли ўтса мазкур лавозимга қўйилади. Бундай ҳолда, маъмурият ўз ходимига маълум лавозимларни эгаллаб олиш мақсадида имтиҳонларга тайёргарлик кўриш учун имтиёзли шароитларни яратади.

Франция давлат ташкилотлари икки хил - хизматга ёллаш ("очиқ давлат хизмати") ва мансаб ("ёпиқ давлат хизмати") тизимини ўзида бирлаштиради. Шунга кўра давлат хизматчилари икки катта гуруҳга бўлинган:

1) мансабдор шахслар бўлмаган, давлат идораларига шартнома асосида (уч йилгача) ёки вақтинча ишлашга (ойига 120 соатдан кўп бўлмаган) ёлланадиган ходимлар, ёрдамчи ходимлар, стажерлар;

2) давлат хизматининг таянчи бўлган давлат хизматчилари: даражасига мос равишда давлат маъмурий органи таркибига доимий штатга киритилган марказий давлат бошқаруви ва ҳудудлар маъмуриятлари, департаментлар, коммуналар ва уларнинг муассасалари ходимлари (парламент аъзолари ва умумий юрисдикция судлари судьяларидан ташқари).

Бунда мансабдор шахс - маъмурий органлар, хизматлар, давлат муассасалари ёки маҳаллий жамоалар иерархик тизимида маълум даража (унвон) олган шахс бўлиб у давлат хизматининг аниқ бир корпуси (штати) лавозимига доимий тайинланади.

Францияда давлат хизматчиларига қўйиладиган талаблар қуйидаги тоифаларга бўлинади:

А - бу тоифа юқори маълумотга (магистр даражаси, илмий даража) эга бўлган мансабдор шахсларни ўз ичига олади. Улар турли хил концепциялар ва бошқарувни ривожлантириш билан боғлиқ функцияларни бажарадилар;

Б - бу тоифа бакалавр даражасига эга бўлган ўрта даражадаги давлат хизматчиларини ўз ичига олади. Улар маъмурий котиблар, назоратчилар ва шунга ўхшаш бошқа вазифаларини бажарадилар;



С ва Д - тоифа эса амалий йўналтирилган ишчиларни қамраб олади.

Ишчиларни ёллашда эркаклар ёки аёллар учун устунлик фақат маълум бир хизмат турининг хусусиятларига асосланиб бериледи. Ишга қабул қилишда сиёсий, диний ёки фалсафий сабабларга кўра ходимга нисбатан чекловлар тақиқланади. Бироқ, маълум бир хизматнинг ўзига хос хусусиятларига тегишли махсус низомларда чекловлар белгиланиши мумкин, бу асосан ходимнинг ёши, маълумоти ва иш стажига билан боғлиқ. Масалан, "А" тоифадаги ходимлар учун ишга қабул қилишнинг энг катта ёши 35 ёш, "Б" ва "С" тоифалари учун - 45 ёш бўлиши керак.

Бундан ташқари ҳар бир тоифада бир нечта даражалар мавжуд. Даражалар - аслида даражага мос лавозимни эгаллаш ҳуқуқини берадиган унвондир. Бундан ташқари, ҳар бир даража босқичларга бўлинади, яъни мансабдор шахснинг бутун карьераси, одатда, босқичлар ва даражанинг ошиши билан ўтади, шунинг учун бирданига юқори синфга ўтиш жуда кам учрайди.

Мансабдор даражасига мувофиқ ҳар қандай лавозимга тайинланиши мумкин. Тайинлаш масаласи давлат органининг маъмурияти томонидан қабул қилинади. Бунда ходим унинг лавозимини ўзгартирмасдан иш ҳақини ошириш ёки юқори даражага ўтказиш орқали рағбатлантирилади. Мансабдор шахснинг фаолиятини баҳолашда сертификатлаш - имтиҳон муҳим рол ўйнайди. Давлат хизматида ишлаётган, мансабдор шахснинг карьераси унинг раҳбари томонидан қандай баҳоланишига боғлиқ. Баҳолаш ҳар йили ходимнинг бошлиғи томонидан ёзма равишда 0 дан 20 гача бўлган шкалага асосан амалга оширилади. Баҳолаш натижалари ходимнинг шахсий картасига киритилади. Агар ходим натижалардан норози бўлса, у судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Сўнгги пайтларда Францияда мансабдор шахслар мақомини оддий фуқаро мақомига яқинлаштириш тенденцияси кузатилмоқда, аммо бу тенденциянинг маълум бир истеснолари мавжуд. Бу истесно 1946 йилдаги Конституция ва давлат хизматини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган "ҳеч кимнинг келиб чиқиши, нуқтаи назарлари ва эътиқодлари асосида уларнинг иши ёки мавқеига тажовуз қилиниши мумкин эмас" деган формулага асосланади. Бироқ, ушбу принцип бир қатор сиёсий лавозимларга тааллуқли эмас. Яъни давлат сиёсатига тўғри келмайдиган сиёсий, диний ёки фалсафий қарашларга эга фуқаро давлат хизматида ишлашга нолийқ деб топилади.

Юқоридаги келтирилганлардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, Франция давлат хизмати тизимида кадрлар тайинлаш мезонлари ва шартлари Ўзбекистон кадрлар сиёсати принципларига мутлақо ўхшамайди. Унда Ўзбекистон раҳбар кадрларини лавозимларига тайинлаш мезонларини такомиллаштириш учун хизмат қиладиган бир қатор хусусиятлар мавжуд. Фикримизча, маълум лавозимларга раҳбарларни тайинлашда конкурс тизимини жорий этиш, номзодларни тоифаларга ажратиш (А, В, С, D), ушбу тоифага мувофиқ ёш чегараларини белгилаш, илмий даража ва унвон, номзоднинг кўзланаётган лавозим соҳасидаги иш тажрибаси каби мезонларни тизимга тадбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бурханов А. Ўзбекистонда давлат хизматига доир қонунчилик ва уни унификациялаш зарурати // Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини ислоҳ этишининг ҳуқуқий асослари: давра суҳбати материаллари. - Тошкент: Baktria press, 2015.
2. <https://www.lex.uz/acts/112170> Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида. I Боб. Умумий қоидалар
3. https://studme.org/293679/menedzhment/modeli_gosudarstvennoy_sluzhby_kontinentalnyh_evropeyskih_stran
4. <https://isfic.info/gossab/civserv106.htm>



ОСИЁДА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ВА ИШОНЧ ЧОРАЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШНИНГ МИНТАҚА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ РОЛИ

Тўйчиева Раъно Алмаатовна

Ўзбекистон Давлат Жаҳон Тиллари Университети

таянч докторанти

+998974046454

rao-tuichiyeva@mail.ru

Аннотация. Мазкур мақолада Осиёда ўзаро ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича Кенгашнинг таъсис этилиш тарихи, минтақанинг хавфсизлик сиёсатига кириб бориш жараёни, Кенгашга аъзо давлатларнинг ташкилот доирасида фаолият олиб бораётган асосий йўналишлари ҳақида баён қилинади.

Калит сўзлар. Хавфсизлик, ҳамкорлик, минтақавий муаммолар, Котибият, саммитлар.

1990-йилларнинг бошларида Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев Осиё минтақасида хавфсизлик ва ҳамкорлик механизмини яратиш ғоясини қўтарди. 1992 йилнинг 5 октябрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 47-сессиясидаги ўз чиқишида Президент Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг кўп томонлама механизмлари мавжуд эмаслигига эътиборни қаратиб, Европадаги Ҳамкорлик ва Хавфсизлик Конференцияси (ЕҲХК) каби минтақавий ташкилотни босқичма-босқич шакллантириш зарурлигини таъкидлади.

Ушбу режанинг биринчи босқичи Осиёда ўзаро ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича Кенгашни (ОҲИЧК) ташкил этишдан иборат бўлиб, Президент Н.Назарбоев томонидан илгари сурилган мазкур ташаббус ўша вақтнинг ўзидаёқ Осиёнинг 16 та давлати раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланди ва уларнинг барчаси ушбу Кенгашга аъзо бўлиш истагини билдирдилар [2].

Дастлабки босқичда ОҲИЧК унга аъзо мамлакатларнинг расмий вакиллари сифатида фаолият юритаётган экспертлар, элчилар ва сиёсатчилар даражасида ўзаро ҳамкорликнинг тармоқ формати шаклида мавжуд эди. Мазкур ташкилотга аъзо давлатлар экспертларининг учрашувларидан келиб чиққан дастлабки бўлинмалардан бири бу - янги пайдо бўлган уюшманинг ҳужжатларини тайёрловчи Махсус ишчи гуруҳ (МИГ) бўлди. 1995-2000 йиллар орасида МИГнинг тўққизта йиғилиши ўтқизилиб, улар давомида ОҲИЧК асосий ҳужжатларининг лойиҳалари кўриб чиқилди: "ОҲИЧК жараёни қоидалари", "ОҲИЧКга аъзо давлатлар ўртасидаги муносабатлар принциплари декларацияси", "ОҲИЧК тузилмаси ва институтлари" [9].

1997 йилда Қозоғистон ташаббуси билан ОҲИЧК доирасида биринчи доимий механизм - Олмаотада аккредитациядан ўтган иштирокчи давлатлар элчихоналари вакиллари билан иборат Алоқа гуруҳи ташкил этилди. МИГ каби Алоқа гуруҳи ҳам амалий ҳамкорлик масалалари билан шуғулланишга чақирилди. Унга турли маслаҳатлашувлар ва давра суҳбатлари ўтказиш, Кенгаш ҳужжатлари ва ўтқазилиб бориладиган сессиялар юзасидан экспертлар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари билан фикр ва баҳоларини билиб, таҳлил қилиб бориш вазифаси юклатилди.

ОҲИЧКнинг МИГ ва бошқа механизмлари фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уларни назорат қилиш вазифаси Катта мансабдор шахслар Кўмитаси (КМШК) зиммасига юкланди. Шундан сўнг фуқаролик жамияти ташкилотлари



кенгашлари ОҲИЧК томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини таҳлил қилиш ва долзарб масалалар бўйича фикр алмашиш учун йилига камида бир маротаба ўтқазила бошланди [6].

ОҲИЧК шаклланишидаги навбатдаги эволюцион босқич Вазирлар учрашувларининг форматини белгилаш бўлди. Ташқи ишлар вазирларининг биринчи учрашуви 1991 йилда бўлиб ўтди ва 2004 йилдан бери ушбу шаклдаги учрашувлар ҳар тўрт йилда, яъни давлат раҳбарларининг учрашувларидан икки йил олдин ўтказилиб келинмоқда. Вазирлар учрашувлари фаолияти дастлаб ОҲИЧК доирасида ҳамкорликнинг концептуал асосларини шакллантириш, асосий ва функционал йўналишларини белгилашга бағишланди. Ташқи ишлар вазирлари учрашувлари яқунлари бўйича бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Биринчи йиғилишда қабул қилинган ОҲИЧКга аъзо давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи Декларация ташкилот фаолиятининг асосий қоидаларини белгилаб берди ва Осиё хавфсизлик тизимини янада институтчионал ривожлантириш учун асос яратди. Декларациядаги қонун устуворлиги, давлат суверенитетини ҳурмат қилиш, ички ишларга аралашмаслик, куч ишлатмаслик, қуролсизланиш, қурол назорати, инсон ҳуқуқларига ҳурмат ва бошқа кўплаб йўналишлар ОҲИЧК доирасидаги давлатлараро ҳамкорликнинг асосини ташкил этди [3].

Икки кўшимча ҳужжат - Ишонч чоралари каталоги ва Жараёнлар қоидаларининг қабул қилиниши минтақавий ташкилот сифатида ОҲИЧКнинг меъёрий жиҳатдан расмийлаштирилишининг давоми бўлди. Хусусан, Каталогда бешта асосий йўналашлар белгилаб берилди: ҳарбий-сиёсий; янги таҳдидларга қарши курашиш; иқтисодий; атроф-муҳит; гуманитар [4].

ОҲИЧК Осиёда маъмурий ва мувофиқлаштирувчи вазифаларга эга бўлган доимий фаолият юритувчи орган ҳисобланади. Олмаота шаҳрида жойлашган Котибият ташкил этилганидан бери йиғилишлар ва бошқа тадбирларни маъмурий, ташкилий ва техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, аъзо давлатлар томонидан тақдим этилган ҳамда бошқа халқаро ташкилотлардан олинган ҳужжат ва маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва тарқатиш орқали ОҲИЧК фаолияти ривожлантирилиб борилаётган. Шунингдек, Котибият умумий ва аъзолар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш чоралари бўйича маълумотларни тарқатиб боради. Котибият ОҲИЧКга аъзо давлатларнинг Ташқи ишлар вазирлари томонидан тайинланган Ижрочи директор томонидан бошқарилади. Ижрочи директор мазкур лавозимини ўзининг мамлакат президенти муваффиқ амалга оширади. Ижрочи директорнинг ўринбосари Катта мансабдор шахслар Қўмитаси (КМШК)нинг тавсиясига биноан 3 йилга консенсус асосида тайинланади. Касбий лавозимларга эга бўлган ходимлар Котибиятга аъзо давлатлар томонидан юборилади, умумий ёрдамчи ходимлар эса аъзо давлатлар фуқаролари орасидан қабул қилинади. Котибиятнинг ишлаши, шу жумладан ёрдамчи ходимларни ушлаб туриш харажатлари аъзо давлатларнинг ихтиёрий (кўпинча номутаносиб) бадалларига асосланади. Ижрочи директор, унинг ўринбосари ва малакали ходимларнинг меҳнат ва тузар жой харажатлари тегишли юборувчи мамлакатлар томонидан қопланади [9].

ОҲИЧК доирасида турли ихтисослашган ташкилотлар мавжуд бўлиб, улар доимий равишда ишлаётган бўлсалар-да, уларнинг Кенгаш фаолиятини тўлдириб бориш эҳтимоли кўпроқ ва улар алоҳида тизим шакллантирувчи сифатида рол ўйнамайдилар. Улар орасида Ишбилармонлар Кенгаши, Ёшлар Кенгаши, Осиёдаги чўлланишга қарши кураш бўйича ўқув марказини (Коня, Туркия) алоҳида таъкидлаш лозим.



ОҲИЧК доирасидаги тadbирларнинг энг юқори қисмида аъзо давлатлар раҳбарлари иштирокида ўтқазилувчи Саммитлар туради. Мазкур саммитлар қамровида иштирокчи давлатлар муҳим масалаларни муҳокама қилишлари, расмий баёнотлар беришлари ва Кенгашнинг келажagini белгиловчи энг муҳим қарорларни қабул қилишлари керак. ОҲИЧКнинг биринчи саммити 2002 йил 4 июнда Олмаотада бўлиб ўтди. Саммитга 16 та аъзо давлат вакиллари: Қозоғистон, Хитой, Россия, Покистон, Туркия, Мўғулистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Афғонистон президентлари, Озарбайжон ва Ҳиндистон бош вазирлари, Эрон, Миср, Фаластин ва Исроилнинг ваколатли вакиллари, шунингдек, саккизта штат ва учта кузатувчи ташкилотлар вакиллари ташриф буюрдилар. Биринчи саммитда терроризмни тугатиш ва цивилизациялар ўртасида мулоқотни ривожлантириш тўғрисидаги Декларацияни қабул қилиш билан бир қаторда, йиғилишнинг таъсис ҳужжати, ОҲИЧКнинг минтақавий хавфсизлик институти мақомини қонуний равишда белгилаб берувчи Декларация ва ОҲИЧК Олмаота Акти ҳам имзоланди [9].

Олмаота Акти аслида ташкилотнинг Низомига айланди ва унинг кейинги ривожланишига асос яратди. ОҲИЧКнинг асосий мақсади ҳам мазкур актга биноан Осиёда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг кўп томонлама механизмларини ишлаб чиқиш ва бу борада аъзо давлатлар билан ўзаро ҳамкорликни кучайтиришдан иборат эди. Олмаота Акти минтақавий хавфсизликка таҳдидлар, жумладан, оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши, терроризм, гиёҳванд моддалар савдоси, халқаро жиноятчилик, коррупция ва бошқа долзарб муаммоларга қарши курашишни кўзлаган эди. Шунингдек, ҳужжат доирасида ишончни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар муҳим ўрин тутди, уларни амалга ошириш муайян ҳолатларга қараб низоларни ҳал қилиш ва қурол назорати бўйича келишувларга эришиш учун қулай муҳит яратиши мумкин. Ушбу тузилма ва муассасаларга бағишланган қисмда ОҲИЧК институтлари доимий бўлинмаларга ажратилади: илмий ва касбий фаолиятни амалга оширувчи институтлар – Котибият, Саммит, Катта мансабдор шахслар қўмитаси ва Махсус ишчи гуруҳ [1].

Учинчи саммитдан бошлаб ташкилотга раислик айланмасини ташкил этишга қарор қилинди. ОҲИЧКнинг ташаббускори бўлган Қозоғистон 2010 йилгача кўплаб учрашувларга мезбонлик қилди ва амалда ташкилот фаолиятини мувофиқлаштириб борди ҳамда иштирокчи давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш ишларига раислик қилди. Лекин 2010 йилда Қозоғистон ушбу вазифани Туркия Республикасига топширди ва ташкилотнинг учинчи саммити биринчи марта Қозоғистон ташқарисида - Истанбулда бўлиб ўтди. 2014 йилгача Туркия ташкилотни бошқариш вазифасини бажарди.

Бироқ, бугунги кунда раислик бошқа формулалар бўйича белгиланадиган бўлди, яъни ташкилотга аъзо давлатлар делегациялари учрашувига мезбонлик қиладиган давлат Ташқи ишлар вазирларининг навбатдаги йиғилишига қадар ОҲИЧКга раислик қилади ва аксинча, Ташқи ишлар вазирларининг кейинги йиғилишини қабул қиладиган давлат кейинги саммитгача ташкилот раисига айланади. Туркияга раисликни ўтқазиб қарори иштирокчилар ва экспертлар томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди [8]. Туркиянинг раислик фаолияти натижалари таҳлилчилар томонидан юқори баҳоланди, аммо 2014 йилга келиб ОҲИЧКнинг раислик вазифаси Хитой кўлига ўтди. Ташкилотнинг 2014 йил 21 май куни Шанхайда бўлиб ўтган тўртинчи саммити энг йирик ва эҳтимол, энг аҳамиятлиси бўлди. Унда 26 та аъзо давлат, кузатувчи мақомига эга 11 та давлат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, шерик мақомига эга бўлган 2 та халқаро ташкилот, шунингдек, 8 та халқаро ташкилотлардан таклиф этилган меҳмон мақомидаги иштирокчилар қатнашдилар.



Учрашувдан олдин ҳам, "Хитойнинг раислиги ташкилотга қандай таъсир қилади ва Пекин ўзининг ташқи сиёсий устуворликлари доирасидаги ривожланаётган ташкилотга берадиган жой ўзгарадими ёки йўқми?", деган саволлар асосий қизиқиш марказида бўлди. Айтишимиз мумкинки, умидлар оқланди. Ци Цзинпин ўзининг кириш нутқида "...минтақавий хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш ва Осиёда умумий, кенг қамровли, қўшма ва барқарор хавфсизликни илгари суриш..." зарурлигига эътибор қаратди [15]. У, шунингдек, минтақа давлатларини "Совуқ уруш ва нолга тенг ўйин"нинг эскирган фикрлаш хусусиятидан узоқлашишга ва "хавфсизлик соҳасида ҳамкорликнинг янги минтақавий архитектурасини яратишга ва биргаликда тинчликни сақлаш учун умумий ва дўстона схема яратишга, хавфсизликни умумбашарий асос қилиб олишга" чақирди. Шу билан бирга, Ци Цзинпин Осиёдаги муаммоларни ҳал қилиш ва хавфсизликни таъминлаш фақат Осиё мамлакатларининг иши бўлиши кераклигини ва ташқи минтақавий давлатлар билан ҳарбий иттифоқларни мустаҳкамлаш минтақавий хавфсизликнинг сусайишига олиб келишини таъкидлади. Ушбу баёнот Америка Қўшма Штатларига қарата Осиёда унга ҳеч қандай жой йўқ эканлигини уқтириш учун ишора эканлигини англаш жуда осон [14]. Шу ўринда, Ци Цзинпин ОҲИЧК минтақавий хавфсизликнинг янги архитектураси учун пойдевор бўлиши мумкинлигини айтиб ўтди.

ОҲИЧК минтақавий музокаралар учун ноёб майдонга айланди. Саммит доирасида 26 та мамлакатнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари икки томонлама маслаҳатлашувлар ўтказиш, шунингдек, ташкилот кун тартибига киритилган масалаларни ва икки томонлама ҳамкорликнинг бошқа жиҳатларини муҳокама қилиш имкониятига эга бўлдилар. Ўзбекистон ҳукумат вакиллари ҳам ОҲИЧК саммитларида иштирок этиб, анъанавий равишда давлат раҳбарлари билан қатор икки томонлама учрашувларни ўтказиб келмоқда, бу эса мамлакатимизга Ҳиндистон, Вьетнам ва Хитой сингари давлатлар билан алоқаларни қўллаб-қувватлашга имкон беради.

Дарҳақиқат, кўп йиллар давомида Ўзбекистоннинг ОҲИЧКдаги иштироки икки асосий сабабга асосланган эди: 1) Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш; 2) терроризм, наркотрафика ва халқаро жиноятчиликка қарши кураш бўйича алоқаларни мустаҳкамлаш. Шундан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон ОҲИЧК орқали ўзининг шимолий, шарқий ва жанубий чегараларини барқарорлаштириш ва минтақа республикалари билан муносабатларни янада яхшилашга, иқтисодий алоқаларни ўрнатишга интилди [9].

Ци Цзинпиннинг ОҲИЧК асосидаги минтақавий хавфсизлик архитектурасини яратиш ташаббуси Россиянинг Шарқий Осиёда тенг бўлмаган сиёсий ҳамкорлик тизимини шакллантириш бўйича таклифларга мослиги сабабли В.Путин томонидан ҳам қўллаб-қувватланди. Россия ва Хитойнинг Осиё хавфсизлигига нисбатан ёндашувлари уйғунлиги икки мамлакатнинг ОҲИЧК доирасидаги ҳамкорлигига ва Москванинг минтақавий хавфсизликни яратиш ғоясини қўллаб-қувватлашига асосий сабаб бўлди.

1992 йилдан бери Осиёда ўзаро ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича Кенгаш Собиқ Совет ҳудудида хавфсизлик механизмини қуриш ғоясидан Осиёда амалдаги халқаро хавфсизлик институтига айланди. Фаолият йиллари давомида Кенгаш таркибида кенгайтирилган институтциявий тузилма шакллантирилди, у давлатлараро ҳамкорликнинг барча даражаларини: экспертлар ва ишчи гуруҳларнинг йиғилишларидан тортиб, давлат ва ҳукумат раҳбарлари даражасидаги учрашувларга қадар қамраб олди.



Ташкилотнинг нисбатан тезроқ институтциялашуви унинг тизимли равишда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг маълум механизмларини такрорлаётгани билан ҳам изоҳланади. Ўтган давр мобайнида ОҲИЧК бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан кенг алоқалар ўрнатишга эришди. Ҳозирги вақтда Ташкилот Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти, Евроосиё Иқтисодий ҳамжамияти, Халқаро Миграция Ташкилоти ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти билан ўзаро англашув меморандумларини имзолади. Евроосиё интеграциялашуви концепциялари тўлқинида Қозоғистон Осиё ва Европа хавфсизлик тизимларини яқинлаштириш ғоясини илгари сурди. Н.Назарбоев биринчи қадам сифатида ОҲИЧКни ЕҲХТга қўшилишини таклиф қилди. Дастлаб, ОҲИЧК кўпчилиги томонидан Н.Назарбоевнинг номинал лойиҳаси сифатида қабул қилинди. Кенгашда иштирок этиш кўплаб мамлакатлар томонидан Қозоғистон билан муносабатларни ривожлантириш мақсадларини билдириш учун ишлатилган, шу билан бирга, ҳеч ким Н.Назарбоевнинг ОҲИЧК асосида ЕҲХТнинг Осиёча кўринишини яратиш таклифини қабул қилмади [7].

Кенгаш иштирокчилари сони ҳар йили ўсиб бормоқда ва бугунги кунда форум 26 та давлатни бирлаштирмоқда: Озарбайжон, Афғонистон, Баҳрайн, Бангладеш, Вьетнам, Миср, Исроил, Ҳиндистон, Иордания Ҳошимийлар Қироллиги, Ироқ, Эрон, Қозоғистон, Қатар, Камбоджа, Хитой, Корея Республикаси, Қирғизистон, Мўғулистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Покистон, Фаластин, Россия, Тожикистон, Таиланд, Туркия, Ўзбекистон; кузатувчи мақомидаги 7 та давлат - Индонезия, Япония, Малайзия, Филиппин, Шри-Ланка, Украина, Америка Қўшма Штатлари; 4та кузатувчи ташкилотлар - БМТ, ЕҲХТ, Араб давлатлари лигаси, Турк кенгаши. Шундай қилиб, ОҲИЧК қитъа ҳудуди ва аҳолисининг қарийб 90 фоизини қамраб олади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Кенгаш ҳудудий ҳавфсизликни таъминлаш борасидаги фаолиятларида турлича динамикага эга. Сабаби ташкилот ривожланиш жиҳатидан бир-биридан фарқ қилувчи субрегионларни бирлаштиради, бу ерда асосан ОҲИЧКнинг халқаро ташкилот сифатида ўз аъзоларининг манфаатларини уйғунлаштириб туриш қанчалик қийин эканлигини ва уларда ўзаро ўхшаш умумий жиҳатлар камлигини айтиб ўтиш лозим. Шунингдек, Япония, Австралия, Индонезия каби муҳим минтақавий ўйинчилар ОҲИЧКда иштирок этмайдилар, бу Шарқий Осиё минтақасининг етарли даражада вакиллиги йўқлигидан далолат беради [11].

Хулоса қилиб айтганда, Қозоғистон раислиги даврида ташкилот фаолиятининг асосий йўналишларидаги қийинчиликлар Кенгаш ишини ривожланишини секинлаштирди. Дастлабки босқичда аъзо давлатлар муносабатларидаги барча муаммоларни ҳисобга олиб, хавфсизлик масалалари камдан-кам муҳокама қилинди, кун тартибида эса иштирокчи мамлакатларнинг савдо-иқтисодий алоқалари барқарорлигини таъминлаш масалалари устунлик қилди.

Ҳозирда, терроризм ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний тарқалишига қарши курашиш масалаларига қўшимча равишда, Кенгаш кун тартибининг муҳим қисми хавфсизлик билан бевосита боғлиқ бўлмаган гуманитар ҳамкорлик, транспорт йўлақларининг хавфсизлиги ва самарадорлиги, гиёҳванд моддалар тарқалишига қарши кураш, ахборот технологиялари ва энергетика хавфсизлиги, шу жумладан, туризм ва атроф-муҳитни ривожлантириш каби масалаларга бағишланмоқда. Ўзаро таъсир векторларининг бундай тарқалиши унинг янги иштирокчиларни жалб қилиш ва ривожланишни давом эттиришдаги функционал имкониятларни кенгайтirmoқда, аммо бу ҳолат минтақа миқёсида жуда камчилик томонидан ОҲИЧКнинг хавфсизлик институти сифатида қабул қилинишига сабаб бўлмоқда.



Бир вақтлар Қозоғистоннинг нейтрал халқаро позицияси ва минтақавий ҳамкорликни мувофиқлаштирувчининг ўзига хос қиёфаси, шунингдек, Остонанинг ривожланишга оид сиёсатининг изчиллиги ушбу кенг ва хилма-хил иштирокчилар уюшмасига асос солиши учун замин бўлиб хизмат қилди. Ўтган вақт мобайнида Пекиннинг бирлашиш доирасида ўз мавқеини мустаҳкамлаш истаги тобора аниқ кўзга ташланди. ОҲИЧКга эса Хитой ўзининг айна мақсадига эришишида ёрдам бера олувчи энг мос институт сифатида қаради. Учрашувлар доирасида Пекин минтақада хавфсизлик масалаларини муҳокама қилиш ва Евроосиё мамлакатлари билан ҳарбий-сиёсий ҳамкорликни ўрнатиш учун ноёб имкониятларга эга бўлди. Сўнги пайтларда Хитойга йўналтирилган хавфсизлик институтлари тизимини шакллантиришда фойдаланиш мумкин бўлган ОҲИЧК формати ҳақида кўп гапирилмоқда. Келгусида бундай тизим АҚШ-Хитой рақобатининг кучайиши фониди тобора долзарб бўлиб бораётган АҚШ Иттифоқ тизими билан рақобатлаша оладиган кучга айланиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алматинский Акт. 04.06.2002. // Сайт Секретариата Совещания по взаимодействию и мерам доверия в Азии. URL: http://www.s-cica.org/admin/upload/files/Almaty_Act_rus.doc
2. Выступление Президента Республики Казахстан Нурсултана Назарбаева на 47-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН. Нью-Йорк, 05.10.1992. // Сайт Секретариата Совещания по взаимодействию и мерам доверия в Азии. URL: http://www.scica.org/page.php?page_id=364&lang=2&parent_id=82
3. Декларация принципов, регулирующих отношения между государствами-членами СВМДА. 14.09.1999. // Сайт Секретариата Совещания по взаимодействию и мерам доверия в Азии. URL: <http://www.s-cica.org/>
4. Каталог мер доверия СВМДА. 22.10.2004. // Сайт Секретариата Совещания по взаимодействию и мерам доверия в Азии. URL: <http://www.s-cica.org/>
5. Казыханов Е. СВМДА: уникальная культура диалога для Азии // Казахстанская правда. 11.09.2012. № 305. С. 3.
6. Комитет старших должностных лиц // Сайт Секретариата Совещания по взаимодействию и мерам доверия в Азии. URL: http://www.s-cica.org/page.php?page_id=176&lang=1
7. Назарбаев пригласил представителей "Тройки" ОБСЕ на саммит СВМДА / / ИА "Новости-Казахстан".14.05.2010. URL: <http://www.nur.kz/151698.html>
8. Необходимо синхронизировать деятельность СВМДА и ОБСЕ - эксперты / / РИА Новости. 07.06.2010. <http://ria.ru/world/20100607/243633604.html>;
9. О СВМДА // Сайт Секретариата Совещания по взаимодействию и мерам доверия в Азии. URL: http://www.scica.kz/page.php?page_id=65&lang=2



МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ РАИСЛАРИДА РАҲБАРЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Шакаров Акмал Исматович

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси
ТИНГЛОВЧИСИ**

Телефон: +99897 795 40 70

siyosat@umail.uz

Аннотация: Мазкур мақолада бугунги кунда фуқаролар йиғини раисларининг раҳбарлик кўникмаларини шакллантиришининг ўзига хос жиҳатлари, шунингдек, раисларни раҳбарлик фаолиятига йўналтиришда инсон омили, раҳбарнинг меҳнат фаолияти жараёнида шаклланиб борадиган характери, қобилияти, ақлий имкониятлари ва уни шакллантириш йўллари ҳамда фуқаролар йиғинлари раисларида раҳбарлик қобилиятини шакллантириш учун зарур фазилатлар ҳақида атрофлича фикр юритилади.

Калит сўзлар: раҳбарлик, раҳбарлик кўникмалари, кўникмаларни шакллантириш, етакчи, ташкилотчи, лидер, жамоа, муваффақият.

Аннотация: В данной статье обсуждаются специфика лидерских навыков председателей гражданских собраний сегодня, а также человеческий фактор в направлении руководителя к руководству, характер, способности, интеллектуальные способности и способы формирования лидера на рабочем месте, а также способность формировать лидерство у председателей. Качества, которые необходимы для нашего понимания этого предмета.

Ключевые слова: лидерство, лидерские качества, развитие навыков, лидер, организатор, лидер, команда, успех.

Annotation: This article discusses the specifics of leadership skills of chairpersons of civil assemblies today, as well as the human factor in the direction of a leader (senior) to leadership, the nature, abilities, intellectual abilities and methods of forming a leader in the workplace, as well as the ability to form leadership among chairpersons. Qualities that are necessary for our understanding of this subject.

Keywords: leadership, leadership skills, skills development, leader, organizer, leader, team, success.

Фуқаролар йиғинлари раисларида раҳбарлик кўникмаларини шакллантириш ҳозирги кундаги энг долзарб масалалардан биридир. Чунки, бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг мазмуни ва моҳиятини аҳолининг барча қатламларига етказиб, уларда дахлдорлик ҳиссини уйғотиш, одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашларига эришиш, қўйингки, кишилар кайфиятига боғлиқ барча ҳаётий масалаларнинг ҳал этилишида самарали раҳбарликнинг аҳамияти катта. Агар тарихга назар солсак, халқнинг нотинчлиги, улар ўртасидаги низолар, вайронагарчиликлар ва давлатлар ўртасида урушлар келиб чиқиши, бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилиши, халқнинг аҳволи ночор бўлиб қолишига тарихда кўп ҳолларда сотқин, виждонсиз раҳбарлар, миллатчи гуруҳбозлар сабабчи бўлганлар. Фидойи, ишчан, тажрибали, талабчан, айни пайтда кишиларга ғамхўр, замон талабларини чуқур ҳис эта оладиган, одамларнинг ишончини қозонган, кўнгли пок раҳбарлар эса тараққиётнинг ҳамма босқичларида барча муаммоларни ҳал қилишда муҳим ўрин тутганлар ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Ачинарли томони шундаки, бугунги кунда баъзи фуқаролар йиғинлари раислари



худуд аҳолиси манфаатлари билан боғлиқ муҳим масалаларни ҳал этишда, маслаҳатчиларнинг фикрларига қулоқ солмасдан, ўзининг шахсий манфаатларини ўйлаб, "мен раҳбарман, демак, менинг айтганим-айтган, деганим-деган бўлиши шарт", деб ўйлайдилар. Ушбу ҳолат ўз навбатида фуқаролар йиғини ходимлари ва аҳолиси орасида гуруҳбозлик, ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишчилик, бир-бирини менсимаслик каби иллатларнинг илдиз отишига сабаб бўлади. Худди шундай шароитда раҳбар учун ҳам, жамоа учун ҳам ноқулай вазият вужудга келадики, буни тузатиш анча мураккаб вазифага айланади.

Фуқаролар йиғинлари раислари шуни ёдда тутишлари лозимки, қачон, раҳбарнинг юраги ҳам, қўли ҳам тоза бўлса, таъмадан, ғараздан йироқ бўлса, унинг табиатида қатъиятлик билан вазминлик, талабчанлик билан ақл-заковат уйғун бўлса, фақат шундагина у одамларнинг ғам-ташвишини ўз қалб қўридан ўтказишга қодир бўлади.

Раҳбарнинг ғоявий таъсир этиш омиллари



Раҳбарда шаклланган маънавий маданият аждодлардан ўзлаштирилган, шунингдек, катта авлод томонидан эришилган барча фазилатлар тўплами билан характерланади. Раҳбардаги маданият - унинг раҳбарлик фаолият усули ва ривожланиш мезонидир. Шу боис фуқаролар йиғинлари раислари ўзларида раҳбарлик салоҳиятини шакллантириш учун билимини, савиясини, ташаббускорлик қобилиятини ошириб бориши талаб этилади. Чунки билим раҳбарнинг хоҳиш истакларни чегаралай билиш, ўзини ташқи тазйиқ ва таъсирлардан ҳимоя қила олиш воситасидир.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, маънавий жиҳатдан шаклланган раҳбар бўлиш - бу ҳар қандай ижтимоий муҳитда ўзини тута билиш, ўзи раҳбарлик қилаётган жамоада ва аҳоли орасида соғлом турмуш муҳитини яратишдан ва инсонларга самимий муносабатда бўлишдан қониқиб яшашдир.

Раҳбарлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс юксак инсоний фазилатларга



эга бўлиши лозим. Раҳбарликка эгри йўл, эгри қўл, эгри мақсад билан эришиб бўлмайди. Қинғир йўллар билан эришгани билан охири яхшиликка олиб келмайди. Шунингдек, феъл-атворида эгрилик бор киши раҳбарлик лавозимида узоқ фаолият юритолмайди. Ҳақиқий раҳбар, ҳақиқий етакчи ҳалол ва пок, виждонли, иймонли, қаттиққўл, диёнатли, меҳр-шафқатли бўлиши керак. Шу билан бирга, у ўзи бошқараётган жамоа орасида обрў-эътиборга эга бўлиши, ўзини камтар тутиши зарур.

Бундан ташқари, фуқаролар йиғинлари раисларида раҳбарлик қобилиятини шакллантириш учун қуйидаги махсус фазилатлар ҳам зарур:

- ташаббускорлик, доимо янги имкониятларни излаб топиш;
- вақтдан, шунингдек вазиятдан ҳамиша унумли фойдалана олиш;
- ҳаётда ҳар доим бошқалардан бир қадам олдинда юриш;
- бўладиган ўзгаришларни олдиндан кўра билиш;
- қатъиятли, тиришқоқ, сабр-бардошли бўлиш;
- учрайдиган ҳар хил қийинчилик ва тўсиқларга тайёр туриш, уларни иродавий қатъиятлилик билан енгиш;
- мақсадни аниқ белгилаб, унга эришишга ҳаракат қилиш;
- ҳар бир ишда масъулиятни чуқур ҳис этиш;
- фаолият соҳаси юзасидан етарли даражада илмий-амалий ахборотга эга бўлиш;
- мунтазам равишда раҳбарлик фаолиятини олдиндан қатъий режалаштириш ва унга амал қилиш;
- одамларни ўзи илгари сурган янги ғояни амалга оширишга кўндириш, даъват қилиш ва йўналтириш;
- иш юритишда мустақил бўлиш;
- маълум бир пайтларда таваккалчиликка йўл қўйиш ва унинг натижасини тасаввур қила олиш, шу тариқа юксак самарадорликка эришиш .

Раҳбар нафақат ўзи эркин бўлиши, балки ўзи ишлаётган жамоа аъзоларининг ҳам эркинлигини ҳурмат қилиши лозим. Шунингдек, раҳбар фаолиятига ҳеч ким қонунсиз аралашуви мумкин эмас. Шу билан бирга раҳбар ҳам ўзи раҳбарлик қилаётган жамоа аъзоларининг меҳнат фаолиятига қонунсиз халақит бермаслиги зарур.

Раҳбар ўзига бўйсунувчи ходимларининг майда-чуйда камчиликларига бардошли бўлиши, уларга ишониши лозим. Ўзаро келишмовчиликларга йўл қўймаслик раҳбарлик одобининг муҳим тамойили ҳисобланади. Шу ўринда, раҳбарнинг маънавий маданияти нима?, деган савол пайдо бўлади. Ушбу саволга бир сўз билан шундай жавоб бериш мумкин: "маънавий маданият - раҳбарда шаклланган ички руҳий қувватдир" .

Ўзаро муносабатларда баъзан ҳар хил келишмовчиликлар, фикрлар хилма-хиллиги, қарашларнинг тўла бўлмаган мослиги ҳам бўлиб туради. Шундай пайтларда маънавий маданиятнинг муҳим белгиси бўлган одоб меъёрлари раҳбарга вазиятни мураккаблаштирамаслик имконини беради. Чунки раҳбарлик одоби айни пайтда ўзаро тенглик ва одилликка асосланади. Бу нарса томонларнинг ўз фаолиятини объектив баҳолашга ёрдам беради. Лекин шуниси ҳам борки, раҳбар қийинчилик билан эришган обрў-эътиборини арзимас хатти-ҳаракати билан йўқотиб қўйиши ҳам мумкин. Қилинган телефонга ёки шикоят, арз битилган хатга вақтида жавоб қайтармаслик, одамларга кўполлик қилиш, эътибор бермаслик, манманлик шулар жумласидандир. Умуман, раҳбар ўз обрўсини сақлаш учун жуда кўп ахлоқий, маънавий-маърифий талабларга риоя қилиши зарур. Ҳатто раҳбарнинг нутқ маданияти, муомаласи, кийиниши, кўриниши, ўзини тута билиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.



Раҳбар муваффақиятли фаолият юритиши учун қуйидагиларга қатъий риоя қилиши зарур:

- " берган ваъдасини доим ўз вақтида бажариши керак;
- " мағрурланиб кетмаслик, жамоа ўртасида камтар, ўзига ортиқча баҳо бермаслиги зарур;
- " фақат ўзининг нуқтаи назарини, фикрини ўтказиш эмас, ўзгаларнинг ҳам фикри билан ҳисоблашиши зарур;
- " ходимлар ҳамда маслаҳатчиларнинг билим ва малакаларини қадрлаши лозим;
- " ўзининг иштироки зарур бўлган масалаларнигина ҳал қилишда қатнашиши шарт;
- " қўл остидаги ходимлар ва маслаҳатчиларни мақташ, керак бўлса рағбатлантириш, уларнинг ўринли фикрларини маъқуллаш, бу каби тadbирларни жамоатчилик олдида амалга ошириш керак;
- " ҳар қандай шароитда жамоа олдида ўзини йўқотиб қўймаслиги зарур;
- " фаолиятидаги ҳар бир хато ва камчиликларини синчиклаб таҳлил қилиб, керакли сабоқ чиқариб бориши лозим.

Раҳбарлик фаолиятини одамларга маъқул даражада олиб бориш учун юқорида айтилганлар ҳали етарли эмас. Чунки маҳалла фуқаролар йиғинларига раҳбар бўлиш жуда қийин. Боиси, фуқаролар йиғини аъзолари кўпчиликни ташкил этади. Шундай экан, уларнинг фикри, дунёқараши, маънавияти, характери, руҳияти ҳам турлича бўлади. Шунинг учун раҳбар уларнинг турли-туман, яхши-ёмон ишларини кузатиб, ғам-ташвишларидан хабардор бўлиб туриши керак бўлади, токи ҳеч бир иш раҳбарнинг назаридан четда қолмасин. Агар раҳбар фақат бошқарув ишларини, ўз шахсий манфаатлари билан банд бўлиб қолса, фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи аҳолининг юриш-туришига, муаммоларига бефарқ бўлса, унда бу раҳбардан воз кечиш лозим. Чунки бундай раҳбарлар давлатга ҳам, жамиятга ҳам зарар келтиради.

Фуқаролар йиғинлари раислари раҳбарлик фаолиятининг муҳим жиҳатларидан яна бири муомала маданияти ҳисобланади. Ёқимли ва мулойим суҳбат олиб бориш раҳбарликда катта ютуққа олиб келади. Бунда қуйидаги меъёрларга риоя қилиши зарур:

- мулоқотда раҳбарга нисбатан салбий фикр билдирилса ҳам, раҳбар ўзини ҳақ деб ҳисобламаслиги ва ноўрин хатти-ҳаракатлардан тийилиши лозим;
- раҳбар мурожаат қилувчини тушунишга ҳаракат қилиши зарур. Бир-бирини тушунмаслик ҳар икки томон учун ҳам маъқул қарорга келишга халақит беради;
- фуқаролар йиғинига ташриф буюрувчилар билан самимий мулоқотда бўлиш. Мулоқотда суҳбатдош уни эшитишни хоҳламаса ҳам раҳбар бир иложини топиб, унинг эътиборини ўзига жалб қилиши лозим. Бу ўртадаги муносабатларнинг яхшиланишига олиб келиши мумкин.
- мурожаат этувчиларга берилган маълумот етарли асосларга эга бўлиши керак. Маълумот хато ёки ёлғон бўлса, мулоқот муваффақиятсиз тугайди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, мулоқотда баъзан томонларнинг бир-бирини танқид қилишига ҳам тўғри келади. Танқид ишга тўсқинлик қилувчи эмас, балки раҳбарликнинг яхши бўлишига ёрдам берадиган бўлиши лозим.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тавсияларга амал қилган раҳбар ўз фаолиятида доимо ижобий натижаларга эришиб бориши табиий.

ХУЛОСА

Маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг раҳбарлик фаолияти жуда серташвиш ва айни пайтда масъулиятли соҳа ҳисобланади. Ҳаётнинг ўзи бир маромда турмайди. Раҳбар учун ҳар бир кун қандайдир янгилик, ўзгариш олиб келади. У эса доим



ҳаётдан бир қадам олдинда юрмоғи лозим. Жамиятдаги, одамлар орасидаги мавқеини, обрў-эътиборини, ҳурматини сақлаш учун у тинмай ўз устида ишлаши зарур. Турғунлик, одамлар орасида бўлмаслик ҳозирги шиддатли давр раҳбарига тўғри келмайди.

Фуқаролар йиғини раислари маҳаллаларни ободонлаштириш, ҳашар ва турли тадбирлар уюштиришдан бошлаб, кичик ва ўрта тадбиркорлик тизимини ташкил этиш, ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш, хотин-қизларни оилавий шароитига мос келадиган қулай иш жойлари билан таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, тўй-ҳашам ва маъракаларни анъаналаримизга мос ҳолда ихчам ўтказиш каби вазифаларни йиғин томонидан сайланган котиб ва маслаҳатчилар ёрдамида бажариб келишмоқдалар. Шунини алоҳида айтиш жоизки, ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллада яшовчи фуқаролар учун жамоатчилик ташаббуси ва фаолияти мактаби бўлиб келмоқда.

Юқоридагилар билан бир қаторда фуқаролар йиғинларининг раислари ўз фаолиятлари давомида "Фуқаролар йиғини тўғрисида"ги Низомда белгиланган вазифаларни амалга оширадиган, шунингдек, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги учун мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида қонунда белгиланган тартибда тегишли давлат органларига ва бошқа корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларга тақдимномалар киритиш каби кўплаб ваколатларидан фойдаланишларига тўғри келади. Бунинг учун эса уларда юксак даражадаги раҳбарлик хислатлари шаклланган бўлиши лозим.

Раҳбарлар билан оддий одамлар ўртасидаги муносабатлар маданиятчилик қоидаларига асосланмоғи керак. Бу қоидалар ижтимоий бурчни юксак даражада англаш, кишилар ўртасида инсонпарварлик муносабатлари, ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик ва биродарлик кабилардан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Н.Боймуродов Раҳбар психологияси. "Янги аср авлоди", Т.2007.
2. З.Рўзиев Фуқароларнинг ўзи ўзи бошқариш органларининг ваколатлари. - Т.: "Истиқлол нури", 2016 й.
3. А.Жалилов "Transformation Of Mahalla In The Context Of Community Education". - International Journal for Social Studies, 2019 йил.
4. А.Жалилов Фуқаролик жамияти асослари ўқув қўлланма.-Т. 2015.
5. Г.Исмаилова Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органларини либераллаштиришнинг давлат ҳуқуқий йўналишлари.-Т.: "Академия" 2013.
6. Г.Маликова Маҳалла институти ривожланишининг тарихий-ҳуқуқий масалалари. - "Янги китоб" 2017.
7. М.Ғуломов Маҳалла - фуқаролик жамиятининг асоси.-Т.: "Адолат" 2003.
8. Я.Олламов ва Х.Саидова Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий назарий ва амалий масалалари.-Т.: 2006.
9. А.Ваҳобов Давлат ҳокимиятининг маҳаллий бошқарув ва ўзини ўзи бошқариш органлари // Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат. - Т.: "Адолат".



ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНING ЁШ АВЛОДНИ ЎҚИТИШДА АҲАМИЯТИ

Доцент Жамолов Марат Жамолович
Самарканд давлат тиббиёт институти
suyunova-samdti@mail.ru

Аннотация: Мақолада Ҳаракатлар стратегияси доирасида таълим соҳасининг барча бўғинларини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш ҳақида ёзилган. Хусусан, давлатимиз томонидан мактабгача таълим тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилгани фактлар асосида асослаб берилган.

Калит сўзлар: Ҳаракатлар стратегияси, давлат дастурлари, мактабгача таълим, ёш авлод, таълим, тарбия.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан 2017 йил 7 февралда ишлаб чиқилган ва қабул қилинган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" мамлакатимизнинг кейинги тараққиёт йўналишини белгилаб берувчи асосий сиёсий ва ҳуқуқий ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ҳақли равишда асослаганларидек, "Стратегия, бу- янгилашиш жараёнларининг ҳақиқий ҳаракатлар дастуридир. Бу ҳужжат ҳозирги вақтда ҳаётимизга изчил жорий этилмоқда" [1].

Мазкур Фармонга берилган шарҳда Ҳаракатлар стратегиясининг аҳамияти алоҳида таъкидланиб, бу борадаги лойиҳаларни тайёрлаш давомида аҳолининг кенг қатламлари орасида қизгин муҳокамалар олиб борилгани, улар турли ахборот майдонларига жойлаштирилгани, бунинг натижасида кўплаб таклиф ва мулоҳазалар келиб тушгани, хусусан, "Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими" порталида йўлга қўйилган муҳокамалар туфайли келиб тушган 1310 та таклиф-мулоҳоза асосида "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурининг 41 та банди қайта кўриб чиқилгани қайд этилади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимизда ҳам, чет эл ижтимоий-сиёсий доиралари томонидан ҳам катта қизиқиш ва эътибор билан ўрганилмоқда. Бу борада атоқли олимлар, нуфузли эксперт ва кузатувчилар, турли даражадаги кўзга кўринган раҳбарлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқдалар. Ҳаракатлар стратегиясининг ҳар бир устувор йўналиши мамлакатимиз барқарор тараққиёти учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар қўйидагилардан иборат[2].

Биринчи йўналишда давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари алоҳида белгилаб берилади. Унда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис ва сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, шу орқали қонун устуворлигига эришиш асосида жамиятда бошқарувнинг эркин ва халқ ҳокимиятчилиги тамойилларини чуқурлаштиришга эришилади. Давлат бошқаруви тизимини либераллаштириш, турли бюрократик тўсиқларни камайтириш, давлат бошқарувида кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлаш чораларини кўриш бўйича аниқ ғоялар илгари сурилади. Очиқ жамият қуриш, давлат ва фуқаро муносабатларини мустаҳкамлаш ва натижада Ўзбекистон Республикасининг конституциясида муҳрлаб қўйилганидек, давлатнинг ягона ва бирдан-бир манбаи халқ экани, давлат халқ манфаатларини ҳимоя қилиши, айни пайтда халқ ўз



мақсад ва интилишларини, орзу-умидларини давлат тимсолида кўриши каби принцип ва қоидаларни тўлиқ амалга ошириш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Иккинчи йўналиш қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан иборат. Бунда суд ҳокимиятининг чинакам самарадорлигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш устувор вазифа қилиб қўйилди. Мазкур йўналишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, қонун устуворлигига эришиш орқали инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, қабул қилинган барча қонунларнинг тўла ва самарали ишлаши бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширишга жиддий эътибор берилади. Олий суд фаолиятини ислоҳ қилиш, унинг замонавий, ҳозирги кун талаблари асосида ишлайдиган тизимини вужудга келтириш борасида янги ғоялар илгари сурилди. Жумладан, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш орқали адолатли, халқчил, фуқаролар манфаатларини тўла ҳимоя қила оладиган, уларнинг муаммоларини ўз вақтида ҳал қилиб берадиган суд тизимини вужудга келтириш талаб этилади. Шу йўналишда ўтган йили мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизми ислоҳ этилди. Туман, шаҳар ва вилоятлар миқёсида маъмурий, жиноят, фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича судлар тизими ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилиб унинг ваколати доирасига судьяликка номзодларни танлаш, судьяларни малакасини ошириш ҳамда судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминоти киритилди. Ўзбекистон Республикасининг "Конституциявий суди тўғрисида"ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди [3].

Учинчи йўналиш иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларини ўзида ифода этади. Бунда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатдошлилигини ошириш, мамлакат экспорт салоҳиятини кучайтириш бош вазифа қилиб қўйилган.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, тупроқ унумдорлигини ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш, янги ва харидоргир маҳсулотлар етиштириш орқали жаҳон бозорига чиқишнинг янги йўналишларини жорий этиш назарда тутилади.

Иқтисодий давлат иштирокини камайитириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, мулкка эгалик қилиш ва унинг ҳажмини ошириш орқали юқори самарадорликка эришиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, уни рағбатлантириш мўлжалланмоқда.

Тўртинчи йўналишда ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ўз ифодасини топган. Бунда аҳоли бандлиги ва унинг реал даромадларини изчил ошириш, жумладан, меҳнатга лаёқатли аҳоли қатлами учун янги иш ўринлари яратиш, меҳнат фаолиятининг янги шакл ва турларини жорий этиш назарда тутилмоқда. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш орқали жамиятда соғлом турмуш тарзини янада чуқурлаштириш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Шунингдек, аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш, ҳаёт шароитларини яхшилаш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни модернизация қилиш орқали узоқ истиқболга мўлжалланган ва муносиб турмуш даражасини таъминлайдиган юксак маданиятли яшаш шароитига эришиш чора-тадбирларини кўриш энг муҳим вазифа қилиб қўйилган. Таълим-тарбия ва илм-фан соҳасини ривожлантиришга, ҳар томонлама баркамол, етук инсон - юқори малакали мутахассисни тарбиялашга



алоҳида эътибор берилади. Бу эса ёшларга оид давлат сиёсатини бутун чоралар билан такомиллаштиришни тақозо этади.

Ҳаракатлар стратегияси доирасида таълим соҳасининг барча бўғинларини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш борасида ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлатимиз томонидан мактабгача таълим тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини ислоҳ қилиш йўналишида Матабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. "Мактабгача таълим тизимини тубдан такокиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси президенти фармони қабул қилинди.

Бешинчи йўналиш хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор вазифалар билан боғлиқ бўлиб, бунда дунё қалқиб турган, турли минтақаларда уруш давом этаётган, қон тўкилаётган бир шароитда миллий хавфсизликни таъминлашга жиддий эътибор бериш энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Ўндан ортиқ диний конфессиялар, 130дан зиёд миллат ва элат вакиллари яшаётган Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ўзаро ишонч, бир-бирини тушуниш, турли эътиқод ва маданиятларни ҳурмат қилиш сингари бағрикенглик фазилатларини янада чуқурлаштиришнинг аҳамияти беқиёс эканлиги таъкидланади. Ўзбекистон деб аталган умумий хонадонимиз, 32 миллионли оиламиз истиқболи учун диний эътиқоди, миллий мансублиги, касбу кори ва ёшидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро масъул эканини англаш, фарзандларимизни шу руҳда тарбиялаш асосий вазифа этиб белгиланган. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланганидек, давлатларнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлигини сақлаш, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа қоида ва нормаларига асосланиб, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат олиб бориш бўйича устувор йўналишларини ишлаб чиқиш муҳим вазифа қилиб қўйилган.

Айтиш мумкинки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ўтган 27 йил давомида мамлакатимиз эришган улкан ютуқлар, тарихий тажрибаларни умумлаштириб, ҳозирги кунда даврнинг ўзи олдимизга қўяётган долзарб масалаларни ҳисобга олиб, кейинги беш йилга ва ундан кейинги даврга мўлжалланган тарихий тараққиётнинг янги уфқларини очиб беришга қаратилган бўлиб, у ўзининг моҳият эътибори билан Ўзбекистонни янги ривожланиш босқичига кўтаришни таъминлайдиган стратегик дастурдир[4].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20-апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ- 2909, 2017 йил 26 сентябрдаги "Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ- 3289 каби қарорлар айнан шу мақсадга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Зеро Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг таъкидлаганларидек, "Биз таълим ва тарбия тизимини барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг 1-даражали вазифамиз деб ўйлаймиз" [5].

Республикамизда етакчи педагог, файласуф олимлар томонидан бу соҳада муносиб ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Миллий университетида, Тошкент педагогика университетида, Самарқанд давлат



университетида, Самарқанд давлат медицина институтида, Имом Бухорий халқаро марказида чоп этилаётган янги дарсликлар, ўқув қўлланмалар талаба ва ўқитувчиларнинг бу борадаги эҳтиёжларига қаратилган.

Юқоридаги келтирилган қўлланмаларда ҳозирги замон ижтимоий фанларини ўқитиш билан боғлиқ бўлган инновацион технологиялар ўз аксини топган. Шу боис таълим тизимида ўқитилаётган ижтимоий-гуманитар фанлар доирасида фуқаролик жамиятида барқарор тараққиётни таъминлашда Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти ҳамда асосий йўналишларини ўқувчиларга очиб бериш муҳим ўрин тутди, деб ўйлаймиз.

Адабиётлар руйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқини ўрганиш бўйича Илмий-оммабоп рисола.Т.: "Маънавият", 2017, 4-бет.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасининг "2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси. 2017, 7-февраль.

3. Ж.Яхшилик Н.Э. Муҳаммадиев Миллий ғоя - тараққиёт стратегияси. - Т.: Фан. 2017.

4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат Дастурини ўрганиш бўйича илмий услубий рисола.Т.: "Маънавият", 2017.

5. Ш.Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш- юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Т.: Ўзбекистон, 2017 й., 22-бет.



ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИНГ ЁШ АВЛОДНИ ЎҚИТИШДА АҲАМИЯТИ

Доцент Жамолов Марат Жамолович
Самарканд давлат тиббиёт институти
suyunova-samdti@mail.ru

Аннотация: Мақолада Ҳаракатлар стратегияси доирасида таълим соҳасининг барча бўғинларини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш ҳақида ёзилган. Хусусан, давлатимиз томонидан мактабгача таълим тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилгани фактлар асосида асослаб берилган.

Калит сўзлар: Ҳаракатлар стратегияси, давлат дастурлари, мактабгача таълим, ёш авлод, таълим, тарбия.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан 2017 йил 7 февралда ишлаб чиқилган ва қабул қилинган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" мамлакатимизнинг кейинги тараққиёт йўналишини белгилаб берувчи асосий сиёсий ва ҳуқуқий ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ҳақли равишда асослаганларидек, "Стратегия, бу- янгилашиш жараёнларининг ҳақиқий ҳаракатлар дастуридир. Бу ҳужжат ҳозирги вақтда ҳаётимизга изчил жорий этилмоқда" [1].

Мазкур Фармонга берилган шарҳда Ҳаракатлар стратегиясининг аҳамияти алоҳида таъкидланиб, бу борадаги лойиҳаларни тайёрлаш давомида аҳолининг кенг қатламлари орасида қизгин муҳокамалар олиб борилгани, улар турли ахборот майдонларига жойлаштирилгани, бунинг натижасида кўплаб таклиф ва мулоҳазалар келиб тушгани, хусусан, "Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими" порталида йўлга қўйилган муҳокамалар туфайли келиб тушган 1310 та таклиф-мулоҳоза асосида "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурининг 41 та банди қайта кўриб чиқилгани қайд этилади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимизда ҳам, чет эл ижтимоий-сиёсий доиралари томонидан ҳам катта қизиқиш ва эътибор билан ўрганилмоқда. Бу борада атоқли олимлар, нуфузли эксперт ва кузатувчилар, турли даражадаги кўзга кўринган раҳбарлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқдалар. Ҳаракатлар стратегиясининг ҳар бир устувор йўналиши мамлакатимиз барқарор тараққиёти учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар қўйидагилардан иборат[2].

Биринчи йўналишда давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари алоҳида белгилаб берилади. Унда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис ва сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, шу орқали қонун устуворлигига эришиш асосида жамиятда бошқарувнинг эркин ва халқ ҳокимиятчилиги тамойилларини чуқурлаштиришга эришилади. Давлат бошқаруви тизимини либераллаштириш, турли бюрократик тўсиқларни камайтириш, давлат бошқарувида кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлаш чораларини кўриш бўйича аниқ ғоялар илгари сурилади. очиқ жамият қуриш, давлат ва фуқаро муносабатларини мустаҳкамлаш ва натижада Ўзбекистон Республикасининг конституциясида муҳрлаб қўйилганидек, давлатнинг ягона ва бирдан-бир манбаи халқ экани, давлат халқ манфаатларини ҳимоя қилиши, айни пайтда халқ ўз



мақсад ва интилишларини, орзу-умидларини давлат тимсолида кўриши каби принцип ва қоидаларни тўлиқ амалга ошириш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Иккинчи йўналиш қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан иборат. Бунда суд ҳокимиятининг чинакам самарадорлигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш устувор вазифа қилиб қўйилди. Мазкур йўналишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, қонун устуворлигига эришиш орқали инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, қабул қилинган барча қонунларнинг тўла ва самарали ишлаши бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширишга жиддий эътибор берилди. олий суд фаолиятини ислоҳ қилиш, унинг замонавий, ҳозирги кун талаблари асосида ишлайдиган тизимини вужудга келтириш борасида янги ғоялар илгари сурилди. Жумладан, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш орқали адолатли, халқчил, фуқаролар манфаатларини тўла ҳимоя қила оладиган, уларнинг муаммоларини ўз вақтида ҳал қилиб берадиган суд тизимини вужудга келтириш талаб этилади. Шу йўналишда ўтган йили мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизми ислоҳ этилди. Туман, шаҳар ва вилоятлар миқёсида маъмурий, жиноят, фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича судлар тизими ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилиб унинг ваколати доирасига судьяликка номзодларни танлаш, судьяларни малакасини ошириш ҳамда судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминоти киритилди. Ўзбекистон Республикасининг "Конституциявий суди тўғрисида"ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди [3].

Учинчи йўналиш иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларини ўзида ифода этади. Бунда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатдошлилигини ошириш, мамлакат экспорт салоҳиятини кучайтириш бош вазифа қилиб қўйилган.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, тупроқ унумдорлигини ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш, янги ва харидоргир маҳсулотлар етиштириш орқали жаҳон бозорига чиқишнинг янги йўналишларини жорий этиш назарда тутилади.

Иқтисодий давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, мулкка эгалик қилиш ва унинг ҳажмини ошириш орқали юқори самарадорликка эришиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, уни рағбатлантириш мўлжалланмоқда.

Тўртинчи йўналишда ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ўз ифодасини топган. Бунда аҳоли бандлиги ва унинг реал даромадларини изчил ошириш, жумладан, меҳнатга лаёқатли аҳоли қатлами учун янги иш ўринлари яратиш, меҳнат фаолиятининг янги шакл ва турларини жорий этиш назарда тутилмоқда. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш орқали жамиятда соғлом турмуш тарзини янада чуқурлаштириш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. шунингдек, аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш, ҳаёт шароитларини яхшилаш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни модернизация қилиш орқали узоқ истиқболга мўлжалланган ва муносиб турмуш даражасини таъминлайдиган юксак маданиятли яшаш шароитига эришиш чора-тадбирларини кўриш энг муҳим вазифа қилиб қўйилган. Таълим-тарбия ва илм-фан соҳасини ривожлантиришга, ҳар томонлама баркамол, етук инсон - юқори малакали мутахассисни тарбиялашга



алоҳида эътибор берилади. Бу эса ёшларга оид давлат сиёсатини бутун чоралар билан такомиллаштиришни тақозо этади.

Ҳаракатлар стратегияси доирасида таълим соҳасининг барча бўғинларини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш борасида ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлатимиз томонидан мактабгача таълим тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини ислоҳ қилиш йўналишида Матабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. "Мактабгача таълим тизимини тубдан такокиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси президенти фармони қабул қилинди.

Бешинчи йўналиш хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор вазифалар билан боғлиқ бўлиб, бунда дунё қалқиб турган, турли минтақаларда уруш давом этаётган, қон тўкилаётган бир шароитда миллий хавфсизликни таъминлашга жиддий эътибор бериш энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Ўндан ортиқ диний конфессиялар, 130дан зиёд миллат ва элат вакиллари яшаётган Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ўзаро ишонч, бир-бирини тушуниш, турли эътиқод ва маданиятларни ҳурмат қилиш сингари бағрикенглик фазилатларини янада чуқурлаштиришнинг аҳамияти беқиёс эканлиги таъкидланади. Ўзбекистон деб аталган умумий хонадонимиз, 32 миллионли оиламиз истиқболи учун диний эътиқоди, миллий мансублиги, касбу кори ва ёшидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро масъул эканини англаш, фарзандларимизни шу руҳда тарбиялаш асосий вазифа этиб белгиланган. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланганидек, давлатларнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлигини сақлаш, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа қоида ва нормаларига асосланиб, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат олиб бориш бўйича устувор йўналишларини ишлаб чиқиш муҳим вазифа қилиб қўйилган.

Айтиш мумкинки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ўтган 27 йил давомида мамлакатимиз эришган улкан ютуқлар, тарихий тажрибаларни умумлаштириб, ҳозирги кунда даврнинг ўзи олдимизга қўяётган долзарб масалаларни ҳисобга олиб, кейинги беш йилга ва ундан кейинги даврга мўлжалланган тарихий тараққиётнинг янги уфқларини очиб беришга қаратилган бўлиб, у ўзининг моҳият эътибори билан Ўзбекистонни янги ривожланиш босқичига кўтаришни таъминлайдиган стратегик дастурдир[4].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20-апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ- 2909, 2017 йил 26 сентябрдаги "Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ- 3289 каби қарорлар айнан шу мақсадга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Зеро Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг таъкидлаганларидек, "Биз таълим ва тарбия тизимини барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг 1-даражали вазифамиз деб ўйлаймиз" [5].

Республикамизда етакчи педагог, файласуф олимлар томонидан бу соҳада муносиб ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Миллий университетида, Тошкент педагогика университетида, Самарқанд давлат



университетида, Самарқанд давлат медицина институтида, Имом Бухорий халқаро марказида чоп этилаётган янги дарсликлар, ўқув қўлланмалар талаба ва ўқитувчиларнинг бу борадаги эҳтиёжларига қаратилган.

Юқоридаги келтирилган қўлланмаларда ҳозирги замон ижтимоий фанларини ўқитиш билан боғлиқ бўлган инновацион технологиялар ўз аксини топган. Шу боис таълим тизимида ўқитилаётган ижтимоий-гуманитар фанлар доирасида фуқаролик жамиятида барқарор тараққиётни таъминлашда Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти ҳамда асосий йўналишларини ўқувчиларга очиб бериш муҳим ўрин тутади, деб ўйлаймиз.

Адабиётлар руйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқини ўрганиш бўйича Илмий-оммабоп рисола.Т.: "Маънавият", 2017, 4-бет.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасининг "2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси. 2017, 7-февраль.

3. Ж.Яхшиликков Н.Э. Муҳаммадиев Миллий ғоя - тараққиёт стратегияси. - Т.: Фан. 2017.

4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат Дастурини ўрганиш бўйича илмий услубий рисола.Т.: "Маънавият", 2017.

5. Ш.Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш- юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Т.: Ўзбекистон, 2017 й., 22-бет.

TADQIQOT.UZ
ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 16-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ

(5-қисм)

Маъсул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.05.2020

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000